

У. Ғ. Дехқонов

Она юртим ранглари

Бадий, публицистик қарашлар

Мақолаларнинг аксари вилоят рўзномаларида чоп этилган

Ушбу китоб талаба ёшларимизни манавий, марифий тарбиси йўналишида қўлланилиши мумкин

Электрон манзил: znaniyasila7@yandex.ru

Наманган - 2024

Мундарижа

Кириш сўзи.....	6
Ёз ёмғири.....	8
Яна сен ҳақингда.....	14
Соддалик сирлар.....	29
Футболимизга миллий рух керак.....	35
Дадам албатта келади.....	44
Савоб бўлади.....	49
Яратганга яқин одамлар.....	59
Кутиш баҳти.....	78
Жамият.....	85
Ўқитувчилик касбига қўйилган исканжа.....	86
Айтилмай қолган гаплар.....	96
Эл оғзига элак тутиб бўлмайди.....	117
Яхшилиқни қадрлаш яхши.....	119
XX–аср фожеаси.....	132
Илтижо.....	141

КИРИШ СЎЗИ

Ушбу жамланма бир неча йилликлар даврида йиғилиб қолган ёзмаларимдир. Жамиятга қарашларим, унда юз берган воқеликларга қарата билдирилган фикрларимнинг мажмуасидир.

Куйида битилган фикрларни ҳеч ким айтмаган дейиш жуда ақлсизлик. Аслида ҳаётда айтилмаган, яшалмаган фикрлар қолмаган бўлса керак. Мазмун шундаки, фикр узига хос, ўзига мос ўз замони руҳи билан айтилади холос. Ёзилганларда зарра бир ҳақиқат бўлса замондош дунёсига сингиш хусусияти булади, уларда.

Ушбу жамланган фикрлар менинг ҳаётимдаги кузатишларим ва жамиятдаги турли одамлар ҳаётига бўлган қарашларимдан тугилган ҳулосаларим десам тўғри бўлади, уларда бўрттирмалар деярли йўқ, воқеликлардаги мен кечирган руҳий ҳолатларни ўқувчи билан баҳам кўришга, аниқроғи ўқувчини ҳам шу руҳий майдонга етаклашга, олиб боришга бўлган интилиш бор холос.

Жамланмада дин ва дунё муносабатларига алоқадор фикрлар келтирилган, Ватан тушинчаси ҳақида ўз туйғуларимни баён қилганман. Ёшларимиз бутун виждларидан ҳис этишлари, керакки, Ватандан муқаддасроқ даргоҳ йўқ, чунки унингсиз бизлар инсон сифатида мавжуд бўла олмаймиз. Уни Озод, соғ ва оман сақлаш, унинг йўлига тўғоноқ бўлаётганлар билан эса фақат ва фақт илим–фанни, касб–ҳунарни ўзлаштириш, уларни профессионал даражага кўтариш билангина кураш олиб бориш мумкин. Бу фикрлар Ш. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган чақириғи билан ҳудудларимизни қамраб олди. Дарҳақиқат, сизлар қандай бўлсангизлар йигирма–ўттиз йилдан кейинги Ўзбекистон шундай бўлади.

Қачонлардир, эҳтимол келгуси юз йилликларда ҳар бир инсон ер шарини ўзининг ватани деб билгувчи замонлар ҳам келар. Миллатлар, динлар ўртасида тортишувлар, низоларга тўлиқ барҳам берилар. Аммо инсониятнинг бугунги тараққиёт даврида ҳар бир миллат ва элат ўз манавий меъёрлари барқарор бўлган ҳудудга эга бўлиши керак. **Ватан инсон руҳий оламининг моддий кўринишидир.**

Ушбу жамланмани энг бебаҳо бойлик–ёшлик эгалари, шижоат пирлари, бугунги олтин даврамизнинг ҳукмдорлари, севги муҳаббат оламининг покиза руҳлари, бутун бошли келажак хўжаинлари сиз ёш укаларимга бағишлайман

Улуғбук Деҳқонов

*Инсон ҳеч бир макон ва ҳеч бир замонда уч
мавжудликка сиз деб муомила
қилаолмайди, улардан бири Ўзи, бири Худо,
бири эса Ватандир.*



Ёз ёмғири

Оналар бошимиздаги тож. Ер хокисорлик рамзи. Мен бу икки қарама қарши оламни бир координатада учраштиришни мақсад қилган эдим – ҳар қандай ҳунарманд ўз мақсадига етмоқ учун керакли асбоб–анжомидан фойдаланади – мен ушбу мақсадга эришмоқ учун қалбимдаги ишқни қурол қилиб олдим.

Дарҳақиқат, бизлар дунё халкларидан оналаримизнинг бизга бўлган улкан меҳру муҳаббати ва туганмас ибоси билан кучлимиз.

Тонгда ёмғир ширрр этди–ю ғойиб бўлди. Ёз ёмғири. Хайрон бўлдим. Нега келди–ю, энди нега кетди: келса нега кетди, кетадиган бўлса нега келди? Ундан мантиқ изламоқчи



бўлдим. Бошимни сараклатдим. Лабимни буриштирдим. Тушунмадим. Дунёдан мантиқ излаш аҳмоқлик деган ақидани эсга олдим. Ҳақиқатдан ҳам. Бу воқеликда мантиқ топмадим. У гўё бевафо ёрга ўхшайди – Ёғсанг куйиб, ёниб ёғсанг бўлмайдами. Ҳаммаёқни шалоббо қилиб ташламайсанми. Сенинг борлигингни, куч қудратингни борлиққа бир кўрсатиб қўйсанг бўлмайдами. Ўзимни яна мантиқ бағрига отганимни пайқадим. Лекин йўлимдан қайтмадим. Муаммога ишқ ила киришдим. Тўғрида ишқсиз яшаб бўладими, аҳир:

Алов. Юрагим унда унсиз ёнмоқда,

Во, ажаб. Вужуд оташида қонмоқда.

Ривож – Азоб ичра роҳатми? Во, ажаб,

Ўзлим ўзлимдан оҳсиз тонмоқда.

Инсоннинг борлиги унинг ишқида билинадида. Уни ўраб турган жамийки мавжудликларга тикилиб уларни қандай қилиб яхши кўрмаслик мумкин. Ўсимлик дунёсини олинг, нақадар ақлли. Ҳайвонат оламини олинг, нақадар беғубор. Жонсизлик мавжудлигини олинг, инсонданда ақлли улар. Айтайлик Ер. Югурасан еласан миқ этмайди. Ёнасан куясан миқ этмайди. Барча ёмонликларни ўзида яширади, миқ айтмайди. Уйлаб қоласан нега у мавжуд. Сукут учунми. Нафақат ижирғанадиган нарсаларни ўзида яширади, уларни яна сенга нозу неъматлар қилиб қайтаради. Қани ҳамма ёрлар ҳам шундай бўлса. Ёмонликларинг билан ҳам сенга вафолор қолса. Йўқ! ундай бўлмайди. Аммо Ер миқ этмайди. Сени бирдай яхши кўрайверади. Ҳудо унга шундай бир юкни ортганида у ҳам эътироз айтгандир: нима мен сенга, барча ачиган, айниган нарсаларингни ютайвераманми, барча ёмонликларни ҳам сир қилиб сақлайвераманми, ёрилиб кетмайманми, эвазига бирор бир нима бергин, аҳир. Шунда Ҳудо унга айтгандир, сен мен айтганни қилайвер, кам бўлмайсан, хали кўрасан мен улуғ қилган жамикий инсонлар сенга тиз чўкадилар, имконсиз қолиб бошини урадиган жой топа олишмай қолганларида ўзларининг улуғ пешоналарини сенга кўядилар, азизу авлиёлар ер бўлишни орзу қиладидар.... Билмадим, бу диалог бўлганми йўқми, лекин шунга ўхшаяпти. Эҳтимол, менинг бу гапларим ҳам онгимдаги инсоний бир англаш холосдир. Лекин бошқача бўлиши мумкинми?! Йўқ! Мумкин эмас. Компьютерингда нима бўлса у сенга шуни кўрсатади—да. Ўзида йўқ нарсани қандай кўрсатади? Чунки у кўрсата олмайди. Менинг онгимда нима бўлса мен ҳам шуни гапираманда. Бошқа яна нимани гапираман. Тушунгандек бўламан. Ҳаааа, жонли, жонсиз табиат инсонни ўзини англаш

учун яратилган. Ўша Ер. Одамни нечоғлик сабрли эканини кўрсатади. Айтайлик барча нарсага сабр қилади. Бизларчи? Ҳеч нарсага. Ҳатто алла маҳалгача келишимизни кутиб ўтирган онамизнинг, “болам қаерларда юрибсан, нега кеч колдинг” – деган меҳри қўйилиб турган гапларига ҳам сабр қилмаймиз, ўдағанглаймиз. Ёримиз озгина ҳато қилса – менга характери тўғри келмас экан – дея қочиб қоламиз. Бутун борлиқни ўзимизга монанд, аниқроғи бизга қулай бўлишини истаймиз. – Менга ҳизмат қиладими яхшии, мен унга ҳизмат қиламанми ёмоооон – дея фикрлаймиз. Ўзимизни кимгадир, нимагадир фидо қилишни ёқтирмаймиз, мутлақо ёқтирмаймиз. Аслида бахт ўзни қайсидир мавжудликка фидо қилиб яшаш эканини тушунмаймиз. Агар мендан энг бахтли мавжудлик нима деса?, Мен ҳеч иккиланмай Ер деган бўлардим. Кейинчи деса, оналар деган бўлардим. Чунки улар ҳокисор. Биласизми, ҳокисор. Мени тушуняпсизми? Улар ҳокисор. Ўзидан олам олам меҳр таратадилар, эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдилар. Уларнинг баҳти ҳам шунда. Шунинг учун ҳам мен Ерни яхши кўраман. Баъзан уни кучоқлаб ётгим келади. “Жинни бўлдингми?” деган ички бир садо келади. Мен унга “йўқ” дея ҳайқираман – мен шунчаки ўзимнинг моҳиятимни тушуна бошладим – дея жавоб қиламан. Аслида қуёш ҳам шундай. Лекин унда кибор бор. У ҳам ўзини қурбон қилади, эвазига ҳеч нарса талаб этмайди. Тўғри. Лекин у киборли. Билмадим. Унинг кибори шундоғ сезилиб туради. Мен уни ҳам онамга ўхшашини ҳоҳлайман. Аммо у ундай эмас.

Ёз ёмғири. Ёғди. Бир зумда келди кетди, бутун борлиқни хансиратиб қўйган борлиққа ўз меҳрини берди–ю кетди. Бунча тез. Бунча бевафо. Тушунаман. У менинг онамга ўхшайди. Мен уни худди тушимда кўрганга ўхшайман. Эслайман – Аввал

унинг кўкрагидан ўзимни узмасдим. Кейин бағридан. Кейин шаҳардан унга томон чопардим. Кейин онда сонда. Кейин ёрнинг қучоғи мени маҳлиё қилди. Кейин эслаб эсламадим. Шу зайил қирқ беш қиш ва қирик беш баҳор ўтди. Бирдан онам ғойиб бўлди. Тушунмадим. Ҳудди ёз ёмғирига ўхшайди. Энди эса унинг изларини аҳтараман, ёз ёмғирининг томчилари тупроқда қолдирган излари каби. Чунки ундай жонзотни мен энди умуман кўрмадим. Кўришимга ишонмайман ҳам. Изларга қўлларимни оҳиста нафислик билан теккизаман. Улар қафтимга найза каби санчиладилар, улар мени баттар азоблайдилар –қўлларим ушбу гўзалликни ҳам йўқ қилиб юбораётгандек туйулади, менга, ёз ёмғири ва ер иккиси менга ҳидоя қилган гўзалликни. Хўрсинаман. Бутун борлиқ менинг онамга ўхшайди–я. Хамма менинг онамга ўхшасайди–я...

Кеча тунда тушимда масту–аласт эмишман,
Худо ила шайтонга хас–чупдек сарсон эмишман.
Яхшими мен ё ёмон дунёнинг ўчоғида,
Қаро кул ёки олов, ўтиндек қалаш эмишман.

Худо айтди, шубхали эъдиқоди сушт экан,
Бермайман жаннатимни, ақли сархўшт маст экан,
Шайтон айтди, жон дебон етаклардим йўлимга
Лек керакмас менга ҳам бағри соф тоза экан

Билмас эдим ё унга боришимни ё чапга,
Бефарқ эди оламон тушунмасди ҳеч гапга.
Онам келди шу пайт «нима бўлди болам» деб,
Мастмисан ё ростмисан сен керакса менга деб.

Мана сенга ишқ. Агар мантиқсиз туйилган фикрга ҳам ишқ билан киришсанг сенга не не илоҳийликларни туғуб



беради – дархтнинг ҳар бир зарраси ҳам дархтнинг бир бўлагидир, чунки унга чиқиб олган чумоли дархтнинг ихтиёрий бир жойида пайдо бўлиши мумкин. Бу унинг ҳоҳишига боғлиқ.

Дарҳақиқат, олам яҳлит, унда илоҳий бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ, тўғри бўлмаган гап, тўғри бўлмаган воқеликнинг ўзи йўқ, муҳими улар ўз вақтида ва ўз ҳудудида рўёбга чиқиши керак, ҳолос. Дарҳақиқат, дархтда ўзилиб қолган барглар бўлмайди. Айтайлик ювиниш хонасида қилинган юмушлар дастурхон атрофида қилинмайди, бу дегани яланғоч бўлиб ювиниш ёмон дегани эмас. Қичқириқ кўнгилсиз воқелик, аммо у хавфда қолган одамни сақлаб қолиш учун айтиш муддо, бу дегани қичқириш ёмон дегани эмас...

Дунёнинг эса моҳияти шу: кучли ва ҳокисор мавжудликларгина тез кетиб қоладилар, ҳеч кимга ҳеч қандай танбеҳ бермайдилар. Жим келадилару жим кетадилар. Сукут сақлаш уларнинг табиати. Ёмғир, ер. Улар яратган излар. Онамнинг чехраси. Меҳрим қонади.

Яна сен ҳақингда

Сен ҳақингда кўп ёзишган. Ёзганларида ҳам ҳўўўб ёзишган. Кимлар ёзмаган. «Ватан ҳоини» дея пешонасига тамға босиб олганлардан тортиб, мамлакат қаҳрамони



унвонини олганларгача ёзишган.

Яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам ёзишган.

Қўлидан ёзиш келмаганлар ва

Сенинг ҳақингда бирор бир ақлий

тасаввурга эга бўлмаганлар эса

қалбларида чуқур бир ҳис, ёқимли

ҳис кезиб юрганини сезишган, олисларда эса кўз ёш тукишган.

Ўзини умумбашар фарзандиман деб ҳисоблаганлар ҳам ўша

тоғ чўққисига кўтарилишларидан аввал Сендан тўқилган,

аниқроғи Сен тикиб берган чориғни оёғига илиб олганлар, Сен

ўргатган эътиқоддан арқон ясаганлар. Ҳуллас, Сен ҳақингда

ёзаверишган, куйганидан ҳам, шодлигидан ҳам ёзаверганлар.

Сени қизғониб ёзишган, қизганганларида дўстларини ҳам аяб

ўтирмаганлар, душман деб билганларини эса ўлдирганлар,

ўзларини—да аяб ўтирмаганлар—қурбон қилганлар. Ақлнинг,

тараққиётнинг бугунги даврида ҳам

Сенинг ҳақингдаги фикрлар уюми

ўзгармади, мантиқ ўзгармади,

Сенинг истиқболинг учун

жисмоний курашиш кўриниш—


ларидан кўра кўпроқ ақлий

кўрашиш, тафаккурлар ва ғоялар

ўртасидаги курашиш майдони

юзага келди, лекин ҳеч ким яна ёзишдан тўхтамади.

Ёзаверишди. Орлилар, орсизлар ҳам, виждонли, виждонсизлар



Алишер Навои

ҳам, олийжаноблару паскашлар ҳам ёзаверишди. Ажабланарлиси уларнинг ҳеч қайсиси Сенинг ҳақингда «ёмон» деб ёзмади, ёзолмади. Сенинг бағрингга қайтганлар ҳам, бағрингдан қувилганлар ҳам мақтайвердилар.

Ҳайратланарли, Сен қандайин бир кучсан, кимсан, нимасан ўзи?! Нега Сени одамлар шунчалик эъзозлайдилар?



Ўйлаб қоламан. Мен ҳам Сенинг ҳақингда ёзайми? Ёзаман. Шундай ёзайки, ҳеч ким ёзмагани ёзаман. Одамлар ҳайратдан ёқа ушласинлар. Биласанми, мен Сени ёмонлаб ёзаман. Шундай ёмонлаб ёзайки, Сени яхши кўрганлар ётган жойларидан туриб кетсинлар, чайнаётган луқмаси тамоғига тикилиб қолсин...

Ажаб, шу дамда кўнглимда алланечук ширин ва гўзал орзиқиш пайдо бўлади. Шодликдан сакрагим келади, чунки мен соғлом Виждон эгаси эканимни фаҳмлаб қоламан. Ўзимни нақадар олижаноб одамлигимдан қичқириб юборгим келади. Дарҳақиқат, мен ҳам Сенинг ҳақингда ёмонлаб ёзаолмаслигимни ҳам, бирор нарсага эга бўлиш илинжида Сени мақтай олмаслигимни ҳам бутун вужудим билан ҳис эта бошлайман...

Калбим сўзлади, мен тингладим: Унинг ҳақида ёмонлаб ёзаолмайдилар! Ёмонлаб ёзиб қўйганидан кейин одамлар нигоҳидан уялиб юришдан, исноддан қўрқиш эмас, бу. Асло! Уни ёмонлаб ёзаолган одам, агарки бўлса, унда иснод бўлмайди, одамлар нигоҳидан уялишни билмайди, у. Бунинг сабаби инсон яралганида унинг онгига, хотирасига мана шундай фикрнинг жойланмаганидандир. Ва умуман, Одам ва Момонинг



жаннатдан қувилиши уларга, сўнг уларнинг авлодларига энг улкан етишмовчиликни мерос қилиб берди. Бу вужуд учун «абсолют Ватан» камомадидир. Дарҳақиқат улар том маънодаги ўз Ватанларидан жудо қилинган эдилар. Шу тариқа уларга ҳамиша нимадир етишмайдигандек туйилаверди. Одамларнинг ер юзида ўз Ватанига эга бўлишлари, ва уни қайсидир маънода жаннатга айлантиришдек орзулари шу тариқа пайдо бўлган бўлса, не ажаб. Ушбу фикрларни уққан бўлсанг ана энди ёмонлаб ёзавер.

Қалбимнинг деганларидан мен бир нарсани уқиб олдим: Биласанми, Сенинг тупроғинг менинг юрагимга ўхшаркан. Сен ҳақингда энди мен ёмонлаб ёзмайман, мактаб ҳам ёзмайман. Сен ҳақингда энди мен нимаики ўйласам, ниманики хис этсам шуни ёзаман...



Сенинг илоҳийлигинг, эҳтимол шундандир. Ҳуллас, Сен инсон учун эҳтиёжсан, руҳий, маънавий эҳтиёжсан—Сенинг бағрингда одамнинг ички туйғуларини тўла ифода этгувчи одамлар яшайдилар, бу ерларда одамнинг кулги ва йиғилари тўла маънода тушунилади, сўзлар, қочиримлар ўзининг тўлиқ маъносига эга бўлади. Шодлик ва қайғулар ўзига ҳос ранглар ила жилоланади. Шундан бўлса керак, одам бу ерларда ўзини эркин сезади.

Мактаб давримда ёд олган бир шеър ёдимга тушди. Ўқиб берайми?

Водийларни яйов кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди менда.
Чаппар уриб гуллаган боғин,
Ўпар эдим Ватан тупроғин.
Дарёлардан куйлаб ўтардим,

Эртакларга қулоқ тутардим.
Ҳаммасини тинглардим аммо,
Ўхшашини топмасдим асло...

Сизни ҳам ёдингизга тушдими? Унда давомини ўзингиз яна бир бор ўқинг. Шеърнинг мазасини ўзингиз яна бир бор татиб кўринг. Сизни бундай мазадан, қайта бўлсада, бебаҳра қолдириш одобдан эмас.

Ушбу шеърни ўқишимдан мақсадим, бу ерда қўлланилган Ватан сўзидир. У умрим мобайнида ўқиган шеърларим ичида фақат шу ерда ажойиб услубда қўлланилган. Ўзининг ҳақиқий



маъносига жуда яқин борган. Чунки сиз билан биз гаплашмоқчи бўлган мавжудликни бир сўз билан ва умуман сўзлар мажмуаси билан ифода қилиб бўлмайди, уни сўз билан эмас, фақат ва фақат туйғулар билангина ифода этилади. Агар инсон тилсиз яралганида, ҳар нарсани тил билан ифода қилишга бунчалик зўр бермас эди ва у ўзининг ноёб туйғуларини жуда–жуда теран англаган бўларди. Ҳар қандай тил билан ифода қилиниши мумкин бўлган туйғу ҳақиқатга яқин эмас, ҳақиқатга яқин туйғулар эса фақат туйғулар билан ифода этилади холос. Менимча бу ҳақда шоир Р. Парпининг қуйидаги сатрларидан кўра ортиқроқ ёзиш ҳам, айтиш ҳам мумкин эмасдек:

Бир сўз бор,
Беғубор тонг каби гўзал.
Тонг чоғи очилган ғунча каби
Ғунчада шабнам каби мусаффо...
Бир сўз бор
Ҳақиқат сўзидан ҳам юксак,

Ҳақиқатнинг ўзидан ҳам юксак,
Бир сўз бор...

Дарҳақиқат, Навойи, Бобур донишмандлигида, Эркин ака ва Абдулла ака лирикасида, Мамуржон Узоқов, Ботир Зокиров, Муножот Юлчиева ҳонишларида, Ғофур Ғулом эҳтиросларида, Мухаммад Юсуф эркаликларида ва шу қатор минг минглаб асарларимиз борки, улар ҳеч муболағасиз одамларимизга ўхшайди, боғимиздаги ўрик гулларига, фақат ва фақат бизнинг боғимиздаги очилган гулларга ўхшайди. Улар таратаётган ифторларга ўхшайди. Ўткир аканинг Она сиймоси эса фақат бизнинг оналарга хос, фақат ва фақат бизнинг оналарга...



«Чўли ироқ» куйини тонгда эшитганмисиз? Найнинг турли ранглар ила жилоланишини кўрганмисиз, унинг дардлари билан ўртоқлашганмисиз? Куйнинг ўзи сингари тўлғониб кетади одам, чунки у бизники, биздан бошқа уни ҳеч ким ҳеч қачон яхшироқ тушуна олмайди. У бизнинг ўтмишимиз – ўйноқлаб юрган болалик чоғимиздаги ҳовлимизни эслатгувчи хиссиётларимизга ўхшайди. Тўғри эмасми?

* * * * *

Ўтмишда бизга Сени «Родина» деб ҳам айтишган. Энди билсам ундай эмас—Сени таржима қилиб бўлмас экан. Аксинча «Родина» сўзини ҳам «Ватан» сўзига алмаштириш мумкин эмас. Таржима ҳақида шуни айтишим мумкинки, нисбий нарсаларгина ва ақлий тушунчаларгина таржима қилинади. Шунинг учун ҳам миллатлар бир–бирларини таржималар орқали эмас, ўзларининг бебоҳо туйғулари орқали англашга интиладилар. Зеро фақат туйғуларгина ягона тилда сўзлашадилар, шунинг учун ҳам асл таржимонлар асарларни

таржима қилганларида, ундаги шаклларни эмас, балки асарнинг руҳини, ўқиган одамнинг у етаклаган ҳис—ҳаяжонларини таржима қиладилар, аниқроғи миллий руҳ ва миллий ҳис—ҳаяжон тилига кўчирадилар. Акс ҳолда асар шунчаки сўзларнинг бирикмаси—жонсиз моддиятдан иборат



бўлиб қолаверади. «Ватан» сўзини «Родина»сўзи билан тенг маъноли деган одам ҳам худди шундай ҳолатга тушиб қолади: «Родина» сўзида нонини белбоғига тугиб, белига боғлаб олган, молини етаклаб зовур ёқалаб кетаётган одамнинг руҳий ҳолати йўқ, аксинча, ўзининг истиқболи ва баҳти учун боласи ва ота—онасидан узоқларга кетиб қолишга тайёр бўлган одам дунёқараши бор унда. «Родина» сўзида орият талашиб, боласи, оиласи кам қон бўлсада маҳалла учун дастурхон ёзиш, тўй қилиш йўқ. Унда Худосиз жамият—«Коммунизм»курамиз дегувчиларга алданиш каби ўта соддалик бор, йўғини яширмайдирган, ҳатто келган меҳмонга ҳам очиқ айтаверадиган тўғрилиқ бор, унда. Унда Навоий йўқ, Пушкин бор, унда «Ўтган кунлар» йўқ, «Анна Каренина» бор.

Биз томонларда ҳаёт қайнаётган кишлоқлар, у томонларда нари борса беш—тўрт қария билан қолган, акс холларда эса бўм бўш қолган катта катта хуторлар бор. Биз томонларда қаёққа оёқ қўйсанг кимнингдир ерига оёқ қўясан, у томонларда юзлаб чақиримларга чўзилиб, бирор бир чорво хайвонини ҳам учратиш амри маҳол бўлган бўм бўш майсазор кенгликлар ястаниб ётади. Биз томонларда кўчалар болалар хайқириқлари билан тўла, у томонларда бўм бўш кенгликлар хар йили яна юз минглаб одамлар уйимидан холи бўлиб бормоқда. Биз томонларда болаларининг истиқболи учун

Ўзларини баҳшида қилган одамларни, у томонларда боласига алюмент тўлашни хаёлига ҳам келтирмайдиган ун миллион ота—оналар яшайдилар. Биз томонларда диний фундаментализм ботқоғига ботган, адашган, қарияларга ҳам ақл бўлишни, мактабни зўрма зўраки битирган лекин хукм ўқишни орзу қиладиган, иззат нафсини йўқотиб қўйган чала муллалар бўлса, у томонларда икки миллион меҳрга мухтож болалар кўчаларда изғиб юрадилар. Биз томонларда кечдан то тунгача меҳнат лаззатидан маст одамлар бўлсалар, у томонларда миллионлаб арақхўрлар, гиёхвандлар хаётнинг қандай ўтаётганидан беҳабарлар... Ва ҳоказо ва ҳоказолар... Ҳуллас, ҳар бирининг ютуғи, камчилиги ўзига ҳос. Улар бир бирларига деярли ўхшамайдилар. Бир—бирларини такрорламайди, улар.

Ўша «Родина» деб аталгувчи томонлардан Сенинг номингга, шаънингга ҳақоратомуз гаплар айтилган даврлар хам бўлди ва у давом этмоқда. Албатта бундан ҳафа бўлишнинг кераги йўқ. Чунки бундай гапларни ҳақиқий, покдомон Руслар айтмайди, шунинг учун ҳам Руснинг ўзида—да ундайларни сиёсатчи сифатидан кўра шунчаки масҳаробозлар сифатида кўпроқ танишади. Бундай гапларни фақат насли бетайинларгина айтадилар. Чунки бугунги Русь руҳи, русь жамияти ва русь давлатчилиги бир бирига ўхшамайди. Агар бундай бетамиз гапларни бир бефахм сиёсатчи айтган бўлса оддий русь одамларининг бунда, албатта, айби йўқ. Мен ҳам Сенинг кўнглингни кўтариш учун унинг номига нималардир дейишим мумкин эди. Лекин ундай қилишнинг кераги йўқ. Мен ҳам ўшандайларнинг қаторига қўшилиб қолишдан



қўрқаман. Қолаверса Сен бизга бундай тарбия берган эмассан. Химматлисан. Ўзганинг ютуғини тан олиш, унга ҳавас қилишга, ўз камчилигимизга иқрор бўлишга ўргатгансан. Чунки Сенинг ўзинг шундайсан, ўтмишинг шундай, олийжанобсан.

Яқин яқинларда ҳам кўча кўйда “иттифоқ даврида тукинчилик” эди деб ўша даврларни орзиқиш қилган баъзи кимсаларни ўчратиб қолардим. Мен ҳам ўша даврда катта бўлдим, улғайдим, ўқидим. Ўша даврларни жуда яхши эслайман. Уч йил мабойнида ўша даврининг институт ўқитувчиларидан ҳам юқорироқ маблағ тўлайдиган Ленин номидаги стипендиясини олиб ўқидим. Каттакон одам бўласан дейишса коммунистик партия сафига ҳам кирдим. Мен ўшанда йигирма ёшларда эдим. Йўлим равон, истиқболли эдим. Ҳуллас ўша даврларни орзу қилиш керак бўлса, мен ҳавас қилишим керак эди... Бир воқеа ёдимга тушиб кетди, айтиб берайми?

Ҳуллас, кунлардан бирида ўртоғимларникига бордим, у билан молларига ўт солиш учун оғил хонасига кирдик. Биласизми, хайратдан ёқа ушлайсан киши. Мол хона шу даражада озода эдики, баъзи одамлар ҳам шундай яшамайдилар. Таглари тозаланган, қурилган, кун иссиқ бўлганидан шамол хайдагичлар икки томондан хонани



совитиб турарди. Учта хўккиз эса деярли уйқудагидек эринчоқлик билан кавшаниб турушибди. Улар шу даражада сакин ва хотиржам эдиларки, мен уларни жаннатлари шу бўлса керак деб ўйладим. Ўртоғимга, “хонани совутишни нима кераги бор” десам, улар иссиқда семиришмайди деди, ўн–ўн беш кунларда гўштга

тортишларини айтди. Бу ердаги ёлғон манзарадан юрагим орқага тортиб кетди. Шу шу иттифоқ даврларни қумсаган одамларни кўрсам ўша воқелик, аниқроғи ўша ҳўкизлар ёдимга тушаверади. Кимга қанақа билмадиму, мен учун



охирида тўла еми билан хотиржам кун ўтказаётган молнинг хаётидан кўра, бир кун оч, бир тўқ бўлса ҳам эркин ва озод яшаётган бўрининг хаёти минг минг чандон яхшироқ.

Фикрларимнинг исбот этиш шарт эмасдир: яқингинада ҳам камситишлардан инини қисиб яшаган бизлардан кўп ўтмай Рустам Қосимжонов каби олий интелект соҳиблари пайдо бўлдилар, бугун эса унинг издошлари кўпайиб кетди. Муҳаммадқодирлар дунё сахнасида кўкрак кердилар, кўплаб олимларимиз Европа мамлакатларида фаолият юргизмоқдлар, болаларимиз таҳсил олмоқдалар... Нега энди ўша кезларда бутун бошли Ўзбекистондан бирор бир спрот соҳасида жахон чемпиони чиқмади. Биргина Руфат Рисқиев, Собир Рўзиевлардан бошқа спротчиларимизни тайинли эслай олмаймиз. Чунки бутун бошли халқ фақат ва фақат пахта далаларига қувилган эди, бошқа ҳеч нарса... Ҳатто дунё таниган Ботир Зокировни ҳам халқимиз сўнги манзилга кузата олмаган, ўша кунларда ҳам улар пахта териш билан оввора эдилар. Ундан ҳам ёмони олти миллион уйиб дунёни момиққа буркаган бу халқ саксонинчиларда пешонасига “тегингарлар” деган тамғани босиб қўйишларига бир баҳя қолди...

Сени камситилган даврларда ҳам Сен аслида буюк эдинг, чунки ўтмишинг шундай эди, буюкликка хос эдинг.

Баъзан руслар билан суҳбатлашиб қолганимда, ўйламай нетмай “Улугбек, Ўзбекистонда очликми” дея қалтис савол

беришади. Мен уларга қараб кулгим келади, уларни тушунса бўлади, Москвада ўтган бер неча йилги ҳаётимда матбуотда Ўзбекистон ҳақида бирор бир жўяли хабар эшитмадим, гўё бундай мамлакат дунёда мавжуд эмас. Мен уларга хотиржам жавоб қиламан:

—Ўзинг ақлли одамсан, эсга олгин, иккинчи жаҳон уруши йиллари Ўзбекистон аҳолиси нари борса олти—етти миллион эди, улардан бир миллион уч юз минг забардаст эр йигитлар урушга сафарбар этилди, қолган беш—тўрт миллион хотин халаж, болалар ва қариялар бир ярим миллион эвакуация қилинганларни қабул қилди, шунда ҳам Ўзбекистон оч қолмаган, “Тошкент нон шаҳри” деган жумлалар русларники, бизни эмас дейман.

Москвадаги ВНИИСтройМ илмий—тадқиқот лабораториясида ишлаётган маҳалларим эди. Дам олиш учун бир ишчимизнинг дала Ховлисига бордик. Ўтириш жуда қизиғида,



Андрей Иванович деган тадқиқот лаборатория мудирини бўлмиш ҳамкасбимни кайфи ошиб қолди, қолаверса ҳаммамиз ҳам озми кўпми ичгандик. Кутилмаганда у савол бериб

қолди: — Улуғбек, айтгинчи мустақил бўлганларингдан хурсандмисан? Мен жавоб қилдим, “албатта” дедим. У саволига шунақанги зудликда ва бефарқларча жавоб олганидан, ҳатто унга ўтрилиб ҳам қарамаганимдан ғаши келди — “мен бундай бетга чопарликка чидай олмаган бўлардим” — деди. Ёнимдаги менга қараб — “эээ, уни гапига парво қилма” деди. У яна сўради: — “хўп айтгинчи сени хурсандчилигинг нимадан” деди. У бу ерларга келиб ишлаб юрубсану яна хурсандман дейсана демоқчи бўлди шекилли.

Мен унга жавобан “мен шунинг учун хурсандманки, Москвадан тупирилган туприк илгарилари юзларимизни булғар эди, энди бўлса Ўзбекистон чегараларидан нарига ўтмаяпти”–дедим. Сухбатга яна бири аралашди, эй йигитлар ундан кўра келинлар юз–юз ичейлик... Андрей яна гап суқди, “хурсанд бўлиб юртингда ишлайвермайсанми, унда” деди, менга бу гап оғир ботди, энди менга ҳам бари бир бўлиб қолди. Дедимки, “Мен ёшлигимнинг бутун ширинини Москванга берганман, мен Афғонда ўқлар тагида, тоғма тоғ изғиб юрганимда сен онангни эмиб ётган бўлсанг керак дедим, ва давом этдим, мен битта Москванга эмас бутун Россиянда юришга ҳам манан, ҳам жисмонан ҳаққим бор дедим, қолаверса бу саволни менга эмас Думанга бер” дедим. Ранги ўчиб кетди. Маст бўлсада билинди. Ховлига чиққанимда ёқимли ёмғир ёғарди. Осмонга қараб чуқур нафас олдим. Армияда юрган пайтларим эсимга тушди. Байрамлардан бирида кўлимни кўтариб ўйинга тушишга уялган эдим, ўрисларга ўхшаб ўйинга тушаман деб кўлим кўлтиғимга кириб кетганди. Мана ахволимиз қандай эди. Энди бўлса, шуларнинг дастурҳони атрофида ўтириб, шуларнинг юртида туриб нималар дедим. Мана менга мустақиллик берган энг бебаҳо бойлик... Кўзларимга ёш қалқиди... Чунки менда энг бебаҳо неъмат – менинг борадирган ва ўзимиздан бошқа ҳеч ким ҳукмронлик қилмайдирган юртим – Сен борсан!

Азизим, бебаҳоим Сен бизни севишда давом эт, бағрингга босишни, пешонамиздан силашни канда қилма, эркалайвер бизларни. Шунда биз яна ҳам яхши болалар бўлиб қолсак, ажаб эмас. Нокас болаларингга ҳам шоят шунда Худо инсоф бериб қолса. Кибрли фарзандларинг ҳам савоб ҳақида ўйлаб қолсалар. Сен эса бизни ҳеч қачон ҳеч қаерга ташлаб кета

кўрма. Биз Сенсиз дунёда Инсон сифатида мавжуд бўла олмаймиз!

Сен Илоҳийсан! Қара, бизнинг Сенга бўлган муҳаббатимиз тоғлардек келбатли, залворли, йиллар ўтиб унинг келбати яна ортгандан ортади, чунки бугун барча болаларинг яхши тушунадилар – Биз Сенсиз оламда инсон сифатида мавжуд бўла олмаймиз!

Азизам, бунчалар бағринг қайноқ, бунчалар ёқимли, бунчалар хузурлисан... Агар авваллари мана шундай бир борлиқ бор десалар ишонмас эдим. Энди бўлса Сен билан юзма юз турибман. Шундай онлар бўладики, кўзларим нурингдан қамашиб кетади, юрагим қафасидан чиқиб кетгувдек кўрқитади, руҳим ўзини у ёндан бу ёнга уради... Сен бунга парво қилма, мен ҳали шундай манан соғлом, руҳан



баққуватлашаманки унда Сенинг ҳақингдаги туғёнларимга тик боқаман, унда менинг кўзларим қамашмайди, юрагим кўрқитмайди, руҳим сокинлигича қолаверади, чунки мен унда Сенга қўшилиб кетган бўламан...

Сен тубсиз ва шафқатсиз океан кенгликларида ўз мақсадига интилаётган, умумбашарият дастурхони учун ўз нозу–неъматларингни олиб кетаётган ўзига ҳос бир улкан кемага ўхшайсан. Бу ҳақиқатни тушунмоқ учун ҳам озмунча меҳнат сарф этилмади. Сафарнинг дастлабки даврида биринчи Президент – «Бизга учинчи дунё дея қарашларни бас қилинглар!»—дея Сени қалқитиб бораётган тўлқинларга қарата нара тортди, «Мен эллик миллион халқни боқишга қурби етадиган бой мамлакатнинг бой фарзандиман»—дея мағрурона,

хитоб қилди. Буларнинг хаммаси яна Сени деб қилинди, ўша кезларда Сенинг учун мана шундай сиёсат керак эди, аслида оёғларимиз нон учун навбатларда совуқ қотаётган, гоҳо эса болачаларни тепалаб олиб, уларнинг ўлимлари юз берган даврлар эди, чунки Сени дўстим деганлар, биз мустахкам қардошлармиз деганлар Сени деярли яланғоч ташлаб қочган эдилар. Сени соғ ва Озод сақлаб қолиш эса зарур эди. Бу йўлда ҳаёт ва момот ўртасида туриб неча–неча расмий ва норасмий учрашувлар бўлгандир, уларни энди бошидан ўтказган болаларингдан сўра...

Сен ҳаётимизга тенгсан, унданда ортиқсан!

Бугун Сенинг ривожингни иккинчи босқичи шахдам қадамлар билан илдамлаб бормоқда. Мени беҳисоб қувонтирган нарсаяна шуки, биз сенинг фарзандларинг бу воқеликни яқин ва узоқ ўтмишингдан узулишларсиз – манатон давом эттирмоқдамиз – дарҳақиқат, биз ўзимизнинг ҳар қандай ўтмишимизга, ҳар қандай қора кунларига ҳам чуқур эҳтиром билан яшай оладиган халқимиз.

БИЗ энди мана бу фикрларни фахр билан айтамиз, айтайверамиз, чарчамаймиз. Дунёда эшитмаганлар эшитиб, билмаганлар билиб қўйсин: Бизга Сенинг Озодлигинг осмондан тушиб қолгани йўқ. Биз Сенинг Эркингни юзминглаб мигрантлардан, ўнминглаб адашган ёшларимиздан, азобу уқубатларга тўла машаққатли меҳнатларимиздан, иғвою бўҳтонларга, ҳақорату камситишларга бурканган кезларимизда сабр ва бардош билан совуққон ақл ила тузилган тадбирлардан ясалган устунларга қурган халқимиз.

Дунёда эшитмаганлар эшитиб, билмаганлар билиб қўйсин: Биз Иккинчи Жаҳон урушининг инсон зоти кўрмаган

азобларида ҳам ўз иймонини йўқотмаган халқмиз. Ислом келишидан минг йил илгари ҳам аёлларимизни бошимизга кўтарган халқмиз – эшитган одамни зир қақшатган, юртимизга босиб кирган Кир императорининг бошини қон тўлдирилган мешга ботирган Тўмарис хонимлармиз. Осмонга нарвон қўйган халқмиз. Озодлигимизга ўзимизнинг машаққатли меҳнатимиз билан эришган халқмиз. Биз керак бўлганда ҳеч кимга тиз чўкмаган “Босмачи”лармиз. Биз Ислом дунёсининг Олимларимиз. Биз Хабиб Абдулламиз. Ўзбек қизларини олийгоҳларда бағрига босган Хаджинова онамиз. Туркман, Қирғиз, Қозоқ, Тожиқ – Буюк Туркистонмиз. Биз Инсон илмининг даҳоси Навоиймиз. Аллоҳга Муножатмиз. Ўлими устида ҳам уят андишасини йўқотмаган Кумушмиз, Манавий ўлимни ҳамма нарсадан устун қўйган ва ўзига ўлим жазосини сўраган Қодирийдек ориятмиз. Хар қандай қийинчиликларни жимгина енгилга жазм қилган сабирмиз. Инсониликни сақлаб қолишликнинг туб моҳияти – Меҳнатмиз биз. Дунёни оппоқ момиққа буркаган халқмиз. Мазлумга, аъзобда қолганга қучоқ очувчи Меҳрмиз биз. Бировнинг хурсандчилигида ҳам, бировнинг қайғусида ҳам кўз ёш тўккувчи эҳтирослармиз. Дувога ишонадиган, қарғишдан қўрқадиган, ўтганлар руҳига ҳурмат билан қарайдиган Халқмиз! Биз, на фақат бугунимизга, ўтмишга назар, келажакка ишонч билан қараймиз. Биз андиша билан яшашга ўрганган халқмиз. Хар куни эрта тонгдан то кўзларимиз уйқуга кетгунича Тинчлик калимасини қайта қайта такрорлагувчи Тинчликмиз биз!

Азиз Юртим, Сенинг Озодлинг менга йўқотиб қидираётган қалбимнинг кемтик жойини қайтадан инъом этди, уни яна жойига қўйганимни ҳис этдим. Буни энди яхши биламан. Аммо бир нарсани тушунаолмайман, Сен менинг

қалбимга, қону жонимга қачон кириб келгансан?, Сенга бўлган муҳаббатим қачондан бошланган?. Эҳтимол у неча минг йиллик тарихдан ва ёки остонадан бошлангандир. Илк бор остона ҳатлаб чиққанымда кўринган тупроқли кўчадандир. Онамнинг алласидан, копток ўйини ўйнаб юрган кенгликлардандир. Далаларда кўринган илк майсалардан, баҳорнинг ёқимли ёмғирларидандир. Кеч кузакнинг ҳазонрез кезларида, ёмғир томчиларининг совуқ нигоҳларида мунғайиб қолган пахта далаларидандир, эҳтимол. Билмадим. Аммо бир нарсани аниқ биламан—Мен Сени ўзгалардан қизғонаман. Сенга ва Сенинг бойликларингга лабини ялаб кузатгувчи ноқасларнинг ўткир нигоҳларига кўксимни тўсгим келади. Сенинг Озодлигингни абадият китобига ёзгим келади.

* * * * *

Соддалик сирлар (ҳикоя)

Тонгда туриб ховлини супирувчи, сўнг нонушта тайёрловчи, иккита улкан сигирни соғиш учун, иш қилаётганимга қарамай, “юринг, юринг, бузоқчаларни тортишиб қўйинг” деб мени ўдоғанглашимга қарамай мақсадига етадиган аёлни кўрсангиз билингки у менинг хотиним. Сут қатиғи сотилмай қолса индамай қуртоп қилади ё менга “ўтказади”. Сутнинг ёғини кувда олишига қарамай сарёғи сотилмаса бонкаларга қўядиган ҳам менинг хотиним. Саратоннинг иссиғига қарамай ховлидан уйга кирмай кир ювадиган, юзга яқин бонкага тузламаю муроббо, ичимлигу салат тайёрлаб қўядиган ҳам ўзлари бўладилар. Ўзи хилва, югуришда мендан ўтадиган ҳам. Ҳеч намозини қўймай ўқийдиган ҳам, халигиндан ичгим келса совутқичдан олиб келиб берадиган ҳам ўзлари. Келин олиш орзусида яшаётган ҳам, болаларию менинг топ тоза кийим бошимизни ювиб қўймасин деб, яшириб юришимизга ҳам сабабчи у. Боғчамизни саранжон саришталаб қўядиган моҳир деҳқон ҳам у, “боғчага сув қўйиш керак” деб тепамга келиб минғиллайверади ҳам ўша. Озода, саранжон–саришта ҳам у. Йўқ! Ўйламанг сени хотининг нечта ўзи деб. Ўзи битта, ўшада. Қуръонни кўп хотинлик тақиқланганку, билмайсизми? Фақат, “...тўртта хотин олайверинглар”ини ўқишадию, “агар улар ўртасида адолат ўрната олсангиз, харгиз улар ўртасида адолат ўрнатаолмайсиз” деган жумласини айтишмайди ҳолос. Фақат унинг жони қирқтамас, бир юзу битта бўлса керак. Ўша, “мени эрим олим” деб хар гапида мақтанадиган ҳам у, бу гапни шудай айтадики, худди эри Исаак Ньютондан ҳам зўр. У ўзи ёшлигидан шунақа. Мактабгача таълим техникумида ўқиган. Қизлар, полончининг тўйига борамиз дейишса, қаерга борамиз – дея сўрабди. Гуруҳдошлари Ўшга деб жавоб беришибди, шунда бўлғуси хотиним нима деб сўрабди денг? Топингларчи.

Тополмадингиз. У “хэй қизлар Ўш Балиқчининг қаерида” деб сўрабди... Хуллас унинг сиру синоати ҳақида ёзсам тугамайди. У шундай, биз билмаган ва кутмаган сирлиликини доимо инъом этайверади, бизни хайрон қолдиришда давом этайверади.

Бир куни унга дедим: хэй, сени нима қилиш керага, кундузи хадеб ликкиллайвермай бир икки соат муздек уйга кириб дам олсанг бўлмайдими? – дея жеркиндим. Жавобни қаранг – хо, унда “афғон” ойлик бермай қўясизда. Менга суғурта жамғармасиданмией, афғонлар уюшмасиданмией хар ойда бир юз етмиш минг сўм ёрдам пули беради. Унга шуни айтган эканман. Шу шу нима иш қилса “қачон энди афғон ойлик” берасиз деб кулади, ё қилаётган ишига ишора қилиб “афғон ойлик” дея мамнун жилмаяди.

Бир куни институтдан деканимиз телефон қилибди, мени сўрабди. Топингчи нима деб жавоб берган. Яна тополмадингиз. У “олимлиқ ёзйбди” дебди. Телефон қилган одам жуда маданиятли, ақлли одам эди, “э узур, майли безовта қилманг” деб гапини тугатибди. Бирор бир кийим олгин деб бозорга юборсангиз, ким кўпроқ мақтаган нарсани кўтариб келади. Ҳозир осмон қулайди десангиз, осмонга хайрон бўлиб тикилади. Унинг учун бирор бир арзимас совға олиб келсам худди кўҳи нурни совға қилганимдек кун бўйи “учиб” юради.

Бир йили уни кичик ўғлим билан Москвага олиб бордим. Аввалига кўнмади. Э, шуни пулига уйларни тузатамиз деди. Айтдим, келайвер, мен борман, бу ерлардан кетиб қолсам сени ким хам олиб келарди, кўриб кетасан. Ёнимга келадиган бўлди. Бир ярим ой Москвада бўлди. Келганимдан кейин сўради. Қанча кетди? Борини айтдим: Икки мингдан кўпроқ шекилли. “Эҳҳеа” деди. Лабини тишлади. Бошини сараклатди. “Ҳа” дедим. “Каттакон уйда яшадингми, яшадинг. Пороходларда сайр қилиб, шоҳ қизларидек таомлар буюрдингми, буюрдинг... бир бир эринмай ҳазил қилиб санаб кетдим”

Биласизми Москвадан келганига уч–тўрт йил бўлди, шу йилларни тўхтамай гапириб юради, қўшнилар билан боғчага

сув кўйиш ҳақида гапирса пороҳод ҳақида гапириб беради, дўкон ҳақида гап кетса “Вегас” ҳақида сўзлаб беради. Уй қуруш ҳақида гап кетса Москва Ситини гапириб кетади. Унга бир кун дедим – сенга бир иш бор. Нима деди. Москвага гид бўлиб ишга бормаيسانми дедим. Бу гал ҳазилимни тушунди. Ҳар холда кўриб келдида. Лекин бари бир давом этди. Рус тилини билмайманда. “дуйинг отсудани” биласану дедим. Кун ҳар галгидек зўр ўтди.

“Дуй отсуда” ни ўғиллари ўргатиб қўйган. Ёнига товук келиб қолган экан, ўшанда. Бир куни мен рўбарў келсам “дуйинг отсуда” деса бўлами. Ҳей, уни хайвонларга айтасан, нари борса ёмон кўрган одамнинг сенга номос бўлган гап гапирса айтасан, деб кулсам, у “ҳа, дуй демадим, дуйинг” деябману деди. Роса кулишдик.

Бир куни бир зарур иш билан чиқиб кетаётган эдим. Борманг деди, ишингиз битадиган ҳоли йўқ. Кўнмадим. Кетдим. Битмади. Қайтдим. Яна бир куни институтга зарур иш билан борадиган бўлдим. Борманг деди. “Сен нимага ҳа деб йўлимни тўсасан” – дедим, шундай кайфиятда чиқсанг битадиган иш ҳам битмайдида. Йўқ, бу бўлади, аммо бир оз кутасиз деди. Кўнмадим кетдим. Битмади. Қайтдим. Йўқ. Битди, кейинроқ, бир хафталар ўтиб. Яна бир куни ҳе йўқ, бе йўқ, сизга жуда яхши янгиликлар бор. Ўзингачи дедим. Қўрқитма дедим. У кулди. Балки ўлимимни ҳам айтиб берарсан дедим. У “йўқ” деди. Сен нима фолбин бўлиб қолдингми, қуръонда бундай одамларга жуда ёмон баҳо берилган десам, йўқ, мен фол очмайман, кўнглим сезган нарсаларни айтиб қўяман ҳолос, дейди. Яна қўшиб қўяди, аҳир мен олимнинг хотиниман. Мен эса ўйланиб қоламан, сўзлайман. Ҳаёлим олиб қочади: ҳамма олимлар ҳам сен ўйлаганингдек бўлганларида эди, сен чиққан самимийлик тоғига кўтарилган бўлганларида эди...

Бир одамнинг билан бир неча ўн йилликлар яшайверсанг бири бирингга ўхшаб кетар экансан. Бу ҳол ҳазил хузул

онларида ҳам сезилади. Бир куни иш билан кўчага чиқадиган бўлдик.

—Ўтир, сени ўзим обариб келаман дедим

—Ўўў дедида, велосипедимнинг орқа ўриндиғига ўтирди. Кетиб борар эканмиз, сўрадим, “малибуда кетгандек бўляпсанми”. У ҳеч иккиланмай “Ҳа, йўқ, халиги дўпписи бор машинада” — деди. Болалар унга “дадамга шу машинани олиб берамиз” деб Мерседесь Глинтваген машинасини кўрсатиб қўйишган экан. Шунини айтди.

—Ҳа сени кўнглингни кўчасидан ўргилай, эшигингни ёп, шамол келябди” — дедим.

Шунда у — “ёптим, ҳааа, ойнаси очиқ қопди” дейди. Катта кўчага етгунча роса кулишиб кетдик.

Бир куни ишдан кайфиятим хун бўлиб келдим. Ҳеч нарса кўнгилга сиғмайди. Ўзимга ўзим “тавба, шундай кунлар бўладики, бошингни қаерга урушни билмай қоласана” дея шивирладим, ўзимга ўзим. Ёнимга чой қуйган хотиним шунини ҳам эшитибди, билмадим, эшитиши мумкин ҳам эмасди, лекин эшитибди, эҳтимол лабимнинг қимирлашидан сезгандир.

—Бор — деди менга тикилиб. Ҳеч қачон бундай тикилмаганди.

—Қаерга— дедим, ножот излагандек.

—Ҳеч нарса бўлмагандек, жойнамоз—деди.

Юрагим зирқираб кетди. Жойнамоз деган биргина сўз шу дамда менга бутун тақдирим ҳақида ҳикоя қилгандек бўлди. Аслида мен жуда диндор ҳам эмасман. Шунга қарамай мен оламча деган муаммонинг ечимини осонгина топилганидек ўрнимдан туриб кетдим. Ўша сиз таниган хотинимни қучоқлаб бағримга босдим. Пешонасидан ўпдим. Қандай ажойибсана дедим, беихтиёр. Бу гал унга эшитиладиган овозда айтдим. Москвада уни соғиниб ёзган шеъримни ўқиб бердим.

Менинг оҳанггим

Тебранар яланғоч навдалар маҳзун,
Нола қилар шамол ёқимли ғир—ғир.
Оҳиста оҳ чекди кеч кузги япроқ,
Очиқ қолган дераза игранди оғир.

Кузак чалаётир куй, оғир мағзунли,
Хар они санчилар тигдек юракка.
Бағрим эса оловга илиниб сиғли,
Тебранар етолмай олис тилакка.

Лек бир оханг бор, ҳеч ким билмаган,
Ёзилмаган ҳеч бир гўзал баётда.
Мендан ўзга уни тушунмас ҳеч ким,
Ҳеч ким тингламаган уни хаётда...

Мени бир нарса қайта қайта ўйлантиради. Баъзан хулосалар қиламан: инсон берилган табиати учун жавобгар эмас. У бизга ёқимли кўринадими, ёқимсизми. Бу шунчаки биз танлаган ва кўниккан меъёрларимизга мос келмаслигидан ҳолос. У яратган Эгамдан берилган ва ёки инсон руҳий тараққиёти босқичининг моддий бир кўриниши ҳолос. Аммо ўзини ўзидан кўра яхшироқ кўрсатишга уриниш бу нотўғри танлов бўлса керак. Чунки табиат бундай одамларга ўзининг нозик сирларини ошкор этмайди. Одамларга қандай бўлсак шундайлигимизча кўринсакгина уларни алдаб қўйишликдан сақланган бўламиз, назаримда. Олтиммиш йилга яқин бу ёруғ оламда саёҳат қиламан. Турли туман жойларда, турли туман одамлар билан бирга бўлдим, турли туман воқеликларда иштирок этдим. Улар ичида мамлакатимизнинг кўзга кўринган одамларию, туман марказини ҳам кўрман одамларгача бор. Аввало одамни одам билан нисбатлаш яхши эмас. Барчаси ўзига ҳос. Аммо инсонийлик назаридан қарасам содда, кўнгли

меҳрга тўлган одамлар олимлардан кўпроқ нарсаларни англари эканлар. Эҳтимол Худо уларга ўзга меъёрадаги билимларни англатар. Акс ҳолда кўчага чиқиб, ҳали келмаган боласини “болам келябди” деб аввалдан билишини қандай тушуниш мумкин. Уларда юз бераётган қувончли, кўнгилсиз ҳодисаларни сезишичи, бу нимадан? Улар аслида бундай ҳолатларни билим ҳам деб атамайдилар. Ўйлайманки, биз ўқимишли одамлар уларнинг даражасига етишимизга кўпдан кўп йўлларни босиб ўтишимиз керагов....

Албатта, менинг деганларим кимларнингдир учун ҳақиқат дегани эмас. Аммо мен энди шундай яшайман. Ўша сиз таниган биттаю битта хотиним билан.

Оила мавзусида гапирганда эса барчанинг меникидек оиласи бўлишини истаган бўлардим.

Футболимизга миллий руҳ керак

Ушбу мақола 2002 йилда ёзилган. У даврда миллий терма жамоамизга Россиядан ҳам тренер, футболчилар жалб этилган эди. Жамоамиз кучли тартибда бўлсада ўзини таний олмаган кезлар эди.

Охирги йилларда футболимизда жиддий ривож кузатилди. Жамоамизнинг Олимпиадада қатнашишини, Овropa, Африка, Америка қитъаларининг жамоларини эсанкиратиб қўйишга қадар олиб борадиган ўйинларини жуда узоқ кутдик. Ёшларимиз чемпионликка қадар йўлни



босиб ўтмоқдалар. Мағлубия—тимиздан хафа эмасман. Муҳими мен орзу қилган миллий руҳ пайдо бўлди. Улар билан фаҳрланаман. Мен учун жамоамиз ютиши ёки ютқазishi иккинчи даражали

тушунча. Кимлар ютқазмапти. Муҳими жамоа миллатимизнинг руҳини ифодалади. Сўнгигача курашувчан ва ҳеч бир жамоа олдида қўрқмаслиги муҳим. Бугунги футболимизда бу ҳислат пайдо бўлди. Насиб этса бугунги миллий жамоамиз билан Жаҳон чемпионатида ҳам иштирок этамиз.

Ушбу эзгу жараёнга кимки ўз ҳиссасини қўшган бўлса уларга самимий ташаккурларим бўлсин.

Мен бугунги Ўзбек миллий футбол жамоамиз билан фаҳрланаман.

Спорт шахсининг, миллатнинг миллий ўзлигини танишида, ўз миллий кодини очишида энг муҳим омиллардан деб биламан. Келинглار ўтган кунларимизни бугунги кунларимиз билан қариштириб бир эслаймиз.

Ассалому—алайкум ҳурматли таҳририят. Сизларга жаҳон чемпионати саралаш баҳслари давридаги жон куярлигингиз ва ажойиб меҳнатларингиз учун ташаккур. Ушбу мактубимни ёзишга шошилмаганим боиси барча мутахассислар ва

юртдошларимизнинг футболимиз хақидаги фикр ва таклифларини ўз ўйларим, таклифларим билан солиштириш ва уларнинг тўғрилигига ишонганимдан сўнгина сизларга ёзмоқлик ниятида эдим, қолаверса эҳтиросларга берилган



лахзалар ва кунларда булар хақида ёзиш анча мушкул эди—кеч бўлсада ёзиш кунгилга бир оз бўлсада таскинлик берар.

Менинг ўзим ҳам озми кўпми футбол ўйнаган одам сифатида энди шунини айтишим мумкинки футболда тушуниб бўлмас ҳеч нарса йўқ. Мураккаб бўлган ҳеч нарса йўқ. Фақат ва фақат миллий рух керак, унга. Тренер ва футболчилар айнан шу нарсани англашлари керак экан, уларнинг ортида миллионлаб қаро кўзлар умид билан уларни кузатаётганини ва умуман уларни яхши кўришимизни тушунишлари, ҳис қилишлари керак экан.

Туппа—тузик ютиб турганимизда болалардек ирғиш—лаётган зиёли, кап—катта одам—қўшнимнинг оқибат мен билан хайрлашмай ҳам уйига чиқиб кетганини кўриб кечаси билан уни ўйлаб чиқдим, унга раҳмим келди. Кўз ўнгимдан унинг болалардек қувончи ҳеч кетмади, шунда яна бир қарра тушундимки одам ҳеч қачон ўзи учун яшамас экан, ўзининг меҳнати эвазига бошқаларнинг қувончини кўргиси келар экан. Футболчи бўлмаганлигим алам қилди. Биродар Абдураимовларни, Владимир Федоровларни эсладим.

Мен Акапиянсдан бошқа ҳеч бир ўйинчини қораламайман. Миржалол, Ширшов, Лушан, Шатиских каби қатор ўйинчиларимиздан эса самимий миннатдорман. Чет эл ўйинчиларидан эса деярли ҳеч нарса кутганим йўқ. Чунки бизга хохлаганда келиб хохлаганда кетадиган юқори техникали футболчи эмас, юртини севадиган футболчилар

керак. Бизга жисмонан бақувват бўлган пул учун келадиган келгиндилар эмас, жонини жабборга берадиган, одамларнинг изтиробларини кўтара олмайдиган йигитлар зарур. «Мени



танқид қилсанг кетиб қоламан»—дейдиган «жаноби олийлари» эмас, «мени, яхши кўрганидан кейин танқид қиладида, сўкади—да, ҳаммамизнинг мақсадимиз бирку ахир»—дейдиган, тушуна оладиган

ақллилар керак. Марадоналаримиз бўлса ҳам якдил жамоа бўлмаса иш битмайди. Исми ёдимда йўқ, қайсидир машхур тренер —«11 «юлдузни» бир жамоага олиб келиш қийин иш эмас, ҳамма гап уни яхлит жамоа қилиб шакллантиришда»—дея такидлаган. Нақадар ақлли гап. Дунё «юлдузларини» жамлаган Реал ҳам эндигина ўзига келяпти—ку ахир.

Тренер ҳақида шуни айтишим керакки, очик айтаётганим учун сизлардан узр сўрайман, у биз учун зарур бўлган кейинги икки ўйинни ўзи ҳоҳлаб ютқазди,



назаримда унга қайсидир араб бойваччалари кўз қисиб кўйган кўринади. Акс холда Миржалолни ва Шатискихни мажбуран ўйиндан чиқариб юбормас эди. Бу фикрларни унинг Россия матбуотига берган интервьюсида Даврон Файзиевга (номини айтмасада) айбни тўнкашга уринишидан ҳам, футболимиз устидан мағзава оғдариб юрганидан ҳам билса бўлади. Ҳатто, 4–1 ва 0–1 мағлубиятлардан сунг ҳам ҳеч ким унинг мишиғини



пишт демаганини эсдан чиқарди чоғи, «Осиёда тренерлар гугурт чупидек йўғ бўлиб кетади»—деб хитоб қилмоқда. Ҳатто уялмасдан Хитой устидан қилинган ғалабани ҳам «ўзиники» қилиб олибди. Ха, жойингни топиб

олибсан, ҳеч йўқ энди бир марта мардлик қилгин, хатоингни ҳеч йўқ бир марта тан олгин—да, оғайни. Шу ўринда яна айтиш керакки, дунёнинг мана—менман деган тренери ҳам бизга фақат ва фақат маслахат бериши мумкин, миллилигимизни билмай туриб ўз услубларини тадбиқ қила олмайди, уни ўзимиз қилишимиз керак. Тўғри бу йўлда биз учун аламли мағлубиятлар бўлар, оғир ўйинлар бўлар, нима бўбти?

Психалогик жараён умуман нотўғри танланган, агар у бўлса. Менингча у умуман бўлмаган. Хали ишга киришмасдан туриб то Россияга етиб ҳам футболчилар устидан фақат ва фақат ёмон фикрлар айтиш бу энг ёмони. Ха, дўстим, сенга улар ёқмас экан, нимага бошида кетиб қолмадинг?! Айниқса ўйинлар ўтказилаётган ҳафталардаги «ёмонлаш» бу жуда ёмон. Ушбу масалада журналистлар ҳам нотўғри йўл тутишди. Тўғри тайёргарлик даврида, ўйин бошланишига қандайдир кунлар қолгунига қадар, ўйинлар тугаганидан кейин ҳаммаси мумкин. Ҳозирги давр футболда психалогик тайёргарлик, адашмасам эллик фоиз ютуқ дегани. Акс ҳолда суперкубок баҳсида Галатасарой Реални енгармиди. Чунки ҳозирги замон қитъа футболчилари техник ва жисмонан бир—бирларидан унчалик фарқ қилишмайди. Қура ташланибдику, ҳамма хурсанд, нимамаймиш, биз Эрон, С. Арабистони жамоалари билан бир гуруҳга тушмабмиз! Эҳээ, шуям гап бўлдимиз? Тушсак нима? Агар араблар биланки ўйнай олмас эканмиз, дунё биринчилигида бизга нима бор? Билсангиз, бизнинг иккинчи жаомизга 2–0 ҳисобида ютқазган Баҳрайн ўша арабларга ҳам, эронликларга ҳам етарли ташвиш туғдирди. Эсласангиз, Да.Силва пайтида Эрондан кўрқиб Мўғулларни 16–0 ҳисобда ютганмиз. Оқибат бари—бир Эронга рўбарў бўлдик. Ютқаздик, билсангиз, биз ўйин бошланмасданок

ютқазган эдик, аслида. Лекин камандамиз кучли эди. Биз билан дуранг ўйнаган Қувайт финалгача етиб борди, Эрон эса уларни зўрба–зўр ютиб олди, хар–холда 4–0 эмас. Қўйингки футболчидан футбол ўйнаш талаб қилиняптику, ахир. Шунинг



ўзи футболчи учун байрам эмасми? Кечирасизу урушга жўнатаётганимиз йўқ–ку, ахир. Тўқсон минут ўйнашдан кўрқсак, аниқроғи мағлубиятдан кўрқсак футбол ўйнаб нима қиламиз?

Мағлубиятдан эмас, ёмон ўйин намойиш этишдан кўрқиш керак. Иорданияга қарши ўйин қийин кечишига қандай қарайсиз? каби журналист саволига «фақат олдинга»–дея оладиган Маруфалиевдек футболчилар керак, бизларга.

Аччиқ бўлсада айтай, шу нуқтайи назардан жахон биринчилигида бизнинг ўйнашга ҳаққимиз йўқ эди.

Агар футболчиларга, “сизлардан ажойиб ўйинлар кутамиз, одамларимиз қўлларингиздан келганича ҳаракатни кўрсагина сизлардан рози бўлишади, қўлларингиздан эса кўп иш келади” – йўсиндаги талаб билан майдонга тушурилганида улар бунчалик «димикиб» ҳаракат қилишмас эди. Лион Баварияни не куйга солганини эсларсиз (3–0). Бизникиларга эса қатъи талаб, «Ютамиз, ютмасак... » ва ҳақозо талаб қўйилди. Бу жуда нотўғри.



Шахсан мен ва ўйлайманки бутун мамлакатимиз футболчиларимиздан чиройли ўйин кўрганимизда ҳамма аламлар унутиларди. Уммон билан, меҳмонда Катар билан бўлган ўйинлар сингари. Агар жамоа бири–биридан гўзал ўйинлар намойиш этсада, мағлуб бўлса уни ҳеч ким айбламайди, яна билмадим.

Менинг қатъи фикрим шуки, Осиёда биз учун кучли команданинг ўзи йўқ. Ўйинчиларимиз ҳам футболчи сифатида, ҳам одамийлик даражасида улардан икки қарич юқори, фақат уларга тарбия керак. Миржалол қайси дунё юлдузидан кам. Ўрни келганда айтиш керак, у нафақат бизнинг ифтихоримиз, балки бизнинг қахрамонимиз ҳам.

Ўйин тактикасини танлаш ва жамоа бўлиб ўйнаш масаласида ҳам тренер деярли ҳеч қандай ютуққа эриша олмади. Хитой билан меҳмондаги ўйинни эсланг. 0–1. Ютқазяпмиз. На биринчи ва на иккинчи таймнинг шу гол



ўтказиб юборилган дақиқасигача, кейин ҳам бирор бир хавфли вазият уйиштира олмадик. Демак мағлубият тайин, ушбу вазиятни футбол ўйнамаган одам ҳам билади. Дархол яна икки хужумчини чиқариш керак эди. Тренер жаноби олийлари йирик мағлубиятдан чўчиди чоғи, кўрқди. Мағлубият бўлса нима, Германиядек жамоа ўз уйида 1–5 га ютқазди, лекин шу билан улар Германиялигини сақлаб қолди, мағлубиятни тан олмайдиган, хужумкор футболни севадиганликда ўзига хослигини сақлаб қолди. Бу ҳолат кейингилар учун ҳар жихатидан сабоқ бўлди ва бўлади.

Биз ўша учрашувда қарши хужумда ўйнадик ҳам деяолмаймиз. Қарши ўйинни узоққа бормайлик Москвада, Спартакка қарши Фейнорд ўйнади. Қарши ўйин анашунақа бўлади. Ҳозирги футбол Хитойни олдин ютганмиз, энди ям ютамыз, Эрон кучли команда—да, анови мановини ютган, биз ановини ютганмиз, демак мановиниям ютамыз зайилдаги бемани мулохазаларни эмас, балки ҳар бир рақиб учун алоҳида тайёргарликни ёқтиради. Хамма нарсани 90 минут ҳал қилади,

шу дақиқалардагина футболчиларимизда ҳамма нарса, одамилиқ ҳам, юртини, унга термулиб турган мухлисларини севиш ҳам, жисмонан, психалогик бақувватлиги ҳам олий даражада бўлсагина бас! каби амалиётни севади, ҳозирги футбол. Хуллас, Аргентинага қарши қандай тайёрлансак Мўғулларга қарши ҳам шундай тайёрланишимиз керак, футболимизда професанализим, миллийлик етишмайди.



Тренер сифатида Абдураимов мен ва адашмасам биз учун жуда қадрли. Ҳеч йуқ у бўлганида бизга бунчалиқ алам қилмасди. У собиқ иттифоқ биринчилигидаги энг сара футболчилардан бўлганлигини унутмаслигимиз керак. Ю. Саркисянга раҳмат, қилган меҳнатлари учун, лекин Фарғоналикларнинг, футболга масул одамларнинг унга кўрсатган катта моддий кўмаги бошқа бирор бир тренерга кўрсатилса у ҳам шунга ўхшаш натижаларга эришиш мумкин эди, яна билмадим.

Мухлислар, стадионга келган томошабинларни ҳеч ким унутмаса керак. Айниқса «Камолот» ёшлар ҳаракатининг бу ишда кўрсатган жонбозлиги ҳарқанча таҳсинга лойиқ. Фақат бир нарсани айтиб ўтиш керак—ки, мухлис жамоага қийин вақтларда кўпроқ керак бўлади. БАА билан бўлган ўйинда ёмон ўйнамадик. «Пазор» деб жўр бўлиб бақириш шарт эмас эди. Ҳаммамиз биламиз, биз уларни яхши кўрамиз, лекин аламларни мардларча енгиш бизга хос бўлиши керак. Мағлубиятни тан олиш саънати ҳам ўрганишимиз



керак. Бу ҳолат шундоғам рухий тушкин бўлган футболчиларимизга ёмон тасир ўтказмай қолмайди, албатта.

Болалар футболини ривожланишини «Футбол мактаблари» га ишониб топшириш кўнгилдаги натижаларни бермайди. Кейинги йилларда маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларни янада такомиллаштириш керак. Албатта, 12–14 ёшли болаларни ичида соқоли чиқиб қолганлари ҳам борлигини ҳисобга олмаганда. 12–14 ёшлими, шунга риоя қилиш керак. Гувоҳномасида ёшини кичрайтириш жуда ёмон. Болаларимизни ҳозирдан ҳалолликка ўргатмоғимиз зарур.

Керак бўлса қасамёт қилдириш шарт, токи рақибига атайин жароҳат етказиш, майдонда бемани қилиқлар қилиш, фирромлик ва бошқа қатор ҳалқимизга ёт бўлган «импорт» қилиқлардан болаларимиз ҳазар қилишсин, ўзбек футболи дунёда бугунгиданда ўзининг ҳалоллиги билан, инсонийлиги билани ажралиб турсин. Олийдаги жамоалар таркибида айнан шундай болаларни қабул қилиш комиссия тизимини ишлаб чиқиш зарур ва унга вилоятлар маҳаллаларидан келган болалар мурожаат қилишларини, ариза беришларини, камиссиядан ўтишларини тامينлаш керак. Талантли болалар футбол мактабларидан кўра кўпроқ қишлоқларда, кўча болалари ичида етилади.

Юртимиз сарҳадлари гўзал ва ҳосиятли. Болаларимизга уни севгин дейиш шарт эмас, чунки уни севиш шу юртнинг ҳар



бир фарзандининг вужудида мавжуд. «Бизнинг вазифамиз шу бенуқсон туйғу сенинг вужудингда бор, мана у»—дея таништириб қўйиш керак холос: Стадионга келган минглаб мухлисларнинг жўр бўлишида, қўлларини кўксига қўйиб, кўзларида ёш билан мадхиямизни баралла айтишида ватаннинг бетакрор, гўзал чехрасини кўриш мумкин. Миллионлар интилаётган мақсад ягона эканини, бир нуқтага каратилганини теран англашимиз мумкин. Майли биз ўйинда мағлуб бўлдик, лекин бари—бир сизларни ва сизлар орқали юртдошларимни табриклайман. Шу улуғ кунларга етганимиз билан, ўз байроғимиз остида ягона ғоя сари интилаётган бир бутун халқ эканлигимиз билан табриклайман. Хаммамизга 2006 йилги жахон биринчилигида ҳеч кимдан қўркмайдиган жамоамизни кўриш насиб этсин. Биз улар билан фахрланайлик.

Бу йил 2024 й. Ўзбек ўзини бутун дунёга футбол ўйнашни



биладиган миллат сифатида танилди. Францияга йиғилган футбол муҳлисларининг аксарияти бизнинг жамоамизга муҳлислик қилишди. Ушбу фикрларни бизни камситишга интилаётганлар ўқисин.

Дадам албатта келади

(ҳикоя)

Бу нуқсон юз йилдирки, эҳтимол унданда қадимийроқ, давом этиб келмоқда: Ҳар бир манманлигимиз учун қилинган харажатларимизда болаларимизнинг ҳам манан, ҳам ақлан, ҳам жисмонан “чўлоқ” бўлаётганликлари ётади?!

Хадемай мактаб ҳам бошланади. Ана мана дегунча ўн икки кун ўтиб кетибди. Қишки татил жудаям мазза бўларкан: молимга хашагини ташлайман, сувини бераман, печкани ўчирмай укамга қараб ўтирсам бўлгани. Телевизор кўраман, китобларимни расмларини томоша қиламан. Ўқилмаган, ўқилган бўлса ҳам қизиқ жойларини қайта ўқийман. Айниқса “ҳикматли сўз”ни жудаям яхши кўраман. Уни хар гал ўқиганимда ғалати бўлиб кетаман. Шу–шу «дадамни дадажон, аямни аяжон»–деб чақирадиган бўлдим. Беҳрузни эса қучоқлаб ўпиб–ўпиб олгим келаверади.

Бу йил қор ҳам қалин ёғди. Дадам шунақа деди. Қорда ўйнашни яхши кўраман. Айниқса қорни ғичирлашини эшитсам мазза қиламан. Ташқарида совуққотиб печка ёниб турган иссиқ уйга кириш жуда мазза. Дадам эрталаб колхозга чиқиб кетади. Ўзи шунақа дейди. Аям эса мактабга пол ювгани боради. У қайтиб келганида хурсанд бўлиб кетаман. Аямсиз уйда жудаям зерикарли. Айниқса кечга томон. Қоронғу тушганида эса мазза. Дадам ҳам келади. Факат эрталабни ёмон кўраман. Хўрознинг қичқириғини ҳам. Уйимиз совиб кетади. Авваллари яхши эди. Аям кечқурунлари “печкага” ўтин қалаб чиқарди. Бир мартасида дадам “Зилол бунақада ўтинимиз кишга етмаса

керагов”—деган. Шу—шу аям хам кечаси ўтин қалагани турмай қўйган. Дадам айтди, келаси ёзда биз хам уйимизга газ”плита” қураганмиз. Жуда мазза бўларкан. Акмал айтган, кечасиям бемалол устунгни очиб ётсанг бўларкан. Менимча у бироз опқочган. Дилшоднинг айтишича қишда газ пасайиб кетади, лекин уй хар холда илиқ бўлади. Майлида, қанақа бўлсаям кўрпага ўраниб олганинга совуққотмасанг бўлгани, печкада эса уйимиз му—у—уздек бўлиб кетади. Кўрпанинг ичим. Менку чидайман. Тўғрида, аям айтган, мен энди катта бўлиб қолганман, молга қарайман, укамни ўйнатаман, печкага ўтин қалайман.... Укам бўлса совуққотса йиғлайди. Кичкинада хали. Базида мен хам ўғониб кетаман. Ўғонсам, қоронғи уй, аям билан дадам шивирлашиб гаплашаётган бўлади, мен индамай ётавераман. Аям нукул ғишава қилади, дадам шунақа дейди. Дадам бўлса яхши гапиради:—“Зилол нукул ғишава қилганинг қилган, мен нима қилай ахир, бир кунимизни кўрармиз”. Ўша қишнинг совуқ тунларидан бирида дадам менга пул тушиши билан ботинка олиб беришини хам айтган. Нақд ўттиз минг сумлигидан, агар ёзда аям «тўй қилайлик, тўй қилайлик»—деб ғишава қилмаганида ботинка хам олиб бераркан. Буғдойимизни хам сотмаган бўларканмиз, уйимизга эса газ плита қурган бўларканмиз. Деҳқончилик қилиб топган етти миллион сум пулимизнинг хаммаси тўйга кетибди. Хух—хў—ў қанча пулу, икки юз ўттизта ботинка келарди унга, яна ортиб хам қоларди. Ўзим хисоблаганман, велосипед олса хам бўларди. Акмалникидақасидан, тўрт юз мингга дадаси олиб келган, Тошкентдан.

Баъзида дадамниям аччиғи чиқиб кетади. «Ха онангни....»—деб сўкиниб қолади. Тўғрида, дадамгаям қийин, махалладагилар аямга «тўй қилмайсизларми»—деб ҳадеб пичинг

қилаверишаркан. Ўшаларни эслаб—«Бор ўша пичинг қилганларингга, буғдой топиб беришади, ўғлини даволатишади»—дейди. Охири яна юмшайди. —«Мен нима қилай Зилол, нима қилай айт, нима?. Қўлимдан келганини қиляпман. Сени сиқилмасин деб докторни гапини айтганим йўқ эди. «Яраси совуқ олиб, чуқурлашиб кетган, тезда ётқизиш керак»—деб айтди. Ёзиб берган дориларни суруштирсам тўрт юз минг атрофида экан, кейин докторнинг ўзигаям бермаса яхши қарамасмиш, одамлар айтябди. Бозор кунигача бу ерда ётадим деб олиб келавердим. Молни сотамиз, у ёғига Худо пошшо. Аям анчагача индамай ўтириб олди. Кейин йиғлайди, йиғлайди—йиғлайверади, бечора аям. Ўрнимдан туриб иккаласиниям қучоқлаб ўпгим келади, кейин дадам аямни қучоқлаб олади, «қўй йиғлама хаммаси яхши бўлади. Мана кўрасан, хаммаси яхши бўлади»—деб аямни юпатмоқчи бўлади. Тўғрида доктор менгаям айтдику—«яхши бўлиб кетасан»—деб, яна қанд хам берди. Қолаверса оёғим хам оғригани йўқ, аъён—аъёнда зиркираб қолади холос. Ўша кечадан кейин, касалхонага бориб келган кунимиздан бошлаб аям мени иш қилдирмай қўйди. Ўзиям ишга чиқмасдан қўйди. Бозор куни «Қоравойни» дадам бозорга олиб кетди, жудаям яхши мол эди. Аям—«қорнида боласи бориди»—деб ачинди. Қассоблар сотиб олишса уларга айтиб қўйишини дадамга такрор—такрор уқтирди. Кўча эшигигача ачиниб кузатиб борди.

Душанба куни хамма мактабга борган кун, мен касалхонага бордим, дадам менга ботинкаям олиб берди, уттиз минг сўмга. Қанийди мактабга борсам. «Қордаям йиртиқ ботинка киясанми»—деб эрмаклайдиган Акмалга кўрсатиб қўярдим. Энди дадамга айтаман, тўп хам олиб беради. Велосипед хам. Энди Эркин акам билан курашгаям бораман,

ўзи айтган. «Дадангдан йигирма минг сўм олсанг»—бўлди деган. Қоровойни уч миллионга сотган, дадам айтди.

Касалхона иссиқ экан, бунинг устига оппоқ жойлар, оппоқ кийинган опалар мени ҳеч холи жонимга қўйишмайди. Айниқса битта Шахло дегани бор, нукул «мени оласанми, мен сенга теганман, мени олақол»—деб бурнимни жимжилайди. Ғашим келади. Ўзиям чиройли, оппоқ. Эльёр, Эльёр қаердасан, Эльёрчик деб эркалайди. Шунақа деганда нимагадир аямга ўхшаб кетади. Қучоқлаб бетидан ўпиб олгим келади. Кечаси баъзида уйғониб кетаман, лекин совқатмайман. Эрталаб бўлса, аям келганида Бехруз йиғламадими деб сўрайман, албатта сўрайман. Яна уҳлаб қоламан. Дадамни кўраман, аямниям нимагадир Бехрузни кўрмайман, дадам яланг бош, яланг оёқ қорларни босиб—босиб эшигимиздан чиқиб кетаётган бўлади. Роса ачиқланган, ачиқланганида, биламан, доим шунақа юзи ғалати бўлиб кетади, бирмартаям аямга бақириб, «Кетаман, билганингни қил»—деб чиқиб кетганидаям шунақа бўлган. Аям орқасидан йиғлаб чиқади, дадамга нималарнидир деб қичқираётган бўлади. Кўзларининг ёши лабларининг устидан тушади, нимагадир «Эльёр»—деб чақираётган бўлади. Мен югуриб чиқаман, аямни қучоқлайман, аям эса мени, кўзларининг ёшларини артаман, «мана кўрасиз»—дейман аямга секингина шивирлаб—«дадам қайтиб келади, албатта келади». Яна уйғониб кетаман, дадамни соғинаман, кўзимнинг ёшларини артиб оламан.

Орадан бир хафта ўтиб мени врачлар ғалати каляскага ётқизишди. Шахло кўзларимдан ўпди, негадир йиғлади, уялиб кетдим. Дадам менга копток олиб келгани кетибди. Доктор айтди. Коляскани судрашиб бир хонага олиб киришди. Жудаям мазза бўларкан. Бурнимга ниманидир бостиришди.

Уйғонсам ўз хонамда ётган эканман. Дадам ҳам ёнимда экан. «Уйғондингми ўғлим»—деб юзимдан ўпди. «Оёғимнинг тиззаси негадир оғрияпти»—дадамга айтсам «ҳеч қиси йўқ яхши бўлиб қолади»—деб айтди. Негадир йиғлади. Дадамни йиғлаганини биринчи марта кўришим. Йиғламанг дедим. Рахмим келди. Туғрида дадам ҳеч кимдан кўркмайди, ҳеч ҳам йиғламаган, мен уни хаммага, Шахлогаям, докторгаям мақтаганман.

«Оёғим зирқираяпти, учи қимирламаяпти»—такрор сўрадим, шу пайт аям ҳам кириб келди, оқ халат кийиб олибди ёнимга ўтирди. Оқ халатда аям ҳам жуда чиройли бўлиб кетаркан. Нимагадир ўксиб—ўксиб йиғларди. Ётган жойимда кучоқлади. «Болагинам, болажоним»—деди. Дадам аямга «йиғлама»—деди, лекин ўзиям йиғлади. Дадам эшик томонга қараб кетиб қолди. Аям дадамга қараб—«тўхтанг, нима бўлганини унга ўзингиз айтинг»—деди. Дадам индамади, орқасига ўгирилиб ҳам қарамади, елкаси қимирлаб кетди. Аямнинг кўз ёшларини артдим, «Ая йиғламанг»—дедим. Оғзимнинг ёнгинасида турган қулоғига пичирладим:—«Йиғламанг, дадам ҳозир қайтиб келади, албатта келади».

1996 йил, январь. Фарғона.

Ёш куч, 9–10—сон, 1997 й

Савоб бўлади

(ҳикоя)

Сизларга қизиқарли бир ҳикоя айтиб берайми? Тўғри, у гиёҳвандлар ҳақида эмас, фожиавий ўлимлар ҳақида ҳам эмас, фоҳишалар ҳақида, отасини урган боланинг тақдири ҳақида ҳам, олий даражадаги олди–бердилар ҳақида ҳам эмас. Бу воқеа ўзларини «ривожланган жамиятлармиз»—дея атаётган ва ҳаёт қайнаётган юртларда бўлмаган. Инсониятнинг моддий цивилизацияси бўлмиш америкаликлар ёки европаликлар ҳақида ҳам эмас, нафс ва хузр–ҳаловат учун, ўз истакларини қондиришга қаратилган моддий ривож ҳақида ҳам эмас, бу воқеа. Бу воқеа Андижоннинг қора дарё соҳиллари қишлоқларидан бирида бўлган, шу ҳудудда яшаб ўтган бир одам ҳақида, аниқроғи *қалб цивилизацияси* ҳақида ҳикоя қилади.

* * * * *

Дадам айтиб берган воқеа

—Сизларда Алам домла деган одам бўларди—дея оқсоқол гапини бошлади, танирмидингиз уни?

—Ҳа, танийман — жавоб бердим.

Суҳбатдошимнинг ёши кексайиб қолганига қарамай, ҳали анча тетик, юзи тиниқ эди. Бундай одамларни «фариштали одамлар» дейишади, бизда. Менга унинг ниманидир айтиб беришини истаётганини тушундим. Ва мен ўша одам яшаган қишлоқдан эканлигимни айтганимдан сўнг меҳри бошқача бўлиб кетганини ҳам яхшигина англадим. Бу орада чойхоначи бир чойнак чой келтирди. Одам унчалик гавжум бўлмаган шаҳар чойханаси устунларидан бирига илинган радиода

яхшигина ашула эшитиб ўтириб дам олиш шу вақтда менга ҳам хузурли эди. Бажонидил унинг суҳбатини тинглагим келди.

Ўша қишлоқларингдаги ҳаммомни мен қурганман. Чинободда – дея сўзини давом эттирди. Биз ҳамма усталар ўша ерда ётиб қолардик. Бир куни тушимми ё ҳавфимми бир одам келиб баланд овозда – «Уста ҳалиям ётибсизми? Бомдод вақти бўлдику. Туринг энди, бизниям уйимизни қуриб беринг. Ҳа, яшанг, ишингиз бароридан келсин. Ҳа, яшанг, яшанг» – дея гапиргани қулоғимга чалинди. Ўзимга келиб қарасам кимдир мени чақираётганини эшитдим. Тонг ҳира шира отиб қолган эди. Шоша–пиша ўрнимдан туриб, меҳмонга пешвоз чиқдим. У маҳаллада кимдир бандачилик қилганини ва унинг табаррук одамлардан эканини айтиб, қабрини ўзингиз қуриб бераркансиз, маҳалланинг катталари илтимос қилиб юборишганини айтди ва менинг «ҳозир етиб бораман»–дея айтган жавобимни олганидан кейин, ортига қайтиб кетди. Шоша пиша, таҳорат олдим, бомдод намозини ўқиб мен ҳам йўлга тушдим. Ҳонадон биз турган жойдан унчалик узоқ эмас эди. Мен етиб борганимда тонг отган, одамлар йиғилиб қолган эди. Ичкарига кирдик. Кимдир марҳум билан ҳайрлашиш учун у ётган ҳонага таклиф этди. Кирдим. Вужудимни титроқ босиб кетди. Ётган одам тушимда кўрган одамим эди.

Унинг қабрини мен қилганман. Ҳали–ҳануз ўша воқеа ёдимдан чиқмайди. Энг ажабланарлиси менинг шогирдларим ҳам кўпайиб кетди, руҳим, кўнглим ҳеч безовта бўлмай қўйди. Аллоҳга шукурлар келтираман. Бу менинг ўзимни шундай бўлиб туғилганимми ёки ўша Худо ёрлақолган одамнинг менга бўлган илтифотими, билмайман.

* * * * *

У даладан қайтаркан шом намози вақти бўлиб қолганидан эшшагининг устидан шошмайгина тушди.

Шу инсон Туркистон халқининг “Аълам (энг билоғон, энг олим)” мақомига эришган уч–тўрт олим намоёндаларидан бири эди.

Кетмон ва елкасига ташлаб олган чопонини йўл четидаги майсалар устига ётқизди. Ва белбоғини жойнамоз қилиб, қизариб кетган уфқ томон юзланди... Намозни якунлаб яна қайта эшшак устига миниб йўлида давом этди. Йўл четидаги ўсиб ётган майсалар эшшакнинг кўзига чиройли кўриниб кетдими, ўтлай бошлади, домла парво ҳам қилмади. Кўринишидан унинг ўзи ҳам ўзи билан аввора эди, эшитилар эшитилмас оҳангда саловат айтарди. Гар гал шундай. У ҳеч қачон эшшакни юришига мажбур қилмасди, қизиғи эшшакнинг ҳам ҳеч қачон нўхтаси бўлмаган. Эшшак хўжайиннинг феълига одат қилиб, ҳоҳлаганда ўтлар, ҳоҳлаганда йўлида давом тарди. Хўжайин жонзотини ҳам хурматини жойига қўярди: Қўлидаги озми–кўпми юкини ҳам, каттагина кетмонини ҳам унинг устига эмас, елкасида кўтариб борарди. Одамларнинг «домла юкингизни эшшакнинг устига қўйиб олсангиз нима бўлади» деган ҳазил аралаш саволига «унгаям юки тушмасинда» дея ҳазил аралаш жавоб қайтарарди, бу унинг ўта соддалигидан ҳам, билимсизлигидан ҳам эмас, асло. Бу ҳол унинг қалбига ҳеч қандай зўрлик, тазик сиғмаслигида, унинг хаёт тарзи бу фикримизни мақуллайди, албатта.

«Хуллас эшшакнинг кўнглига қараб» десак тўғри бўлар, уйига кеч етиб келарди.

Остонадан ўтадию эшак устидан тушади, уйи томон юра кетади, ўз ҳолига қолган эшак эса тўғри молхонасига кириб кетади. У омбор хонага кириб, кетмонни жойлади. Қайтишда у ердан иккита «қирқинчи чироқ» олди. Ёнидаги гугурт билан оловлантирди. Ҳовлида мевалари пишиб улгурган анжир олдига келиб, чироқларни унинг шоҳларига илди. Нарироқ бориб яна ортига қаради. Кўнгли жойига тушди шекилли, дархтлар оралаб энди ўзи ётадиган уйи томон кетди. Кампири обдастада сув тайёрлаб тураркан, «Яхши келдингизми?»—дея, сувни тутди. У ҳеч нима демади, чарчагани кўриниб турарди. Узимтак остидаги эски, оқшаб кетган сўрига ёзилган тўшак устига келиб ёнбошлайди. Домланинг куни кўп ҳолларда шу зайил якун топарди. Кампири келтирган овқатдан тановул қиларкан, эртага бозорга бориб рўзғорни ками–кўсини ҳаёлидан ўтказади.

—Мааллим, нима кам уйга, эртага бозор экан—дейди, ва кампирига қарайди.

—Гуруч олиб келсангиз бўлар—хотин ҳам мулойимлик билан жавоб беради. Ва сўзида давом этади. Чироқларни қўйишга қўйдингиз—ку, яна ҳомини териб ейишибди, бола тушмагирлар.

—Қўйаверинг, узганларининг ҳеч йўқ ярими, пишганидир.

Чироқлар тунда анжир “ўғрилари” келса пишганини териб ейишлари учун илиб қўйилганини сиз ўқувчи ҳам тушундингиз. Билсангиз бу воқеликлар ўтган асрнинг қирқинчи, эллагинчи йилларида юз берганлигини инобатга олсак даврнинг нақадар оғир эканин англаймиз. Уруш даври, очлик, кўлхўзда ишлаганларга озиқ овқат учун таллон берилар, ойлик деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Ночор қолганлар шўра

уруғларини териб тирикчилик қилишар, тушунмай кунжарани қайтаниб еганлар шишиб ўлаётган кунлар эди.

Улар шу зайил умр кечирардилар. Маҳалланинг болалари кечаси «ўғирликка», кундузи меҳмонга келардилар. Чолу– кампир учун эса уларнинг бир уй бўлиб чуваланиб ётишган набираларидан фарқи йўқ эди. У даврлар ўғирлик сўзининг ўзи ҳам йўқ эди, шекилли. Маҳалла одамлари буларнинг барчасини болалик шўҳликлари деб тушунардилар ва болаларни ҳам шунчаки урушиб қўярдилар, ҳолос. Таажубки, маҳалланинг бу болалари улғайишиб бирортаси ўғри бўлиб ҳам кетишмаган. Бу ҳол тарбиянинг қандай усули бўлган билмадим, аммо меҳр кўрган болалардан, улар не шўҳликларни қилган бўлсаларда, ҳеч қачон бебош кишилар чиқмаслиги эскитдан маълум эди.

Кундузлари келган болаларга «мааллим буларга овқат қуйиб беринг» дейишини кутиб турган кампир овқат сузиб келарди. Уларга бир косадан жуҳоридан таёрланган кўча улашарди. Қўлларига бир тангадан пул ҳам берарди. Шу болалар ичида бугун саксондан ошган Алижон амаким ҳам бўлган экан. «Ҳа, бой бўлгирлар, бой бўлгирлар» деб эркалаб ҳам қўярди уларни.

У ҳазил мутоибани ҳам таркига қўярди. Бир издиҳомда бир маҳалладоши савол билан мурожаат қилиб қолди. У даврлар одамларнинг табиатига мос қўйилган лақаблар бўлар экан. Саволчининг лақаби эчки экан:

- Домла қиёмат куни бир туёқ остидан эллик минг киши бош кўтариб чиқаркан, шу ростми?

Домла унга қарата – сизлар оилада неча кишисилар— дея сўрайди

- Саккиз кишимиз, домла.

- Бир эчкининг туёғи остидан шу дунёдаки саккиз бош калла кўтарган бўлса, демак ишонайверинг — дея жавоб қилибди. Хона одамларнинг кулгисига тўлади.

Кунлардан бир куни эр хотин домланинг олдига келишиб, домла аччиқ устида хотинимни талоқ қилиб юбордим, қайта никоҳ қилиб қўйсангиз деб мурожаат қилишада. Шунда домла “яҳши, ўтиринглар” дея ўзига яқинроқ ўрин кўрсатади. Улар жойлашиб олганларидан сўнг улардан сўрайди — “калима қайтаринглар”. Афсус на эр ва на хотин калима қайтаришни билмас эканлар. Шунда домла — “сизлар олдин қандай яшаган бўлсангизлар шундай яшайверинглар, калима қайтаришни ўрганиб келсангизлар никоҳ ўқиб қўяман, ҳозирча сизларга никоҳ буюрилмайди” — дея кузатиб қўяди.

Домла шундай, жиддий ишларди жиддий, ҳазил мутоиба ишларида дилкаш одам бўлган эканлар.

Тонг отганда домла яна ўша эшшаги билан йўлда эди. Бозорда одам ҳам гавжум. Гуруч бозорига кириб бориш ҳам анчайин қийин кечди. Гуручфурушларнинг бирида бир коп, бирида ярим коп, яна қанча ёшу—кексалар дуррасининг четида атига беш—тўрт ҳовуч... Ҳуллас, рўзғор учун заруратда ким нима топса ўшани сотгани олиб чиққан. У гуручни ҳам ўшалардан олди, дуррада олиб чиққанлардан. Бозорда кимдир кулги аралаш «Ота бу гуручларам турли туман бўлсин депсизда—а» дея ҳазил ҳам қилади. «Ҳа, насибда, болам, насиб» деб қўяқоларди.

Одам эҳтиёжи учун жуда кўп нарса зарур эмаслигини у яҳши тушунарди. Кимгаки қорни тўқ, усти бут бўла туриб бирор нарса етишмаслигини сезса, демак, унга ҳамиша нимадир етишмаслигини ҳам хулоса қиларди, ҳатто жаннатда

ҳам. Ё, алҳазар. У ўз–ўзича «қани эди одамга ҳамиша савоб етишмаса»—дея пичирлаб ҳам қўярди.

Уйига қайтиб келганида кампири бир меҳмон аёл билан суҳбат қуриб ўтирарди. Улар ўринларидан туриб, домлани ҳурмат билан қарши олдилар. Ҳотини тугинни кўтариб омбулга кириб кетди, келган маҳаллалик аёл эса унга ўз муаммосини сўзлай бошлади.

—Домла, қаранг бор бурдимиз шу идишдаги пахта ёғи эди, унгаям чичқон тушиб қолибди—деб идишга қаради.

Бу орада оммбордан—Гручингиз нимага ҳар–ҳил —дея норизо оҳангда сўзлаган кампири ҳам чиқиб келди. Нима қилса ҳам ҳотинда.

—Мааллим, қўяверинг, заруратдан оз—моз олиб чиққан уч—тўртасидан сотиб олдим. Рўзғорга бўлаверади.—деди ва «ип олиб чиқинг» деб қўшиб қўйди. «Мааллим» ип олиб келди. Икки хотин ипни икки учидан тортиб турдилар, ипнинг иккита томонига иккита идиш қўйдилар ва домла ёғни ипнинг устига тўка бошлади, ёғ иккига ажралиб бири у, бири бу идишга қуйилди. Ўнг идишдиги ёғни аёлнинг қўлига тутди. «Қизим буниси ҳалол, олиб бориб рўзғорингга ишлатайвер» деди. Аёл раҳмат айтди, ҳурсанд бўлиб чиқиб кетди.

«Ҳаром деб айтсанг, камбағал бечора бир уй боласига нима егизади»—дея хотинига юзланди, «қолганини яна бирор ночар, бечора келса бериб юборасан, кўзи кўрмаганга ҳалол бўлаверади, бугунги кунимиз шуни сўрайди» деди ва ўзи сўрига бориб ўтираркан, «одамларга жуда қийин бўлди, жуда—жуда қийин, ўтиб кетади, шу қийинчилик деб кўп одамларнинг имонига путр етмаса бўлгани»—дея ташвишланади. Ҳудодан ўзига, бандаларига сабр тилайди.

Аламдомланинг уйида маҳалладаги нимаики келишмовчилик, йўриқ, тушунмовчиликлар сабаб одам узилмас эди.

Кеча анови қўшни Орифбой ҳам укасининг алдаб кетганидан норизо бўлиб, домланикига келганди. Домла уни юпатди—«Ҳафа бўлма, тўғри, яхши иш қилмапти, лекин у уканг, сенга эркалик қилгандирда, мен бугуннинг ўзида уни топаман ва албатта насиҳат қиламан, сен бироз сабр қилгин, сенга насиҳатим эса шу, бу ҳам бир кўрғиликда, бунда ҳам Ҳудонинг бир ҳикмати борлигини ҳеч—ҳеч эсингдан чиқармагин»

Кечга яқин таркишўхлик қилаган, йигитни ўйига айтгизиб келди ва табини жуда ҳира қилди. «Бошқа иложим йўқ эди»—деганидан кейингина, бир оз койиган бўлди, «ёлғон одам кўнглини емирада, катта гуноҳ бўлади» деб эслатди ва «акангни олдидан ўтиб қўйгин» деб маслаҳат берди.

У ўзининг кексайган ёшида ҳам кўлхўзда пахта чопикқа чиқарди, олган бир икки тангаси билан рўзғор тебратарди. Биттаю битта эшагини ҳам бозорда кимдир олиб кетиб қолибди. Кунлардан бирида уша одамни эшаги билан учратиб — “Тақсир мени эшагимни нега олиб кетиб қолдингиз” дея сўраса, у киши “бу ўзимнинг эшагим, сиз ўхшатябсиз” дея тан олмабди. Домла синамоқ учун, ёлғончи эмаслигини кўрсатиш учун эшакни аравадан бўшатиб қўйиб юборса, эшак тўғри Алам домланинг уйига қараб кириб кетибди. Шунда домла “кўрдингизми, майли, ҳозир аравангизда юкингиз бор экан, уйингизга олиб борингда, келаси бозор куни уйимга ташлаб кетинг” деб унга руҳсат берибди. Шу шу домла у одамни ҳам эшагини ҳам қайта кўрмабди.

Ўша кунларнинг бирида ёзнинг ёмғири шаррос қуйди, қишлоқ ҳавосини мусаффо этиб, жамикий жонзотга хузр ато

этди. Уй айвонидаги сўрида ёнбошлаб ётган домла беихтиёр «муаллимига» эртага узоқ яқиндаги қариндошларни пешинга тазияга айтиб қўйишини эслатди. Ҳанг—манг бўлган кампир нима дейишини ҳам билмай гарангсиб қолди. Ўзи эса ёмғирнинг бироз тин олганида қандайдир юмушларини битириб келиш учун кўчага чиқиб кетди. Кеч қайтди. Уйига келганида унинг яқинлари, ўғиллари уйга йиғилишиб бўлишган эди. Купчилиги кулгига олишди, аския қилишди. Лекин домланинг гапи барибир ўз кучини йўқотмади. Фақат у такроран ошкора айтилмади. Энди ёмғир тинган, одам танасига яйрайдиган ажойиб тун борлиқни ўз қучоғига яширди.

Домла ўз жойида улкан бир сокинликни кўнглида туйганича дам олар, ҳаёлида ўтган бутун умри манзаралари гавдаланарди.

Унинг бу оламдан ортирган яккаю—ёлғиз мероси яхшилик эди, аниқроғи одам ҳаёти яхшиликдан ўзга мазмунга эга эмаслигини бутун вужуди билан ҳис этарди. Ва ўзи шу этиқодга содиқ қола билдими, йўқми? У айтиши онларда дунё ва виждон орасидаги шу энг буюк муаммони ҳал этмоқда эди. «Ёмон яшамадим»—унинг ўзига—ўзи айтган бу сўзлари бўғзидан ичкий бир ёқимли либоси билан мавжудликка бурканиб чиқди. Ҳовлида эсанг ёзги суҳбадамга қўшилиб қоронғуликнинг ҳам кўнглига, гўё ёруғлик олиб кирди.

Ҳаёлига кўчада Орифбой яна укасининг алдаб кетганлигини айтиб жиғи бийрон бўлгани ёдига тушди. Домла уни бағрига босди.

—Ҳафа бўлма. Ҳаммасини тушунасанку ўзинг—дея юпатди. Ҳафа бўлма, алданиб туруш ҳам керак, алданиш ҳам савоб, ўғлим. Орифбой бошқа сўз демади.

Бугунги ўтган кунида маҳалла одамлари, тенги–туши уни оҳирги маротаба кўриб турганлигини билмас эдилар. Орифбой ҳам. Лекин бунинг унга қизиғи йўқ. Энг муҳими салом қарзи борга салом айтди, яхши сўз қарзи борга яхши сўз деди. Фақат мозорга кимнидир тайинлашни истиҳола қилди, айтса ҳам бўларди, лекин айткиси келмади. Бугунги кунда чала қолган бу юмушини ҳам ижобат бўлишини яратгандан сўради. Дуолар ўқиди, такрор–такрор калима кайтарди. Унга мусофирчилик ва мустарликдан бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса бермайдиган беназир қалб нозиклиги–ю, мусаффолиги каби тенгсиз мурувватидан кўйлак кийдирди. Меҳру–муҳаббатга тўла манзилларга кетаётганини ҳис эта олган унинг кўзларидан эҳтиросларга тўла ёшлар тинмади. Очилиб бораётган осмон кўчоғида булутлар орасидан кўринган тўлин ой унинг сўнги нафасини осмонларга олиб кетди.

Яратганга яқин одамлар

Куйида битилган воқеликларга “Яратганга яқин одамлар” дея сарлавҳа қўйилгани бу ёлғиз менинг фикрим. Бу ҳақда ким қандай ўйлайди, билмадим. Мен шундай ўйлайман. Дарҳақиқат, ушбу одамларнинг ҳаёти билан тарбияландим, уларга интилдим, уларга ўхшаб яшашни орзу қилдим, нафақат мен, балки у одамларни яқиндан билган менинг барча даврдошларим ҳам шундай амал қилишганларига шубҳам йўқ. Улар одамлар қалбига доимо нур сочиб турадилар, ўтганлари эса тарих қаридан эзгулик томон йўл кўрсатадилар.... Зеро “Яратган Эгам инсон қалбини шод этгувчиларни яхши кўради” дейишади.

Цивилизация

Энам саратон офтобида кўрпа қовиб ўтираркан, опаларим ундан “эна, шу ишингизни ишком тагига ўтиб қилсангиз бўлмайдими?” дея сўрашибди. Уларга жавобан “отанг офтобда қўйларга ўт қияпти, мен қандай қилиб салқинга ўтиб оламан, болам” –деган экан.

–Ҳа, сизни отам кўриб урушармиди? – дейишса,

–Отанг урушмайди, аммо Аллоҳ норизо бўладида – деган эканлар.

Энам опамлар кетар куни зовур ёқалаб уларни катта йўлгача кузатиб чиқибди, йўл анча узоқ эди, то автобусга чиқариб юборгунича опаларимга “энам бизга палов ош қилиб бермади” деб дадангга айтманглар–а, хўпми” деб ялинишини тўхтатмабди, болаларига ош қилиб бермаганлиги учун куёвидан уялган бўлса керак. Ўла ўлгунча пулни танимаган энам мана шундай одам эди...

Энамнинг экалогияси

Менга ёзги татил бўлди, энамларникига қараб жўнаворардим. Кунлардан бирида тахтадан қилинган “эшшак” устида турган челақдаги сувдан тоғамнинг ўғли билан ювиниш учун аямасдан ишлатардик, бири биримизга сепиб ўйнардик, у – “сувни исроф қилишма болларим” деб қолди. “Эна, ана анҳор тўла сув, яна олиб чиқиб бероврамиз” – деб эркаландик. Шунда у, “Болам, хар нарсанинг уволи бор, анҳордаги тинмай оқаётган сувнинг ҳам ўз ҳисоб китоби бор, таҳорат олишга ҳам бир бонкадан ортиқ сув ишлатиш гуноҳ” деди.

Бугун дунёнинг учдан иккисига ичимлик суви етмаяпти, келажакдаги ўттиз йилда бу фожеа яна ўзини бор бурди билан кўрсатади... “Бу ниманинг оқибати экана” дея ўйлаб қоламан ва ўзимга ўзим жавоб топаман – исрофнинг оқибати, исробнинг – дейман, эшитилар эшитилмас оҳангда. Ўғлим безовталаниб сўрайди – “Дада, ўзингизга ўзингиз нималар деяпсиз?” Исроф деябман, болам, исроф...

Илганмаган қаҳрамон

Махалламизнинг ичкарасида яшайдиган Набижон деган йигит бўларди. Ёши мендан бир ёш кичик. Жуда кам гап, оғир босиқ, хар қандай одам билан ҳиёл кулиб сўрашадиган, ўзи шофёр. Агар уни киборли, ўзига бино қўйган одамлардан “Набижон ким эди” деб сўрасангиз “у одамлар ҳаётига фон бериб турадиган одамлардан холос” деб айтиши ҳеч гап эмас. Кунлардан бирида уларнинг ҳонадонида фожеа юз берди. Тунда газ ҳидидан бутун оила заҳарланган. Набижон гарангсиб

зўр базўр жон толвасасида чирокни ёқади, хонада портлаш юз бериб ўзи, аёлию болалари ўт ичда қолади. Ёнаётган Набижон уларни бирма бир кўрпага ўраб ташқарига олиб чиқишга улгуради ва жон таслим қилади, сўнги онларда ёрдамга келган қўшниларига бўғзидан – “мени қўйинглар, оиламга, болаларимга қаранглар” деган сўнги сўзлар зўр базўр хавога таралади... Мана сизга фожеали ҳақиқат: Набижон одамлар ҳаётига фон бериб яшамаган, унинг ҳаётига бизлар фон бериб турганмиз десам энди ишонарсиз....

Шу вакеадан сўнг “қаҳрамонлар ҳам, азизу авлиёлар ҳам биров билмас одамалр орасида пинҳон яшайдилар” деган ҳақиқатига яна бир карра иқрор бўлдим...

Елкаси баққуват одамлар

Ғулом ака маҳалламиздан чиққан прораб. Узоқ йиллар ишлаган қурувчи. Қаҳратон қишнинг бир тунида қўшнимиз Шокир аканинг уйи ёниб кетди. Ҳеч нарса қолмади. Шокиржон ака ўша кезларда “олиб сотарликда” айибланиб қамоқда эди. Доно опам етти боласи билан ўша куни бизникида тунашди, туни билан жағи тинмай, бўғиқ овозда играб чиқди. Шаҳзода опам унга тасалли берди... Мен унда ўспирин бола эдим. Кўчада бир куни Шокир аканинг укаси Зокир ака билан Ғулом акани гаплашиб турганини кўрдим. Кейинчалик Зокир ака айтиб берган: у – “Зокиржон бетон заводига бор, керагича бетон олиб кел, пойдеворларингни кўтариб ол, пул топсанг берарсан, бўлмаса хижолат бўлма” деган.

Бир куни маҳаллада ош бўлибди. Дастурхончи ёш–ёш хожи акаларни тўри уйга ўтказибди, ойёғи урушда йўқолган

ногирон Турди отани кираверишдаги уйга таклиф қилибди. Ошга келган Ғулом ака уйга кириб ушбу аҳволни кўрибдию, авзойи бузилибди. Дастурхончини чунонам ҳақоратлабди, одамлар олдида уйнинг эгаси ҳам, дастурхончи ҳам нима қиларини билмай қолибди: Манови чўлоқ ўзи учун чўлоқ бўлмаган, сену биз учун чўлоқ бўлган, анови бефаросат оқ кийим, оқ саллалар ўзлари учун хожи бўлган, инсоф диёнат борми сенларда... У ўшанда ўтирмабди, ошдан қайтиб чиқиб кетибди.

Уни кўплаб савобли ишларини эшитганман. Ким муҳтож бўлса, кимга ёрдам керак бўлса Ғулом ака доимо елкасини тутаркан. Унинг елкаси шунақанги бақувват одам экан. Ғулом ака оламдан ўтганида кўчаларимизга одам сиғмай кетди...

Маҳалланинг устози

Маҳалламизда Шокиржон ака Махмудов деган инсон яшаб ўтган. У филолог. Тошкент давлат Университетида ишлаган. Журналистика соҳасида ҳам илғор одам эди. Суҳбатлашиш учун одам танламасди. Мени ёшим бу табаррук одамдан йигирма–ўттиз ёш кичик бўлсада улфатлардек суҳбатлашарди. Кейинчалик ўйлашимча, адашмасам, мени ўз шогирдларидек яхши кўрарди ҳам. У одам билан бирга ўтган бир неча учрашувларимни, суҳбатларимизни хали хануз қумсайман: у бирор марта бирор бир инсон ҳақида ёмон гап айтмаган, ундан бирор бир ғийбат эшитмаганман, нимаики ишни қилиш режасини айтганимда бирор марта олдимни тўсмаган, аксинча менинг руҳиятимни доимо кўтарарди...

У айтиб берган бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Етмишинчи йилларнинг тақиқларида Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи одамлар кўлида яширинча сақланар ва

яширинча ўқиларди. Ўшанда устоз Тошкентда яшарди. Давлат музейида ишлайдиган Жиззахлик Келди Қодирий деган танишидан ушбу роман музейда сақланаётганлигини эшитиб қолади ва уни бир кунга бериб турушини илтимос қилади. Ушбу ўтиришда таниши Келди ака “Шокиржон Сиз учун яширинча бериб тураман, аммо бирортаси эшитиб қолса мени ишдан хайдаб юборади, вақтида олиб келишлик шарти билан” деб китобни қўйнида чиқариб беради. Устоз китобни вада қилинган бир кечада эмас, уч кечада машинкада печат қилиб кўчириб чиқади. Оқибат яхшилик билан тугайди. Кўчирма хали хануз устознинг китоб жавонида сақланса керак...

Улар Рауф Парпи, Мирпўлат Мирзаевлардан Чўлпоннинг кўплаб шеърларини кўчириб олишиб қўлма қўл ўқишар эканлар.

Тошкентда ўқиган акамнинг айтишича Шокиржон аканинг Тошкентда ўз уйи бўлмаган. Бир хонали ҳонадонда ижарада яшаган. Қишлоқдан одам борадими, шаҳардаги борки қишлоғимиздан борган талабалар борми, шогирдлари борми унинг уйи улар учун қўнимхона бўлган. Шунинг учун уй эгасидан танбех эшитайвериб уч марта янги янги квартираларга кўчиб ўтишга мажбур бўлган. Фаҳр билан айтманки, Мухаммад Юсуф ҳам Шокиржон акани узтоз сифатида кўрар эканлар, тез тез уни йўқлаб келиб туришарди, Ҳатто қишлоғимиздаги уйига ҳам. Хуллас бирор кун йўқки унинг уйига одам келмаган... Кейинчалик болалари аста катта бўла бошлагач Андижонга қайтиб келишга мажбур бўлган.

Устозимиз ўша даврдаги Намуна колхозида раис муовини лавозимида ҳам ишлаган. Бу лавозимни унга туман Хокими – дўсти илтимос қилган. Ёрдам беришини сўраган. Бугдой ўрими мавсуми экан. Одамларимиз қийналиб тирикчилик

Ўтказаётган мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари эди. Бир гал буғдойни йиғув пунктига олиб кетишаётганида ўспирин йигитлар кетаётган машина кузовига чиқишиб буғдойни қопларга солиб пастга отишаркан. Бу ҳол ўша даврнинг оддий бир вақелиги эди. Шунда шафёр “Шркиржон ака тўхтайми, уларга бирор нарса дейсизми?” деб сўрабди. Шунда у – “уларга нима ҳам дейман, ўзи шулар учун буғдой етиштираётган бўлсак” деб суҳбатга якун ясабди. Катта йўлга чиқиб, қарашса арзирли буғдой қолмаганини кўришибди. Шафёрга қараб “қолганини уйингизга олиб кетайверинг” дебди. Шафёр “нима деб жавоб берамиз” деса, “у ёғига ишингиз бўлмасин, ўзим тўғрилаб қўяман” деган экан.

Шокиржон ака оламдан ўтганида мен Москвада эдим. Яхши одамларнинг на фақат ўзларига уларнинг ўлимларига ҳам хавас қилади одам... Бизнинг маҳалламизнинг узтози мана шундай одам бўлган. Акамдан эшитдим: ўша куни яна бир бор маҳалламиз кўчаларига одам сиғмай кетибди.

Акамдек улуг

Раҳмон акам келишган, савлатли, чиройли одам эди. Ўтган асрнинг саксонинчи йили Тошкент Архитектура институтини тўрт, беш баҳоларга тамомлаган. Акамнинг дўсти. Мендан ўн ёш катта. Уйлари бизнинг уйимиздан унчалик узоқ эмас, қишлоғимизнинг кўркам жойида. Қўлидан ёғоч устачилиги ҳам келарди. Ёшлик чоғидаги ўй мақсадлари амалга ошмаган. Хаётнинг нозик хилқатларини анчайин кеч тушуниб етган инсон. У менга ўз хатолари ҳақида тинмай сўзлаб берарди. Уларни енгиб ўтиш сирларини баҳоли қудрат ўз иқтидорига яраша тушунтиришга интиларди. Биз иккимиз суҳбат қилсак тун яримида етганини англамай қолардик. Анча

мунча шоирлар хавас қилгулик шеърларидан ўқиб берарди, ғазаллар ёзарди. Бир куни акам ўғилларига хатна тўйи қилди. Биз ўша жойда учрашдик. Тўй тугаб, қишлоқ одамлари, меҳмонлар тарқагач ўзимизга яқин одамлар қолди. Мазза қилиб суҳбатлашдик, яхшигина ичдик ҳам, вақтдан ҳам адашдик. Бир маҳал ўйғонгандек бўлдим, қайси хонада ётибман англай олмадим. Аммо ҳаёлимдан кундузги мароқли суҳбатнинг мазаси кетмаган эди. Устимга кимдир кўрпа ёпти, “укагинам совуқ қотиб қолибсану” деган шивири қўлоғимга етди. Англаб англамай қарасам Раҳмон акам экан. У мени доимий эҳтиётимни қиларди, ҳаётда урилиб сурилиб қолишимдан безовта бўларди, кичкинагина ютуғимни билиб қолса бутун қишлоққа ошириб тошириб гапириб юрганини кейинчалик одамлардан эшитардим. У авто халокатда оламдан ўтди. Эртаси куни ўғилларимга хатна тўй қилишим керак эди. У тўйга тайёргарлик қилаётганимда келиб, болаларимни эркалаб кетганди. Сўзга жуда нотик эди. “Тўйингни даврасини ўзим олиб бораман” деб ваъда берганди. Унинг йўқлиги шунчалик билиндики, тўй бошланиб то тугагунича кўзимдан ёшим тинмади, келган меҳмонлардан ҳам ҳижолат бўлдим, кўз ёшларимни минг яширмайин уддасидан чиқа олмадим. Тушундимки мен яна бир азиз инсонимдан айрилдим. Бу қандай муҳаббат?! Бу инсон қалбини инсон қалбига бўлган муҳаббати, унинг тақдирига бефарқ қолмасликдаги ташвишли муҳаббат, қайсики бугунги кунимизда ёнимизда турган азиз инсонларимизни қадрлай ололмаётганимиздаги афсусларга бурканган муҳаббат эди.

Профессор

Анвар Жўраев менинг берадирган баҳоимга муҳтож эмас. У инсонни чет мамлакатларидаги илмий доиралар, ўз юртимиздаги жамийки илм аҳли яхши билишади. Устозим ҳақида ёзишга мени мажбур этган нарса шунчаки мақтангим келди, фахрлангим келди. Фан номзодлик диссертациямни шу инсон раҳбарлигида тайёрлаб ҳимоя қилганман. Мен устозимнинг илмий йўналишда менга ва юзлаб шогирдларига кўрсатган кўмагию, берган тарбияси ҳақида, бизлар учун куйиб пишганлари ҳақида ёзмоқчи эмасман, зеро уни кичкина сатрларга сиғдириб бўлмайди. Мен унинг инсонийлиги ҳақидаги бир заррачасини ёзмоқчиман.

Тошкентда юрган кезларимда устозимнинг олий даражадаги кўплаб хавас қилгувлик хислатларини сезардим, аммо мен бугун ўзим гувоҳ бўлмаган ва унинг яна бир шогирди, ҳамшаҳаримдан эшитган бир воқеликни айтиб берсам. Ушбу таъсирли воқелик Анвар ака ҳақида жуда кўп нарсани сўзлаб берса керак.

Кунларнинг бирида устозимнинг онаси қазо қилибди. Кун кеч бўлганиданми келаси кунги тазияга тайёргарлик қилаётган хонадонга вилоятдан вақеликдан беҳабар меҳмонлар келиб қолишибди. Анвар ака ҳеч нарса бўлмагандек меҳмонларни уйга таклиф этиб, рисоладагидек меҳмон қилибди, уларнинг кўнглига мувофиқ суҳбат қилибди. Чиройли кузатибди. Меҳмонлар эртаси куни устознинг онаси кеча оламдан ўтганидан хабар топиб ўзларидан хижолат бўлган бўлсалар ҳам керак. Анвар Жўраев мана шундай одам.... Яратган Эгам мени шундай одамларга рўбарў қилганлиги учун ҳам Унга беадад шукрлар келтираман.

Болалардек табиат соҳиб

Агар мамлакатимизда ўнта назарийчи олим бўлса улардан бир Собиржон ака Исмоилов. Агар учта бўлса, учтасидан бири шу одам. Мен бу фикрни ҳеч иккиланмай айтаоламан, чунки унинг илмий салоҳиятига кўпдан кўп марта иқрор бўлганман, академиклар ичида ғолибона чиқишларига гувоҳ бўлганман.

Ўзим инженер механик бўлишимга қарамай менга Назарий механика фанини сидқидилдан ўргатган одам ҳам шу одам. У мени талабалигимнинг иккичи курсидан бошлаб турли туман соҳаларда мавзулар бера бошлади. Учинчи курсда ўқиётганимда чигитни жиндан ажралиб чиқиш тенгламасини ўзим мустақил тузганимни яхши эслайман. Ўзиям дастурхондек тенгламалар тизими ҳосил бўлганди. У менинг бу ютуғимни ҳамма ерда гапириб юрди, илмий кенгашларда албатта эслаб ўтарди.

У менга нафақат устоз, балки отамдек ҳам бўлиб қолганди. Фарғонада қандай қийинчиликка учрасам, қандай муаммога йўлиқсам ҳамisha ёнимда эди, мен учун доимо қайғуларди.

Албатта, унинг мен тушана олмаган қирралари ҳам кўп бўлган, баъзан ичкий ҳисларим, қишлоғи тарбиям унга қарши ҳуруж ҳам қиларди. Аммо эсимни таниб билдимки, у мени нимага қодирлигим, нимага қодир эмаслигимни яхши биларди: аниқроқ қилиб айтсам у мени ўт ичига ташлагиси келмаган.

Мен Москва шаҳрида ишлаб юрган кезларим ҳам ҳамisha оилам унинг ҳимоясида эди. Гоҳ турмуш ўртоғи Майна аям, гоҳ қизи Нафиса бизникидан хабар олиб турарди. Ўғилларим

адолат талаб “шўҳлик қилишиб”, кимлар биландир келишолмай қолса Устозимнинг ўзи келиб хабар оларди.

У менга нафақат фанни, илм зинапояларини кўрсатди, балки реал ҳаётимда ҳам маёқ бўла олди. Мен ҳали ҳануз уни кумсайман, маслаҳатларига муҳтожлик сезаман.

Икки хислатли одам

Дунёда турли туман одамлар бор. Биз уларнинг айримлари билангина танишмиз ва жуда оз миқдордагиларинигина биламиз. Мен билган яна бир ажойиб инсон бу профессор Ғайрат Атахонович Баҳодиров. Ўзбекистон фанлар академиси қошидаги Механика институтида илмий котиб бўлиб ишлаётган даврларда мен шу институтга аспирантурага ўқишга кирганман. Биз у киши билан ўша жойда танишганмиз. Тошкентда борадирган жойим бўлмай қолган кезларда у мени ўз уйига ҳам олиб кетарди. У киши билан суҳбат қуриб завқ шавққа тўлиб кетардим. У менга ўқшаш укаларини руҳлантиришни, кўнглини кўтариб илмий ишлари ривожига кўмак беришни биларди. Мен унга ёзган афоризмларимни совға қилганман, уларнинг ичидан ўзига ёққан фикрларни олимлар даврасида айтиб бериб, уларга мен билан қувонганини яширмасди. Ўзимга ҳам қувона қувона айтиб бериб, уларнинг яхши ёзилганлигига ўзимни ҳам ишонтирарди. Ўша кезлардаги академияда олимлар ўртасида турли туман тортишувлар, келишмовчиликлар бўлиб турган. Мен уларнинг бир бирларининг кўнгилларига оғир ботадиган гапларини аксинча қилиб, кўнгилларига хузур берадиган тусда гапириш керак эканлигини шу устозимдан ўрганганман. “Раҳмон яраштирар, шайтон уруштирар” деган гапни юрак юрагига сингдириб олган бу одам ҳамиша келишмовчиликка

қадам қўяётган одамлар орасида яхшиликни тиклай оларди. Шунданми институтдаги барча илм ахли Ғайрат акага ҳеч иккиланмай ўз дардларини тўкиб солайверарди. Бизга ўхшаган ёш аспирантлар эса, аниқроқ айтадиган бўлсам, унинг этагига осилиб олардик. Мен кўркмай гапириб юборадиган одатим борлигидан, бир гал бир каттакон академикни “кундасидан” қутқариб қолганини ҳам сезганман. У бундай гапларни ҳеч қачон гапирмасди, роса борса кулиб туриб – “хўп ажойиб одамсиздаааа” деб қўя қоларди. Орадан йиллар ўтди. Мен Москвага кетдим. Ҳам жонажон устозим, ҳам азиз акам қаерларда юрибди экан дея кунлардан бир куни уни интернетдан қидирдим. Олий атестация комиссиясининг раиси лавозимида ишлаётган экан. Аввалига хайрон бўлдим, бизнинг шу кунларда яхши одамлар ҳам бундай даражага чиқса бўларканда–а дея ўйладим. Ўтган кунларимизни кўз олдимга келтириб, қайта тушундимки Ғайрат Атахоновичга Яратган Эгам икки ёқламалик иқтидор берган – у жамиятимиз ривожига ҳам ижод аҳли билан бирга, ҳам раҳбарлик лавозимларида туриб муносиб ҳисса қўша оладиган инсон экан.

Мен у ўша лавозимда ишлаётган чоғида Тошкентга тушиб уни кўргани бордим. Менинг Устозда ҳеч қандай юмушим йўқ эди. Шунчаки йўқлагим келди. У мени ўзоқ йиллар кўрмаган ўғлидек қабул қилди. Бу билан у мени яна бир бор ҳайратга солди. Иккимингичининг ўн биринчи йили эди ўшанда. У кезларда бундай мартабали шахслар олдида киришда одамлар “ишқилиб ҳайдаб солмасмикан” деган ўй билан кирардилар. Ҳижолат бўлишимга қарамай узоқ суҳбатлашди. Бир пиёладан чой ичган бўлдик. Устоз олдидан кўнглим тоғдек кўтарилиб чиқдим. Шу–шу у байрамларда менга табрик мактубларини

юборарди, қанча уринмайин ҳеч қачон ундан олдин табрик йўллашга улгурмасдим.

Жамиятимизда мана шундай инсонлар борлигидан кўнглимизда ҳамиша эзгуликка бўлган ишонч ришталари улғаяверади.

Одамлар жонининг ароси

Фарғонанинг Нурсуҳ қишлоғидан шаҳарга келган бир профессор бор. Ғайрат Набиевич. Фарғона шаҳри шошилинич марказида хирург бўлиб ишлайди. Уни ҳақиқий профессор эканлигини юришидан ҳам, кийинишидан ҳам, суҳбатидан ҳам англаса бўлади. Жуда содда. Табиатининг кўп қирралари ёш болаларга ўхшайди. Шу сабаб ҳам медицина институтида ишлаган чоғларида “пиҳини ёрганлар” уни кўп бўлмоғур ишларга ҳам аралаштиришиб қурол ҳам қилиб кўришган. Аммо у ҳеч бир қолипу шаклга тушмайдиган, эркин ва доимо тўғрилиқни ёқтирадиган одамлигини билганларидан кейин ўз холига қўйишган бўлсалар керак. Мен унга ҳазиломуз доимо бир гапни такрорлардим: – Ғайрат ака сиз энди Украинани эсдан чиқазинг, сиз энди ўзбеклар орасидасиз. Хар жамиятнинг ўз ҳазил – ҳузили бор – дердим. Ўзи хирург бўлсада одамларни баданини кесиш унинг учун энг ёқимсиз юмуш десам адашмадим. Хонасини таққиллатсам, – келинг келаверинг – деб мажбур олиб кириб кетади. –“Ҳей Ғайрат ака, мижозларингизни мендан тортинадиган гаплари бор бўлса хижолат бўлишади” деганимга қарамайди. Шундай пайтларда уларнинг суҳбатларини эшитишга тўғри келган. Қайсидир врач операция қилиш кераклиги ҳақида ёзиб берган бўлса, Ғайрат ака жеркиб берган ҳолатларни бир неча бор кўрганман.

Қайсар касалга кулиб — “Хўб яхши, кўймадингиз—кўймадингиз, яхши, операция қиламиз, унда сиз менга айтинг, қаерингизни операция қилайлик?” — дерди. Касал ҳижолат бўла бошлагач, “Ахир сизга операциянинг хожати йўқ, дори ва сурткилар билан яхши бўлиб кетмасангиз экан бошқа гап” деб беморни ишонтира оларди, у.

Ўн йилча бўлди, клиникага Қувасойдан Каримованинг қандайдир қариндошларидан бирини олиб келишади, касалга зудликда операция қилиш зарурати бўлган. Бир маҳал катта катта хирурглардан ҳеч ким қолмабди. Ҳаяжонданми ва ё кўрқувдан “чичқоннинг уяси минг танга” бўлиб кетибди. Ғайрат ака “яхши, мен операция қиламан” деб кириб, ундан ғалаба билан чиқди, бир ҳафтада касал онахон ва унинг қариндошлари кўллари кўксида чиқиб кетишди. У қишлоқдан келган касалларнинг ҳам дил ороми. Тушунишимча Нурсухда ким касал бўлса, аксарияти фақат шу инсонни қидиради. У ўз касали бўлса даволайди, ўзга шифокорнинг касали бўлса профессионал врачларни тавсия қила олади. Ўғлим билан, аёлим билан бўлган ҳолатлар бунга яққол мисол.

Ғайрат ака шунча билим, тажриба билан юқори лавозимларга чиқмади. Эҳтимол унга бунинг қизиғи ҳам йўқ эди. Лекин имоним комилки, ҳаётимиз устунлари бўлган шундай одамлар билангина жамиятимиз тирик, ривожли барқарор бўлишлигини менга энди ҳеч кимнинг ўргатиши шарт эмас.

Жаннат ва нос

Маҳалламизда Мисток ота деган одам яшаган. Ёши юздан ўтиб оламдан ўтган.

Яккаю ёлғиз ўғли Ғофур акам олти ойлигида унинг хотини ўлган. Бошқа уйланганида янги хотини “мен болангни кетини

ювмайман” деганида ажрашиб кетган, бошқа уйланмаган, “барибир боламга яхши қарайдиган хотин келмаса керак” – деб айтган. Ўғлини ўзи қараб, ўзи ювиб–тараб катта қилган. Боласи ҳам унинг хотини ҳам Мисток ота ўлгунича унга садоқатли қолишди.

Кунлардан бирида, мен ўспиринлик давримда, уйлариининг олдидан дадам иккаламиз ўтиб бораётган эдик, у уйидан чиқиб қолди. Бизни яхши қарши олди. Дадам билан суҳбатлашиб қолишди. Гап орасида дадам “Мисток ака носни олинг” деди. Ота 50 йилдан ортиқ нос чеккан экан, бунга кейинроқ дадам айтиб берди. Шунда Ота “Адуғўпир (дадамни Абдуғофур деб исмлашнинг ўрнига шунақа деб чақирарди, ўғлининг исмини ҳам дадамни яхши кўрганидан шу исм билан номлаган экан) бир ўқимишли одам – “нос чеккан жаннатга кирмас экан” деди, шу – шу чекмай қўйдим” – деб жавоб берди. Гапирганда кўзлари катта–катта очилиб, лаблари “ўўў” деган одамнинг лабларига ўхшаб кетди ўшанда, эгик қоматига мос юзида жилмайиш кўринди.... Ишонаманки, Мисток ота ва бу қатори инсонлар албатта жаннатда яшайдилар. Унинг эътиқоди бутун эканини хали хануз эслаб қўяман. Айниқса ўзимнинг арзимас салбий одатларимни енгишга интилганимда Мисток отани ёдимга оламан, раҳматлини дуо қиламан.

Вақтни тушунган одамлар

Ғани ака деган қўшнимиз бўларди. Кунлардан бирида далага паҳталарини суғоргани велосипедида йўлга чиқибди. Бу вақелик етмишинчи йилларнинг урра урра замонларида юз берган эди. Уч тўрт уй юриб дала томон олиб борувчи йўлга бурилди. Яна уч тўрт уй ўтиб тўхтади.

–Ўринбой, ҳорма, нималар қияпсан – дея томга лой олаётган қўшнисидан сўради.

–Томни шувоғини қилиб қўймасам кечикяпти, куз ҳам келябди–Ўринбой ака жавоб берди.

Абдуғани ака биров ўйландида, велосипедини уй олдидаги ўрикка тиргади. –Ке, бўмасам. ўзинг қийналасан, Сенга мен ёрдам бериб юбораман – дея пастдаги челака лой солиб узата бошлади...

Кун кеч бўлди, куёш алла қачон кўринмай уфқ ортига яширинган вақтгача икки қўшни астойдил ишладилар. Шу куни Абдуғани ака пахтасига ҳам бормай қўя қолди...

Бизлар гоҳ унга, гоҳ бунга “вақт етмаяпти” деб нолиб юрамиз, аслида вақт тушунчаси умуман бошқа нарса экан, уни раҳматлик қўшним Абдуғани акадан ўрганиш кераклигига шубҳам йўқ. Бундай одамлардаги вақт тушунчаси на Альберт Эйнштейн ва на классик механика олимларининг назарияларига мос келади, механик илм эгаси сифатида баралла айтаманки, улар вақт тушинчасида мутлақо ўзга назария кашф этишган, бу муболаға эмас.

Дадамнинг эътиқоди

Дадам ўн етти ёшидан “кўчага чиққан” одам. Ўша даврнинг “раисполком”ида муовин бўлиб ҳам ишлаган. Тухматдан икки йилга қамалган. У ерга киришидан олдин захарлашган, Ўлмай қолган. Кейин “РайПО” га ишга ўтиб, Россиядан вогонлаб ёғочу яна нимабалолар олиб келарди... Маҳалланинг, ўша атрофнинг энг бой одамларидан бўлган. Қўшнимиз Шокир ака уйини маҳалла одамларига масжид қилиб берганди, ҳукуматдан яширинча. Қишда уларга кўмир

тўкиб берарди. Қўшнимиз Абдугани ака уйини ёполмай ёмғир ўтиб ётганда, “Нимага томингни ёпмаябсан” –деб сўраганда, бирга эдим. У “ака пул етмади” деди. Дадам “Тахта складимга бор, шифир келган, олиб кел” деди. У дадамнинг яхшилигини ўла ўлгунча эслаб юрди.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари. Маҳалламизда Набижон акани йўл кўрсатиб ўқишга киришига сабабчи бўлган экан. У мактабни яхши ўқиган. У маҳаллар яхши ўқиган бола ўқишга киради дегани эмасди. Набижан ака дадам оламдан ўтгануча бизникига келиб турган. Хозир ҳам бизга доимо ҳурмат билан қарайди. Ажойиб одам.

Дадам бизга шу қатори ишларининг кўпларини айтиб ҳам берарди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари райсполком муовини бўлиб ишлаётган чоғлари Хайит намозини ўқитмаслик учун вакил (уполномоченный) этиб ўзимиз яшайдиган ҳудуддаги “колхоз”ларга юборибди. Унда раҳбарлар отда юришаркан. Келиб бешта колхоз раисини чақириб мажлис ўтказибди. Ҳуллас, гап бундай бўлибди. –Сизлар уйларингизга кириб кетайверинглар, яқинларингизни огоҳлантириб қўйинглар, одамларни мен ўзим қайтараман –дебди. Тонг отар чоғига яқин уй уйларига тарқалишибди. Эртаси куни дадам куёш терак бўйи кўтарилганда, отини миниб кўчага чиққанида одамлар намоздан қайтаётган экан. Бу воқеа “юқорида” ҳам қайта кўтарилмабди. Шунда мен сўрадим, бошлиқлар “нега бундай бўлди” – десалар, нима деб жавоб берардингиз? – дея сўрадим. Эээ, ўғлим жавоби тайин: –ўзр хўжайин, райондан келиб, райсларни йиғиб мажлис ўтгунича соат тўртдан ўтиб кетди, чарчаб ўҳлаб қолибман – деган бўлардим деди. Ва сўзида давом этди – Ўғлим, эл назаридан қолиш бу жуда ёмон, мендан бошқа

“уполномочлар” отини миниб масжидга кетаётган одамларни камчилаган ва бариси ёш–ёш жуварнамак бўлиб кетишди....

Мени уйлаганида етмиш икки ёшни қарши олган. Шу давргача тиним билмаган. Тенгдошлари Ғофуржон қачон масжидга чиқасан – деб сўраганларида – мени яна битта қарзим бор, кичигимни уйлашим керак – деб менга ишора қилиб, шуни узсам кейин – дер экан. Тўй ҳам ўтди. Эрта тонг янги келин қайсидир қариндош аёл билан дадамнинг олдига киришди, унинг кўлидан чой ичди. Шундан сўнг бувимга янги ички, ташқи кийимларини сўради, ҳаммомга кетди. Келиб бувимга токчадан ниманидир олиб беришини сўради, бувим носқовоғини кўтариб келди. Шунда дадам – шуни олиб кўзимдан йўқот, кўргим келмаяпти – деди ва шу шу нос чекишни ташлади. У шу давргача қирқ йилдан ортиқроқ нос чеккан одам эди. Мени тўйим куни хурсандчиликдан ичган ҳам эди. Умуман дадам ичувчи эмасди, лекин иш юзасиданми, хурсандчилик, асабийлашган кунларида ичиб турарди. Бу қилиғи ҳам ўттиз қирқ йил давом этган бўлса керагов. Ўша кундан бошлаб масжидга чиқди. Шу шу дадам на ичди на чекди, намозини варақли календарнинг куёш чиқиши вақтига қараб ўз вақтида ўқиди. Бу ҳол то ўла ўлгунича, яна йигирма тўрт йил давом этди. Бувимнинг ўлимидан ўн етти кун ўтиб оламдан ўтди, бизникига онамнинг кичик қирқини ўтказгани келган одамлар дадамнинг тазиясини ўқидилар, ўлар чоғи бир кун мазаси қочганди, ётган кўйи ҳаммадан рози ризолик сўради, ўлаётганини билди, унинг юзига хотиржам боқди...

Баъзида ўзгалар матонатига осонликча қараймиз, аммо унинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрсак бундай қатъиятлилиқ осон иш эмаслигини ҳис этамиз, ўзимизнинг арзимас ноҳуш кўникмаларимиздан ҳам воз кеча олмаслигимизни англаймиз,

биримиз бундай одамларга қойил қоламиз, бирларимиз эса қайсарлик билан “нима бўпти” деб қўяқоламиз.

Халқнинг дуоси

Мен Улуғбек Ғофуржон ўғли, минг тўққиз юз олтимиш тўртинчи йилда акамнинг хатна тўйида, сўнг, олтмиш бешинчи йилда бўлиб ўтган Эралиев Мухаммадали домланинг тўйида махалла аҳлининг дуоси билан ўн биринчи фарзанд бўлиб олтиш олтинчи йилда дунёга келган эканман. Шу тўйларда дадамнинг дўсти Расул қори Мамадалиев деган эл суйган санъаткорнинг тўйида қатнашган одамларга қарата – Ғофуржон сабаб махаллаларингизда беш–тўрт бор хизматда бўлдик, келинлар шу одамга Яратган Эгамдан бир ўғил фарзанд сўрайлик – деб дуо олиб берган эканлар. Одамлар “Омин” дейишиб дуога қўл очганларида тўйхона зирқираб кетгандек бўлган экан. Буни кейинчалик Мастура катта бувим (онамнинг онасининг синглиси) айтиб берган гапларидан бувим менга ҳикоя қилиб берган. Ушанда катта бувим –ўзинг ўлолмай турибсан–у, Ғопирингга яна битта ўғил туғиб берар эмишсан – дея аччиғланган экан. Орадан бир йил ўтиб бувимнинг айтишича ҳисобда йўқ фарзанд – мен дунёга келган эканман.

Отам Дехқонбойни кўрмаганман. Отамниг отаси Дўсмат отам Қўқоннинг Янгиқўрғон қишлоғидан бўлган. Андижон томонларга Худоёрхон фармони билан чек берилганида кўчиб келишган экан. Камбоғал Дўсмат отам ўз холасининг раҳми билан унинг бой қизи Рисолат энамга уйлантирилган экан.

Йиллар ўтиб ақлинг баъзи нарсаларга етадирган бўлиб қолганидан сўнг тушуна бошлайсан – одамларимиз дуога нақадар ишонадилар, қарғишдан эса жуда кўрқадилар, ўлганлар руҳига ўта эҳтиёткор ёндашадилар, доимий ҳурмат

бажо келтирадилар ва бу олижаноб ҳислат Оламни мавжуд бўлишига кафолат бўлса, не ажаб.



Халқнинг бундай эътиқоди имони бут одамлар қалбида яшайди, бундай одамлар эса Худога яқин бўладилар...

“Мени шундай одамлар фалакдан чақириб олишган” деган фикр билан яшаш кўнглимда ҳамиша фахр уйғотади, ўла ўлгунча уларнинг оғирини заррача бўлсада енгил қилишга интилиш орзуси билан яшагим келади. Аҳён аҳёнда бўлсада “Мени ҳам Ўзингга яқин одамларга яқинлаштиргин, Аллоҳим” дея сўраниб ҳам қўяман.

Рўзномалаштирилган варианты
Андижонномада 2019 йил, ноябр
сонида чоп этилган.

Кутиш бахти

(Навелло)

Ҳайр энди...

Ҳайр энди, сен кетдинг, бегунох оҳу.

Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!

Очилдиму сенга толе дарчаси?!

Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан

Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

А.Орипов

Қанотлари очик қолган деразамнинг тағлигига шаррос қуяётган ёмғирдан қочган мусича қўним топиб уялинқираб менга термулади. Ўз жуфтини йўқотган бу бечора–тасодифий меҳмон кимнидир кутаётгандек норизо безовталанади.

Кўча чироқларининг ёруғлик маконига бор захрини санчаётган ёмғир томчилари аламзада оҳангда ниманидир кўшиқ қилиб айтади. Сокин ва қўзғалмас, чуқур ўйга толган



ойдинлик эса кимнидир кутаётгандек, улкан босиқлик билан унинг найзаларини шаффофлик борлиғида ўтказиб юборади. Ҳар қандай ёвузликни ҳам ўзининг улкан гирдобига оҳиста ютиб юборгувчи ва шу дамда имиллаб ўтиб бораётган вақтдир, эҳтимол унинг кутаётгани.

Мусичани чўчитиб юбормаслик учун ўрнимдан жилмайман, аниқроғи жилгим келмайди. Ўша ниманидир кутаётган борлиққа сингиб кетгим келади...

Ўша кун... Мен учун бир умр кутишга айланган келажакнинг бошланиши. У «Кетинг!»— деди. Мен ўз

қишлоғим одамларидан ўзгага турмушга чиқмайман. Сизни деб ўша кунларимдан нолибман—а. Энди билсам у кезлар мен учун энг бахтли дамларим экан, «Кетинг!» Менга совуқ термулади. Бу нигоҳ замирида эса «дунёдаги энг разил одам сен экансан» деган маъно ётарди. На чора, хамма хам мусибатни сокингина кутиб ололмайди. Унинг сочаётган захри ўша, кунглида кечаётган ғалаённинг намунаси эди. Гўё у бу мусибат учун хаммадан ўч олиш ҳуқуқига эга эди. Аммо бу ҳуқуқ унга берилганми, йўқми, бу уни энди асло қизиқтирмасди.

Аввалига мен уни шу алпозда ташлаб кетгим келмади. Лекин вужудимда кимдир мени кетишим зарурлигини айтади:— «Токай унинг олдида ўзингни ерга урасан»— дея уқтиради. Аммо яна ўша вужудимнинг қайсидир бир четидан «ҳозир у нима деяётганини ҳам билмайди, ахир, кетма! Сен унга кераксан! — дея буйруқ беради. Жисмимга сингишга улгурган одатларим эса унинг қўлларини тутмоқни ихтиёр этадилар...



Қизик, севиб, ишониб кўнгил берган одамнинг сени ўз ҳузуридан хайдаса—я... Шу онларда мен бир эмас уч номаълум мавҳумлик орасида сарсон эдим. Худди парчаланиб кетгандек. Балки бу, адолатсизлик қаршисида ўзликни ҳимоя қилишнинг энг олий нуқтасидир. Номаълум бу учлик кўзғолони курашишнинг ичкий ибо ҳукмига яширинган сирли йиғинидир, эҳтимол. Билмадим, лекин мен унга нима ёмонлик истагандим? Бу савол, аниқроғи унинг жавоби вужудимни ёндиради. Унинг келажак ҳақидаги мушоҳадаси мен учун энг оғир жазо эди.

«Нега ундай дейсан? Сени нима деб аташгаям ҳайронман. Менинг учун дунёда жамийки эзгу сўзларни айтишга ошиққан шу забонинг эмасмиди? Ҳамиша йўлларимга нигорон булгувчи шу чехраларинг эмасмиди? Улар бугун наmunча сўлгин. Намунча ёлғончи? Нахот шу танлаган йўлингни тўғри деб ўйласанг? Афсус. Албатта мен сени тушунаман, сенга жуда қийин. Меҳрибон кишисини йўқатиш, унинг жасадини тупроққа кўмиш ўта оғир иш. Сенга жуда–жуда ачинаман. Ҳаммасидан ҳам, унинг билан бирга ўз–ўзингга тупроқ тортаётганингга ачинаман. Аммо бир нарсани тушунсанг бўларди. Сен у ерда узоқ қололмайсан, чунки сен тириксан. Тириклик ғами эса сени у ердан вақт ўтиши билан ўрмалаб чиқишга мажбур қилади. Сўнг дунёда энг яқин кишингни излай бошлайсан. Лекин бу йўлда ёлғиз қолганингни пайқайсан. Кўнглингда мухаббат учун ажратилган ошён кимсасиз қолади. Меҳрибонларинг эса сенга ёрдам бераолмайдилар. Чунки сенинг қалбингни ҳам ўз хўжайини, ўз хукмдори бор. Наҳотки шу оддийликни тушунмасанг. Сенга жуда–жуда раҳмим келади. Мен эса сен излаган одам бўлишим мумкин эди. Чунки иккимизнинг ўртамизда ҳеч қачон ҳеч нарсага сотилмайдирган мухаббат бор эди. Сен эса мен учун керак эдинг. Ха, кераксан! Шу сўз сенинг номингагина ярашарди.

Тунларнинг бирида Сени тушимда кўрдим, бир дугонанг билан бирга эмишсан. Бино шифтида ўтирибсан, тинимсиз қуяётган ёмғирда ҳамма ёғинг ивиб, шалоббо бўлиб кетганмиш, кўзларингдан тинимсиз ёш оқади, ҳолатинг жуда сўлгин ва аянчли эди. Ён тишларингдан иккисига тилло қўйибсан. «Ҳаммаёғинг ивиб кетибди–ку»–дея бошингга рўмолчамни ёпардим, аммо у сенга ёрдам бераолмасди, у ҳам

бир онда улкан куч олдида шалоббо бўлдию қолди. Орадан уч кун ўтиб сен учун дунёдаги энг яқин кишинг оламдан ўтди. Сен эса бутун ўтмишимиздан воз кечдинг. Айни сенга керак бўладиган вақтларимнинг ибтидосида мени керак бўлмайдиган нарсасдек улоқтириб юбординг. Бир мусибатингни иккига айлантирдинг.

Ўрнимдан туриб унга бу сўзларни айтмоқчи бўлдим. Лекин у бари-бир буни тушунмасди. Ўтган кунлар қувноқлиги, дард, изтироблари бугун унинг жисмида ўт бўлиб ёнарди. У шу дамда на фақат ўзининг, балки бутун олам устидан ҳам тупроқ тортишга тайёр эди. Ўша кезлар дунёга қувноқлик кўзи билан қарашни ўрганган бу қизча, бугун унинг қувноқлигини тан олмас эди. У шу дамда ҳеч кимни таний олмаслик маконидан қўним топганди.

Оҳиста ўрнимдан турдим. У менга орқа ўгириб тураркан, сўнгги бор унга махзун термулдим.



Эшикдан чиқиб борарканман, гўё оғир бир юк судраб бораётган одамга ўхшардим. Қадамларим сони ортгани сайин юк золвори мени ортга тортарди. «Қолишинг керак» дея уқтиргувчи мавхумлик эса энди вужудимда йўқ эди. У хали қизнинг кулбасини тарк этмаганди. Усиз мен энди шунчаки жисм эдим холос. Ўша мавхумлик менинг жисмимни гўё уммонни сув тўлдириб тургандек тўлдиргувчи эканини пайқай бошлагандим. У хаётимнинг етакчиси бўлган, қалбимдаги меҳр эканини, дунёда ҳеч бир нарсага тенглаштириб булмайдиган беназир инсон мухаббати эканини афсуски, эндигина тушуниб турардим. Уни энди

вужудимга қайтариш ҳам амримаҳол эканини тобора қўрқинч билан сеза бошладим: Сувсиз уммонларни денгиз демайдилар, меҳру мухаббати йўқотилган кимсаларга эса табиат ҳозирча ном қўйган эмас, яна билмадим.

Мени ортга тортаётган вужудимнинг бу «мажрух парчаси» ўжарларча унинг сочларини силарди. «Йиғлама»— дерди унга, оҳиста кўз ёшларини артарди ва ўзини унинг билан кетиб бораётган кўнгил ўртасида сарсон эканини яширмасди: — «У энди хамиша кутиб яшайди.



Йўқотилган қалбини, мухаббатини кутади. Вужудига қайтиб келишини истаб зорланади. Кутиб яшайди—ю ишқилиб келиб қолмаса деб яшайди. Чунки унинг йўқотганини сен эмас ўзга биров топиб келтиришини ҳеч ақлига сиғдиролмайди. Сен эса, энди унинг учун, борлиқдаги рўёсан. Олисларда жилға бўлиб кўринган саробсан. Вақтлар ўтиб сен кимгадир ўзгалар инъом этган мухаббатни—ўзга бир кўнгилдан ўғирлаб олган ёлғон мухаббатингни ҳадя этарсан. Алдаб ҳам яшарсан уни. Аммо у ҳеч қачон бундай қилолмайди. Ҳеч кимни алдаб яшамайди. Аксинча ўғирланган, йўқотилган меҳру мухаббатини тополмай изғиб юрганини баралла айтиб яшайди. Сен уни, унинг сенга ишониб топширган мухаббатини, қалбини мана шундай дарбадарликка ташлаб юбординг. Нима бўлганда ҳам бошига бало бўлдинг. Айрилиқ гирдобига ютилиб кетган ошиқлар ҳатто кекса ёшларида ҳам бир—бирларини соғиниш, қумсаш билан лаззатли онларини эсга оладилар, лекин сен шу ўтмишимизни ҳам ғам андуҳга ўраб юбординг. Сендан унга эслашга арзигувлик ҳеч вақо қолмади. Қолгани эса

мавҳумликка шипалиб кетди. Шунчалик ҳам бағритош бўладими одам.

Зиналардан хар бир поғона пастлар эканман, мухаббатнинг сўниш палласи ҳаёлимда изғийди, безовталанади, жон таслим этаётган ожиз кимсани эслатади. Ўзимни мажбурлайман—“сен ҳамма нарсага қодирсан, энди кетишинг керак, агар яна шу даргоҳга мухаббат илинжида келсанг, ҳар бир келишинг сени пасткашлик ботқоғига тобора чўктира боради. Кет энди! Одамлар ўз имконидаги нарсаларни қадрлай олмайдилар, қадри йўқ нарсаларни эса ҳамиша шундай қилишган. Қолаверса ҳақиқат одам боласи интилган мавҳумликдир. Забт этилган мавҳумлик эса ойдинлик, қайсики у ерликлар учун ҳеч қачон ҳақиқат бўла олмаган. Кетишинг керак. Токи сен ҳам унинг учун абадий мавҳумликка айланиб қолгин”.

Хонанинг машум бурчагидан илуғлик ёмғиртусгичимни оламан. Академия ётоқхонаси зиналаридан оҳиста пастлаб бораман. Юрагим зирқираб оғрийди. Эшикдан чиқаман—у, баҳорнинг намиққан хавоси қоронғуликни алдай—алдай димоғимга урилади. Ҳиёбонда ҳеч ким қолмаган. Оҳиста юриб



бўм—бўш бекатга етаман, уч—тўрт одами билан охирги тролейбус ҳам ўрнидан қўзғалади. Ёмғир эса ёр—ёрни куйлайди, худди болалигимда онам айтиб берган ёр—ёрни. Кимнидир кутгандек бўламан. Ортимга қайтаман. Ёмғир билан ўйнагим келади. Ёмғиртусгичимни ҳам тутмайман. Ортада қолган бекатда менга кимдир термулиб тургандек бўлади. Гўё унинг инжа табассуми, аммо мен ортимга қарамайман. Чунки

“ёлгончилар келишмайдилар”—дея хаёлимдан ўтказаман. Рўё эса ҳамон ўжарларча термулади. Кўзларида ёш, ҳандон отиб кулади. Аммо садоси эшитилмайди. Кўнглимга алланечук араз келади:—“Кет! менинг хаёлимни тинч қўй. Мен ҳам сенинг хаёлларингдан кетаман.” Шу дамда узук—юлук сатрларни ўқигим келади.

Аро бергил сочларингга, мўнис, гўзал юзингга
Олиб берган атримни сепиб ол яноғингга.
Фақат мени эсга олма, “ёлгон”—де хаёлингга
Лабларимнинг изи йўқ, ишонма дудоғингга.

Ёмғирли осмонга термуламан. Йўқликни кўраман, у билан гаплашаман. Одамлар яқин келажак ичра келгувчи яқинини кутади ва ундан бахт ҳис этадилар. Мен эса қалбимни кутаман, йўқотилган бечора, содда қалбимни. Уни кутиш бир умрлик бўлишдан сесканиб кетаман, қўрқув босади. Ўзимга ўзим қайта таскин яратаман: «Менга мана шундай бахтни—кутиш бахтини насиб этганингга шукур»—дея шивирлайман.

Жисмим кенг майдондан шу алфозда қалбимнинг улкан дардли нараси ила пинҳона ғойиб бўлади.

ЖАМИЯТ



Бизларни қадимий алмисоқдан қолган ўзга миллат урфларига етакламоқчи бўлганлар тушинишлари ва қабул қилишлари шарт: жамиятнинг ҳар қандай моддий ривожини манавий тушинчаларнинг у ёки бу тарзда ўзгаришлари эвазига юз беради. Уни бошқа оладиган манбайи йўқ. Манавият меъёрлари эса давр билан ўзгариб, аниқроғи силжиб боради. Олайлик, юз йил олдинги ташқи кўринишимиз билан бугунимизни таққосланг. Бу ерда муҳими табиат қонунларига зид иш тутмаслигимиз керак холос.

Ушбу бўлимда келтирилган фикрларнинг барчаси ижтимоий тармоқда эълон этилган

Ўқитувчилик касбига қўйилган исканжа

Одам Атонинг биринчи устози Яратган Эгам бўлди. У Жаннат боғида ҳам Одам тақдирига хавф солгувчи борлигидан огоҳлантирди. Бу воқелик Олам Устоз – шогирд муносабатларидагина ривожланиб боришининг ошкора ва инкор этиб бўлмас факти бўлиб қолди. Бизнинг давримизгача ушбу муносабатлар ўзининг турли туман кўринишларида намоён бўлиб келди ва келмоқда. Янги педагогик технологиялари тарих сабоқларини тизимлаштиришга интилоқда. Биз яшаётган ҳудудларда пир – мурид шакли кенг тарқалган эди. У ўз даврини ўтаб бўлди. Чунки энди мурид (шогирд) нинг ўз эгоси (манманлиги)ни йўқотиш учун ит билан бир косада овқатланишига ундаб бўлмайди. Ахборот оқими зичлашиб боргани сайин бир мақсадга интилиш концентрацияси ҳам шийпалиб бораверади. Ҳозирча янги давримиз одамининг мақсад бирлиги йўлида интилишига ундовчи услуб ва технологияларининг ягона оқимини ҳосил қила олгани йўқ.

Олий та‘лим муассасалари кўпайиб бормоқда. Сифат эса кескин тушди. Бу табиий жараён. Тармоқларда та‘лимнинг бундай кўриниш олишини кескин танқидчилари ҳам бекорга юзага қалқиб чиқаётгани йўқ. Уларнинг танқидларида жон бор. Аммо улар масаланинг бошқа бир жиҳатини инобатга олмайдилар. Биринчидан мамлакатимизда бозор муносабатлари эндигина шаклланмоқда, айрим соҳаларда бу ўзгаришлар ҳатто монотонлигини йўқотиб ҳам қўймоқда. Бу нимани англатади, яқин йилларда мутахассисларни бозорнинг

ўзи танлай бошлайди. Иккинчи жиҳатини эса бир тарихий воқелик билан айтиб бераман.

Тошкент то‘қимачилик ва енгил саъноат институтида ишлаган кекса устозларимдан шу институтнинг ректори бўлиб фаолият юритган, аёллар орасида дунё даражасида э’тироф этилган биринчи академик Маҳсуда Ҳоджинова ҳақида эшитгандим.

Опа етмишинчи йилларда институтда ўқиш учун ариза топширган қизлар рўйҳатини сўрар экан. У даврларда



институтга ўқишга келган қизлар жуда–жуда озчилик бўларди. Улар ҳақида қишлоқларида ноилиқ гаплар тарқаларди. Ота–оналарнинг аксари қизларини олий ўқув юртларига ўқишга юборишмас эдилар. Хуллас қизларни йиғиб хонасига таклиф этаркан, қабул комиссияси ҳодимларини чақириб топширишлари керак бўлган тўртта фандан ёзмаларини ёздирар ва сўнг “ма болам, қўл қўй, сен ҳам қўй” – деб қабул комиссияси а’золарига баҳоларини қўйдириб, қизларга мурожаат қилиб, уйларига қайтишларини, август ойининг охирларида келишиб ўзига учрашишларини сўраб жавоб бериб юборар экан. Шунда опанинг шогирдлари – “Опа шу рўмол ўраб калиш, лозим кийиб юрганлардан инженерлар чиқармиди?” дея кулгу мазмунида сўрасалар, Опа уларга – “болаларим бу қизларимдан инженерлар чиқмаслигини биламан, аммо уларнинг фарзандларидан албатта инженерлар чиқади” – дея жавоб берган эканлар.

Хулоса ўрнида айтишим мумкинки, ўша кезларда Маҳсуда Агзамовна ва у қатори фидойиларимиз аёл–қизларимизнинг жамиятдаги ўрнини ошишига тамал тошини

қўйган эканлар. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлардаги жамият қурилишида қатнашаётган аёлларнинг фоиз ҳисобидаги улуши қолоқ мамлакатларга нисбатан жудаям салмоқли.

Юқоридаги келтирилган икки факт ёшларимизни олийгоҳларга имкон қадар кўпроқ жалб этилишидан фожеа ясаш яхши эмас. Президентимиз “олийгоҳлар мактаб битирувчиларининг эллик фоизини қамраб олишлари зарур”лигини такидлаганида стратегик аҳамиятли муаммонинг ечимини ўйлаганларига ишонаман. Тўғри, бизлар бугун талабаларимизни кўпларини етук мутахассис қилаололмаслигимиз мумкин, аммо фарзандларимиз институт нима, унинг ташкилий тузилмаси қандай, нималарга аҳамият бериш керак, қайси фан нимани ўргатади, улар қайси муаммолар учун қўлланилади – каби бир қатор, улар учун мавҳум бўлган қоидаларни ўрганадилар, келгусида фарзандларининг тарбиясига уларни қўллай олишларини ҳеч йўқ билиб оладилар, та’лимда қайси йўлдан бориш кераклигини англаб етадилар. Ҳоджинова она айтганларидек, уларнинг ўзлари улгурушмасалар, фарзандлари албатта етук мутахассислар бўлиб етишадилар.

Бугун бизлар келиб қолган ўта мушкул вазият бугуннинг ўзида пайдо бўлган эмас. У бир неча йиллар илгариги босган қадамларимизнинг маҳсулидир. Талабаларимиз ҳам бугун шундай ҳолда бизларга келиб қолганлари йўқ, уларнинг ҳам бизга етиб келгунларича бўлган ўз тарихий ҳақиқатлари бор. Шу мантиқдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, келгуси йиллардаги ривожимиз бугун бизлар қўяётган қадамларга, танловимизга боғлиқ. Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” мазмунидаги чақириғини

эшитган, ўқиган одамнинг вужуди жимирламасдан қолмайди. Унда “таълим–тарбия” жумласининг бирга ишлатилиши ҳам бежиз эмас. Менинг тушунганим шуки, биз талабаларимизга отадек қаттиқ қўл бўлсак, онадек меҳрибон бўлишни ҳам уддалашимиз керак.

Қайсидир факультет йиғилишида айрим устозлар деканат маъмуриятидан талабаларга қаттиқ қўл бўлишликни сўрашгани эсимда. Бу тўғри. Аммо қаттиқ қўлликнинг ўзи билан бирор бир натижага эришиб бўладими? Бугунги ҳолатимиз бунга жавоб бераоладими? Бугун факультетларда минглаб талабалар мавжуд. Уларнинг муаммолари турлича, қарашлари турли. Деканатдаги тўрт–беш ходим қай бирини ўрганиб, қай бирига қандай ёндашув кераклигини аниқлай олишга имконлари борми? Шу маънода айтиш мумкинки, муаммоларнинг асосий



қисми аудиторияларда, кафедраларда ечим топади. Деканат ходимлари талабаларнинг муаммоли ҳолатларини ҳал этса ҳам жуда катта натижа: ётоқ хона масаласи, тўлов шартнома масаласи, оилавий муаммолар... Кафедралар ўқитувчиларида эса талабалар билан мулоқот вақти кўп, талабалар билан улар қабул қилишлари мумкин бўлган фарматда (Отадек, яқин дўстдек, акадек...) суҳбат қурушлари мумкин. Гарчи, бугунги ҳолатимизда, талабаларга фанларни тўла ўргатиш мушкул бўлсада, уларнинг онгига яхшиликларни сингдириш мумкин. Уларга инсоний меҳр кўрсатиш ҳаётларига янада кўпроқ мазмун бағишлашига ишонаман, агар улар бизнинг қарашларимизни бугун тушунишмасалар келгуси ҳаётларида, ҳаётнинг иссиқ–совуғини татиб кўрганларидан сўнг албатта тушуниб етадилар, сизу бизнинг гапларимизнинг туб

моҳиятига кириб борадилар, кейинги ҳаётларини қандай ўтказишлари ҳақида мустақил хулосалар чиқара оладилар. Ёдимиздан чиқармайлик ўттиз йил пайҳон қилинган тармоқ беш–тўрт йилда тикланиб қолмайди.

Дарсда уҳлаб қолган талабани уйғотиш мен учун эмас. Уларнинг аксарияти қаерлардадир ишлайдилар, оиласига кўмак берадилар. Уни уйғотиб, асабини бузишдан кўра, “домла келябти, тур” деган ёнидаги дўстига – “уйғотма, нима қиласан уйғотиб, чарчаб қолганидан кейин ухлайдида” – деб айтганим маъқулроқ. Бу ёндашув нафақат тартиб бузувчини, балки бутун аудитория муҳитини мутлақо ўзга ирмоққа буриб юборади. Уни уйғотиб бирор бир нарсага ўргатиш амри маҳол, аммо вақтики келиб улар бу воқеликни албатта эзгуликда ёдга оладилар...

Телефон ўйнаб ўтирган талабаларни кўриб албатта ачинасиз. Аммо ақли шуурига ўрнашиб қолган фикрни қандай қилиб чиқариб юбора оласиз. Шундай ҳолларда айтиш мумкундир – “Ўқинглар, ўрганинглар деб мен ҳам айтишим мумкин. Аммо айтмайман. Чунки бу сўзни эшитавериб зода бўлиб кетгандирсизлар. Мен сизларга бошқа бир нарса айтай – Ота–оналарингиз шу ёшга қадар сизларни ювиб, тараб, едириб–ичириб катта қилишган. Ўқитиш учун, келиб кетишингиз учун пул ҳам тўлашаётган бўлсалар керак. Бугун улар – “болам ўқияпти, катта одам бўлади” – дея осмону фалакларда учиб ҳам юришган бўлсалар керак. Сизлар уйдан чиқиб келаётганларингизда “ўқишга кетябман”, уйларингизга кириб борганда “ўқишдан келаябман” деб кириб борасизлар. Уларни, сизлар учун борлиғини бераётган одамларни алдасангизлар, уларга уялмасдан ёлғон гапирганларингизда мен қандай қилиб сизларни бирор бир ўғитга ишонтира

оламан. Жонзотлар ичида одамгина ўзига–ўзи чек қўя олиши, уялиш ҳисси борлиги билангина индивидлигини сақлаб қолади. Ушбу хислат бўлмаган одамга нима ҳақида гапириш мумкин. Оиладаги яқинларига ёлғон гапиришдан, виждони олдида уялмаган одамга менинг айтган гапим нимани ҳам англатиши мумкин”.

Ёшларимизнинг табиатида нуқсонлар кўп. Баъзи бир ҳолларда юз бераётган воқеликларга чидаб туруш жуда қийин. Айтайлик ўқитувчисининг асабини осмону фалакка олиб чиқиб, ҳолатини видеотасвирини ижтимоий тармоқларда тарқатганлар йўқми, бор. “Анави қизга тўрт баҳо қўйибсизку, менга ҳам тўрт қўйиб беринг” дегувчи ўзини қиз болага тенглаштирувчи йигитларимизчи йўқми, бор. Касрни каср сонига қўшишни билмаган ҳолига ўқитувчидан “бизда модул–кредит тизими бажарилмаяпти”, ёки “ҳеч нарса тушунмаяпман” дея эътироз билдиргувчи талабаларимизчи, йўқми, бор. Аслида институт маъмурияти талабалар ортиқча маблағ тўламасликлари учун тизимга баъзан ўз имкони доирасида айрим кичик ўзгаришлар киритаётганларини биладими, улар? Йўқ. Оталаримиздан қолган – “Йигит киши кўчада лафзи билан юради” – каби ўғитларини унутяпмизми. Албатта, автобусга чиқсангиз ирғиб ўринларидан тургувчилар ҳам улар. Оиласига ёрдам қилиш истагида тунги сменаларда ишлаётганлар ҳам улар. Улар турли туман...

Шу маънода, уларни дарсга келишларига ва сизни тинглашларига эришсангиз шунинг ўзи ҳам бир натижа. Тўғриси ҳам шу. Уларни тушунишдан ўзга чорамиз қолмайди.

Олтмиш соатлик дарс жараёнида олтмишдан тўқсонгача турли туман фикрлар айтилади, уларнинг дарсга тўғридан–тўғри алоқаси йўқ, аммо дарс мавзусига мос тушувчи инсоний,

рухий, фалсафий мисоллар бўлади. Бунинг учун саксон дақиқаликнинг бор йўғи уч ё тўрт дақиқа вақти талаб этилади. Ўнлаб дарс мавзусини ифода этувчи тарбиявий мисолларнинг қайсидир бири аудиториядаги ўнлаб талабалардан қайсидир бирининг юрагини чертиб ўтади, бу ҳол унинг келажақдаги тақдирини белгилаши мумкин.



Талабаларимизнинг бугинги ҳолати кўпроқ мактабларга бориб тақалади. Мактабларимизда эҳтимол фанларни ўзлаштирилишига қараб лигалар ташкил этармиз. Беш, тўрт, уч баҳога ўзлаштирганлар алоҳида лигаларга бўлинса, йил якунида ўқувчилар ўзлаштириш даражасига қараб лигаларини ўзгартиришлари мумкин бўлади. Жорий йилда талабаларга стипендия масаласида бу усул қўлланилди. Қолаверса, еттинчи синфдан кейин ўқувчи танлаган йўналиш бўйича груҳларга ажратилиши керакдир. Илм йўлини танлаганлар илмга, касб–хунарни танлаганлар касб–хунарга ва албатта чет тилини мукаммал ўргатилиш асосида. Аниқроғи мактаблар ўқувчи талабига кўра ўқита бошлайдилар. Бунда маҳаллий усталар амлиёт дарсини ўтаб берадилар. Бу тадбир “топшираверайчи, кириб кетарман” деган фикрда институтга хужжат топшираётганлар сонин қисқартиради, мамлакат бўйлаб абитуруентларнинг умумий даражасига салбий таъсири камаяди, “дарсда “йўқ” қўйиб қўймасин” деган илинчда шунчаки қатнашаётган талабалар сонини қисқартиради. 11–синфни битирган касб–хунарли ўқувчилар эса шу тариқа ўзларига ўзлари иш топиб кетаверадилар.

Айтишим мумкинки, Президентимизнинг ўқитувчилар учун чиқараётган қарор ва фармонлари албатта одамни мамнун

этади. Аммо қарорлар билан ўқитувчининг жамиятдаги нуфузи ортиб қолмайди. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчиларининг қалбида бир умрга қола билишлари керак. Дарсни тўла ўзлаштиришларига илож топа олмасалар, унинг ҳар бир ўтган дарс соати юксак санъат асаридек янграши зарур. Бугунги ҳолатимиз шуни тақозо этади.

Вақтики келиб бизлар ҳам ривож топган мамлакатлар қатори дарс соатларини фақат илм – фаннинг юқори талабларига асосланиб ўтармиз, унга интилармиз, аммо бугун илмга, билимга муҳаббат уйғотмасдан туриб, инсоний тарбия бермай туриб, тобора мураккаблашиб бораётган дунёда миллат сифатида яшаб қолиш мумкин эмаслигини ўқувчиларимизнинг фитратига сингдирмас эканмиз бирор–бир натижага эришишимиз мушкул.

Фарғона шаҳридаги бир неча хусусий мактабларда, ўқув марказларида бўлдим. У ердаги илмга бўлган чанқоқ фарзандларимизни кўриб кўз қувонади, бу давлатимиз томонидан ўтказилаётган ислоҳотларнинг яққол ифодаси. Халқаро сертификатлар олган ёшларимизнинг сони бир–икки йил илгари ҳам олти–етти минг бўлган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич юз мингдан ортибди, беш тўрт йил илгари бу натижани тасаввур ҳам қилиб бўлмасди, ахир.

Уларда, илмли бўлсам илғор мамлакатларга бориб ишлайман – деган орзулари ҳам бордир, бу ҳам бошланиши учун жуда катта натижа, вақтики келиб улар ҳам ишданда, даромадданда муҳимроқ нарсалар борлигини тушуниб етадилар. Касбга бўлган профессионализмгина ҳаммасини ҳал этишини англайдилар. Ишонаманки, *Профессионализм – инсоннинг моддий–касб маҳоратини руҳий мақомдаги кўринишидир.*

Яна бир муҳим гап. Бугун инсоният ўндан ортиқ глобал муаммолар исканжасида ётибди. Улар бир авлод билан ҳал этилмаслиги жаҳон оммасига бир неча ўн йилликлар аввал маълум бўлган. “Қад ростлаб улгурган ва қад ростлаётган муаммоларни келажак уч, тўрт авлод болаларимиз ҳал этиши мумкин” – деган хулоса ҳам қилинган. Ҳақиқатдан ҳам, уларнинг ечими икки–уч юз йилликни қамраб олиши мумкин ва инсониятни бор ёки йўқ бўлиши масаласини ҳал этади. Улар, айниқса ривожланган мамлакатлар мактаб тизимида кескин ўзгаришларни амалга оширмоқдалар. Ўқитишнинг STEAM–EDUCATION технологияси ушбу мақсадни амалга оширишдаги илғор технологиялардан биридир. Унинг мақсади фанлараро алоқа, интеграция ва конвертациясини амалга оширишдан иборат. АҚШ да бундай мактаблар саксонинчи йиллардаёқ ташкил этилган. Улар 6–7– синфликларидаёқ ўйин сифатида салмоқли илмий лойиҳаларни амалга оширмоқдалар. Муҳими бу мактабларда иккинчи, учинчи авлод вакиллари етишиб чиқишга улгурди. Тўғри, бу мактабларда тарбия олган болалар одамовироқ бўлиб қоладилар, аммо бу бир муаммо қолганларига барҳам бериши мумкин.



Юқорида “муаммолар исканжаси” деган жумла ишлатдим. Аслида бу исканжа ўқитувчилик касбини курашга чорлаган исканжадир – профессионал муаллимларгина маъсулиятни сеза оладилар, уларгина тенгсиз Профессионалларни тарбиялай оладилар. Демокчиманки, Устозлик бу шунчаки касб эмас, оилани тебратиш учунгина танланган бир юмуш ҳам эмас, бу шулар билан бир қатордаги,

уларданда улугроқ бўлган, глобал муаммолар исканжаси устидан ғолиб этилиши талаб этилаётган масулиятли касб ҳам. Муаммоларга қарши кураша оладиган авлодларни жамиятга қўшиш мақсадига бел боғлаган яккаю ёлғиз касб ҳамдир.



Проектная деятельность в
молодежной среде:заочные...



Мен олий таълим ўқитувчисиман – бу фикрларни баён қилиш қанчалик ноқулай бўлсада, шунчалик зарур ҳам деб билдим. Қолаверса, ушбу фикрлар аслида бизлардан кўра кўпроқ мактаб ўқитувчиларига тегишлидир,

ЭҲТИМОЛ.

Тинчлик ва ривож бизларга доимий ҳамроҳ бўлсин.

Айтилмай қолган гаплар

Қиш фасли эди. Андижон машинасозлик институтимизга меҳмонлар ташриф буюришди. Улардан бири Президент маслаҳатчиси, бири давлат хавфсизлик хизмати ходими, яна бири шаҳарнинг қайсидир бир мачит имоми. Сўз Ватан ҳоинлари ҳақида борди, аниқроғи кимларнингдир пули эвазига одамларга родикал ғоялар ёзилган варақалар тарқатиб юрган ва ҳибсга олинган ва қочқинда юрган фуқаролар ҳақида борди. Фактлар кўрсатилди. Мавзу ўта долзарб экани суҳбат оҳанггидан шундоқ сезилиб турарди. Маслаҳатчи мавзунинг борки тафсилоти билан таништириб бўлди. Унинг росмана куйиб ёниб тургани ҳам баъзида эса ғазаблангани ҳам кўзларидан билинарди. Сўнг ўқитувчилардан сўзга чиқиб ўз фикрларини баён қилишларини сўради. Менингча кимдир тайинлаб қўйган одамлардан ташқари ҳеч кимнинг мавзуга аралашгиси келмади. Тайёрланган сўзчилар “маслаҳатчига вада беришди, бефарқ бўлмасликка” – ўз борлиғига бефарқ бўлмасликка ва уни ҳимоя қилишликка кимгадир вада бериши қулгили ҳол, албатта. Маслаҳатчи биздан аслида илғор ғоялар ва ёшларимизни ўзига жалб этгувчи инсонпарвар фикрлар билдиришимизни кутгани аниқ, чунки уларнинг сўзини бўлиб “менга вада бериш керак эмас” деди ва қўшиб қўйди – “Ўзбек арабларга ўхшаб кўчаларимизни тўлдириб юрса наҳотки сизларга алам қилмайди?!” – дея куйинди. Яна бир йигит сўз олиб телевиденияда сериалларни ўзларига қулай бўлган вақтда берилишини сўради. У меҳмонлар кетганидан сўнг ректордан сўкишга ўхшаган танбеҳ ҳам эшитди. Маслаҳатчи “сизлардан талабалар яхшироқ экан” деб икки юз кишилиқ

аудиторияни тарк этди. Хуллас, иддао шуки, тушунгани билан, ҳис этмаган одамга бирор бир нарсани айтиб ҳайрон қолдириш мумкин эмас. Уйга келиб бу мавзу менга тинчлик бермади, ўз фикрларимни баён қилгим келди. Аслида бу фикрларни ўша жойда ҳам айтсам бўларди, ёши улуғ инсонлар олдида сўз олишга истиҳола қилдим.

Инсон жамияти яратилибдики дин, Худо билан чамбарчас боғлиқ. Чунки олам сиру синоатга тўла, саволлар кўп, Худо эса абадий пинҳон. Шунинг учун ҳам бугунги кунда биз яшаётган дунёда ўн мингдан ортиқ динлар ва диний оқимлар мавжуд. Барчаси ўзига тўғри. Аслида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Гарчи Худо ягона бўлсада, одамларнинг ҳар бири уни ўз онги ва ўз тасаввурлари билан қабул қиладилар. Одамлар эса кўп. Шундан бўлса керак – “менинг ўз Худойим бор” – деган гап пайдо бўлган. Бугун Давлатлар уларнинг ҳеч бирига қарши уруш эълон этгани йўқ, фақат радикал ўзгаришларни талаб этувчи ва жонзот жонига қаст қилувчиларидан ўзга – бу эса ҳақиқат – аҳир мен ҳам, бошқа ҳам ўзгаларга ҳалақит бермай, қабул қилинган қонун ва виждон меъёрларига асосланган ҳаёт тарзимизни юритишим керакку.

Бундай инсониятга қарши ғоялар нега динни маёқ қилиб олганининг ўзи мантиқсизликка олиб келади: Худога ишонасанми, ишонайвер, оҳирот ҳисобини кут, ишонмайсанми, ишонма, унда Худонинг номини сотма.

Мен интернет тармоғида олти–етти йил турли туман одамлар кўтарган мавзуларга ўз фикримни билдириб келаман. Юқоридаги типларга ҳам кўп бора фикр билдирганман. Ҳозир улардан айримларини келтираман.

Бири ёзибти, “агар эркак сақол қўймаса бизнинг шаҳвоний ҳисларимиз ўйғонади”. Мана ҳалооос. Унда аёлларни ўраб

қўйишларини қандай тушунасиз. Эллик қават латтага ўраб қўйсангиз ҳам бундай ўзини ушлаб тура олмайдиган нозик “эркак” – “ичида нима бор экана” – деб тамом бўлар эканда. Унда диннинг “нафсга қарши жиҳод–жиҳодлар ичида энг буюгидир” принципи қаёққа кетди.

Яна бири ёзибти, кўп хотинликка руҳсат бериш керак. Кўп хотинликка Қуъронда руҳсат этилганми йўқми буни дин олимлари айтиш керак аслида. Аммо на интернет тармоғида ва на телевиденияда бу “мумкин эмас” деган имомни эшитмадим. “Улар Қуръонни билмасликлари мумкинми?” – деган саволни илгари сурган ҳолда айтишим мумкинки, бунинг икки сабаби бор: Биринчиси ўзлари кўп хотинлик бўлиши мумкин, иккинчиси ёнида юрган ҳурматли ва бой акаларида шундай. Уларга ўз билганимча жавоб бердим: “Яхши, руҳсат берилди дейлик, Сизнинг таъбирингизча, бу Қуръонда айтилган дейлик, унда қуронда чўрилар, қуллар тутиш ҳақида ҳам айтилган, келинлар унда биз ҳам шундай қилайлик, чўриларимиз билан интим алоқага киришишга ҳам руҳсат берилган, униям қилайлик, хотинимиз ва қизларимиз кўз ўнгида, уят эмасми. Фақат бир муаммо чиқади – ким ўз қизини иккинчи, учинчи, тўртинчи хотин қилиб беришга рози, ким қул бўлишга ва яна ким чўри бўлишга кўнади. Сиз кўнасизми?! Энди Қуръон оятларини келтирай, сўзида адашсам мени кечиринг, лекин мазмунида ҳеч адашмайман – “агар пулингиз булмаса, қўл остингиздаги чўрилар билан кифояланинг, агар пулингиз булса битта хотин билан чегараланинг, имкониятингиз бўлса иккитадан, учтадан, тўрттадан хотин олайверинглар, агар улар ўртасида адолат ўрната олсангиз, ҳаргиз адолат ўрната олмайсиз”. Энди Сиз менга айтингчи,

“....охирги ҳаргиз адолат ўрната олмайсиз” жумласи Сизга қандай эшитилди, бу Ҳукумми ё Ҳукум эмасми?

Суҳбатга яна бир укамиз аралашди: аҳир қизи қирққа кириб қолган, нима қилади, биринчи хотин қилиб бераман дееёб олиб ўтрадими? Жавоб бердим, тўғри айтасиз, ундайларнинг кўпчилиги алла қачон ўз ҳаётларига эгалар, аммо Давлат бу муаммони қонунан расмийлаштирса, ушбу муаммони сиёсат даражасига олиб чиқаётганлар қирққа кирган опаларимизга эмас, Сизу менинг ўн икки, ўн тўрт ёшли қизларимизга кўз олайтирадилар. Интернетда ўтирар экансиз, бундай нусхаларнинг видеоларини кўрмайабсизми? Улар яна рўкач қиладилар – Пайғамбаримиз Ойша онамизга ўн икки яшарлигида уйланганлар. Унга Яна жавоб бердим: Кечирасизу, бу ёшда қизлар ҳали ой ҳам кўрмаган бўладилар.

Диний талқинларни кўп–кўп ёзадиган бир укамиз, “Агар қул бўлганимизда, газ бўлмасди, чироқ доимий ўчиб турарди, одамларимиз ишлагани четга кетган бўларди...., иё ҳозир ҳам шундайю–а” деб ёзибти. Унга жавоб ёздим, “агар биз қул бўлганимизда ўттиз етти миллиард олтин захирамиз бўлмасди, бир йилда ҳарбий кучларимиз учун ўн миллиард маблағ ажратилмас эди... Жигарим, аввало мустақиллик бизга ва ҳеч кимга ҳеч қаерда осонгина бериб қўйилмаган, иссиққина уйингизда ўтириб олиб гап билан чайнаётганингиз миллионлаб мигрантлар Озодлигимизнинг бир устунни, Сиз ва сиз қатори алдаб етаклаб кетаётган алданган ва бугун қамок ҳоналарда ўтирган жигарларимиз яна бир устунни, 1870–1988 йиллар оралиғида ўлдирилганлар, таҳқирланганлар, зиёлилар, хўрланганлар, мамлакатимизда сабр билан яшаб қолиб, озгина даромад учун хизмат қилаётганлар эса яна бир устунни, эркимиз шу устунлар устига қурилган. Японлар, немислар ва бошқа

халқларнинг тикланиш йиллари тарихини бир ўқиб кўринг, агар ичимизда Сиздек фикрлайдиганлар бўлмаганида ривожимиз шиддатлироқ бўларди. Озодлик дегани бу тўйиб овқатланасан, бой бадавлат бўласан, газ, сув, чироғинг бўлади дегани эмас, булар зарур, аммо муҳими эмас. Муҳими, Озодлик бу инсон сифатида мавжуд бўласан дегани”

Бугун маслаҳатчи келиб “шу кетишимиз бўлса жамиятимизнинг ташқи кўриниши ўн йилдан сўнг мутлақо ўзгариб кетади. Паранжи тақиб юрган аёллар ва сақолини киндигига тушуриб юрадиган йигитлардан иборат бўлиб қолади” – дея гап қотганида мутлақо ҳақ эди.

Давлатимиз сақол қўйганлар, ҳижоб таққанлар билан курашаётгани йўқ, уларни сиёсий даражага олиб чиқаётганлар билан курашяпти. Ким сақол қўйса қўйиб юрибти, ҳижоб кийса кийиб юрибди, ҳеч кимни олиб бориб “тиқиб” қўяётгани йўқ. Қолаверса барча динлар қатори динимизга ҳам кенг йўлни очиб қўйибди. Шундай бўлиши ҳам керак. Дин билан, агар Давлат хоҳлаган тақдирда ҳам, курашиб бўлмайди. Рим империясининг қулаши бунга ёрқин мисол. Президентдек кучли шахс шу давлат фуқаролари номидангина гапириши мумкин, аммо кетини тоза ювишни билиб–билмаган тирранча пайғамбар номидан, Худо номидан гапиради. Давлат динга қарши курашиши мутлақо мумкин эмас, унинг ичида юриши ҳам мумкин эмас, У диннинг энг олди сафида бориши ва миллатни динимизнинг туб моҳияти бўлмиш умумбашарий тармоқларга йўналтирмоғи зарур. Қолаверса дин эътиқодга айланган қалбларда авлиёлик томон юз буради. Ислом оламига эзгулик чапонини қийдирган авлиё, донишманд аجدодларимиз озмунчами.

Ушбуни ўтирганлар ичидан —динни чегаралаш керак— деган маънода гапирган бир одамга маслаҳатчи ҳам қалтис жавоб қилди: — биз дин ва диндорларга мутлақо қарши эмасмиз.

Елена Бловатскаянинг “Тайная доктрина” китобида Мирзо Улуғбек ҳақида эслаб ўтилган (Елена Бловатская—рус диссиденти, англияда яшаб ижод қилган, теолог, Буддизм авлиёлари билан дўстона алоқада бўлган. Тайная доктрина китобини ўқишдан аввал унинг “Разоблачение Изида” китобини ўқиб чиқиш зарур.). Мен ҳамиша хайрон бўлардим, ўша замонлар, ўша аҳволга Улуғбек нега юлдузларни тадқиқотига муккасидан кетган? Бунинг сабаби нима? Барчага маълумки, Астрология теологиянинг бир қисми сифатида қаралади. Оламни юлдузлар ҳаракати билан бошқариш мумкин деган назария мутлоқ тўғри деб эътироф этилган. Буддизм буни тан олади. Энди тушундингизми нега у бу иш билан шуғулланган, “Оламни урушларсиз, адолат билан бошқариш мумкин” деган фикр Мирзо Улуғбек онгида бўлган бўлса не ажаб. Шунинг учун ҳам шундай зотни “диндор”лар “Аллоҳнинг тақдирига қарши боряпти” дея айблов қўйишган. Иттифоқ даврида ишланган у ҳақидаги Ўзбек кинофильмида бу мутлақо ёритилмаган. Минг йилки бу тубунлик бизни тарк этмаяпти.

Энди яна бир гап. Ўша китобдан. 1927 йили Лондонда бутун жаҳон теологлариининг катта анжумани бўлиб ўтади. Унда Далай Лама сўзга чиқади. Олимлар унга “Майли Оламнинг етти цикли ривожини ҳақидаги билимларни сир тутинг, аммо инсоннинг етти цикли ҳақидаги ривож йўлини нега яширасизлар, уни баён қилинглари, бу инсоният ривожини жуда тезлаштирган бўларди” дея мурожаат қилишади. У жавоб

беради – “бу билимлар битилган китоблар хавфсиз жойларда сақланибти, инсоният улардан фойдаланиш учун бироз кутишига тўғри келади, бугун уни баён этиш инсониятни кимларгадир қарам қилиб қўяди, биз ҳозир бешинчи раса(цикл)дан олтинчи расага ўтиш давридамиз, улар ва яна кўплаб билимларимиз бешинчи расанинг сўнги, олтинчи расага ўтиш даврида ошкор этилади, инсоният ривожининг етти цикли олам ривожининг етти цикли билан бир хил фалсафага эга бўлганидан уни ҳам ошкор эта олмаймиз, осмонда турли сирларнинг кодлари пайдо бўлиши шу даврни келганлигини билдиради”. Унинг жавобини мазмунан келтирдим. Энди менга айтингчи, ким кафолат берадики, йирик давлатларнинг развед гуруҳлари бу китоблар учун алла қачон овни бошламаган деб, қанча қанча хусусий бойлар бунинг учун буюртма бермаган деб. Ахир ўтган асрнинг қириғинчи йилларирдаёқ Гитлер Тибетга уч марта экспедицию юборгани ёлғонми-ё?!

Энди хулоса қилсак бўлар. Улуғбек даврида Оламни бошқариш ҳақида бизнинг миллат қайғурган, бугун бошқалар қайғуряпти, агар бу қайғуруш эзгу бўлса—я майли. Бугун дунёда юз бераётган воқеликлардан бохабар одам бунга ишонадими? Ўша даврларда биз инсоният ривожининг қайси координаталарида эдигу, бугун қаеридамиз. Буни билмайман, аммо аниқ тиниқ бир нарсани биламан: биз “иштон кий, рўмол ўра, хижоб кий, соқол қўй, қўш қўш хотин ол, ўлган одамга юз килолаб ош дамла, тўйингни данғиллатиб қил, хажга бориб келишда (дини чин эътиқодга айланган одамлар олдида дойимо таъзимдаман, улар эса мусобақа уйиштирмайдилар) мусобақа” каби бир ярим минг йиллик гапирилган нарсаларни тўтидай такрорлаб ётибмиз. Бу тушунчаларимиз билан

ботқоққа ботиб ғилдариги тинмай айланиб атрофга лой сочаётган машинага ўхшаб қолмадикмикан?

Қуръонни ўқитиш назариясини қайта кўриб чиқиш керак. Ислом динининг бир фарзанди сифатида гапиришга, ўз фикримни билдиришга ҳаққим бордир, ахир. Қуръон китобини икки бора ўқидим, учинчи бор ўқишга киришиб, ўзим тасирланган оятларини кўчириб боряпман. Аллоҳ насиб этса, якунига етказарман. Назаримда Қуръон манзарасини “узоқдан” кузатсангиз уни улкан бутун бир гўзал дархтга ўхшатиш мумкин, дархтнинг уч улкан шоҳи бор. Уларнинг ҳеч бирини кесиб бўлмайди, унда бу дархт хунуклашади ҳолос, табиин турганига нима етсин, қолаверса улар бир бирларини тўлдирадилар. Мазмунга келсак, шоҳлардан бирида Илмий оятлар, яна бирида фалсафий оятлар, яна бирида тарихий оятларни мажмуасини кўриш мумкин. Илмий оятлари илм аҳли томонидан тақдим этилаётган янгиликларда кўринади, фалсафий оятлар эса инсонни фикрлашга, ҳулосалар чиқаришга ундайди, тарихий оятлари Пайғамбаримиз яшаган даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳволидан дарак беради. Агар тарихий оятларини олиб ташласак фалсафий ва илмий оятларни тушуниш мураккаблашади. Ва умуман, Илмий, фалсафий оятлар айнан тарихий оятлар асосига қурилади. Жамиятда муносабатлар шакли ўзгариб борсада, мантиғи ўзгармаслигини инобатга олсак оятларнинг доимий эканлигига гувоҳ бўламиз. Муаммо шундаки, фикр юритишни билмайдиган одамлар тарихий оятларни, аниқроғи ўша давр тарихий ижтимоий сиёсий муҳитини бугунимизга олиб келишга интиладилар. Бундай тортишувлар ҳақида раҳматлик М. Содиқ шайх хазратлари “Иҳтилофлар сабаблари” деган

жуда чиройли китоб тақдим этганлар. Мен уни мазза қилиб ўқидим.

Болаларимизга қуръонгача давр олам залолатда эди, деб тушунтирамиз. Эҳтимол шундай бўлгандир. Аммо диндорларнинг жуда кўпига “бу залолат нимада эди” деб савол берсангиз, аксарияти араблар қизларини кўмишарди... деб жавоб беришади. Агар ундай бўлса, Ўрта Осиё – Афросиёбда нега Қуръондан тахминан бир минг уч юз йил олдин Тўмарис юртни бошқарган – деган ўринли савол туғилади. Бундай деб бўлмайдими?! Араб дунёси ва яна қайсидир дунё (тарихчиларимиз билишади) залолатда эди дейиш тўғрироқ бўлади. Қолаверса залолат тўласича унда эмас эди, Инжилнинг етимиш икки нусхаси пайдо бўлганида, Рим руҳонийлари, императори (ўз–ўзини тайинлаб олган –самозванец) эътиқодли одамларни (чунки улар Инжилнинг аслини билишар эди) тақиб остига олганлигидан Константинополдаги турк бошқарувига келиб жон сақлаган эдилар. Эътибор қилсангиз асл насрониларни биз туркилар сақлаб қолган бўлиб чиқамиз.

Қуръоннинг мўжизаларидан бири ҳам аслида шунда, у энг тубан тўдалашган жамиятда пайдо бўлганида: Пайғамбаргача бўлган давр араблар қабила қабила бўлиб урушарди, қароқчилик уларнинг асосий касби кори бўлган, тик туриб ҳожат қиларди. Қуръон уларни бирлаштирди, инсонга ўхшаб тозаликка ўргатди, қизларни кўмиш тўхтади, мамлакат қандайдир йигирма–ўттиз йилда ўз даврининг илғор давлатларидан бирига айланди, кўплаб мамлакатларни истило қилди. Шу ўринда савол туғилади: ўша даврда Пайғамбаримиз ва сўнг ҳалифалар юритган сиёсат бугунги давлатлар юргизаётган сиёсатидан моҳиятан нима билан фарқланади? Менингча ҳеч қандай. Инсон учун ўз юртини севиш ва уни

бойитиш илоҳий бир нарса. Буни тушунтириш жуда мушкул. Агар ўзбек халқига эътибор қаратсак “бизлар Ватанимизни ўзгаларга ҳалал бермасдан севишни биламиз” дейдиган халқ эканлигимизга мутлақо ишонаман.

Қаерда уч тўрт одам бирор бир сабаб билан йиғилса, аниқроғи бирлашса ўша жойда, ўша топта ўз манфаати учун уларни манипуляция қилувчи пайдо бўлади – Диний қарашларимизни умумийлигидан фойдаланувчилар учун орамиздаги калта ўйлайдиганлар ғаним учун бебаҳо топилмалардир. Бизнинг огоҳлигимиз фақат ва фақат шунда бўлиши керак. Мен Қуръондан фақат биргина уйланиш оятини келтирдим, Қарз, Қасос, Ёмонлик ҳақидаги оятлар ҳам фақат ва фақат “кечириб юбориш афзал, сизлар учун фойдалироқдир” жумлалари билан якунланади. Менинг назаримда Қуръоннинг кулминацияси “Қуръон одам билан Аллоҳ ўртасидаги аҳддир, агар сен сенга нисбатан қилинган ёмонликларни кечирсанг Аллоҳ сени ҳам гуноҳларингни кечади” ояти билан намоён бўлади. Аллоҳнинг ўзи билгувчи.

Ўша куни йиғилишдан таълим бузилиб чиққани рост. Дунёда турли туман халқлар қандай илмий янгиликларга эришаётган бир вақтда, сиру синоат ортидан тиним билмай қидирув ишлари билан машғул бўлаётган бир вақтда, яна қаер – мамлакатнинг зиё масканларидан бири бўлмиш институтда энг қалоқ фикрлар ҳақида суҳбат уюштирилганидан мен, очиги уялдим. Демак шунгача шунғибмизда, нима ёлғонми? Кафедралар ўзлари учун очган телеграм каналларида ҳам “Алло рози бўлсин”, “Намоз вақтлари”, турли туман илоҳий уйдурмалар билан тўлиб ётмаябдими? Нима бу олий таълим ячейкаси учун очилган алоқа каналими ё масжиднинг бир бўлагими? Ҳар нарсанинг ўз ўрни борда, аҳир. Агар

фикрларим ноўрин бўлса кимсан Президент маслаҳатчиси бошқа долзарб мавзулар билан шуғулланиши ўрнига, кимлар – “бизлар илмли, ўқимишлимиз” деб мақтанадиган одамларга бу мавзуда суҳбат ўтказармиди. Хафа бўлиб кетдим.

–Йўқ, бизлар бундай эмасмиз – дедим ўзимга ўзим, лекин ички ҳайқириқ билан келган шивиримни ҳеч ким эшитмади.


Камолат йўли



Бизлар кўчада топганини уйига ташлаб яна ортга қайтиб, яна ниманидир олиб кетгани келган одамларга ўхшаймиз: туғиламиз, тажриба ортирамиз, дунё мазмунини ўрганиб, оламдан ўтамыз, қайта туғилиб келганимизда кимдир қаердадир барча тажрибаларимизни ечиб олиб бизлардан яна болалар ясаб ортимизга қайтариб юборадилар....

Дин ва дунё

Назаримда тармоқларда дин ва фан муносабатларини тушинмаётган одамлар кўп экан. Аниқроғи уларни бирини бирига қарши қўядилар. Аслида ундай эмас. Диний олимлар ичида дунёвий илимни тан оладиганлари ҳам, инкор этувчилари ҳам бўлганидек, дунёвий илм намоёндалари ичида




ўз тадқиқоди хулосаларига таяниб илоҳга ишонадиганлари ҳам, инкор қиладиганлари ҳам мавжуд. Ушбу ёндашувга ўзгачароқ ёндашиш керак деб ўйлайман. Айтингчи Ньютон ўзининг қонунларини кашф қилмисидан аввал ушбу қонунлар бўлмаганми? Бўлган албатта. Ёки Резорфорд атом тузилишига

аниқлик киритмасидан аввал атом тузилиши ўзгача бўлганми? Қонунлар албатта бўлган. Ўлардан сўнг яна қанча қанчаси очилди. Олдинда яна қанча қанча қонуниятлар сирлилигича қолмоқда. Ушбу монтиқ дунёвий фанга маълум ва хали номаълум бўлган қонунларни инсон яратмайди, инсон уларни борлигини шунчаки кашф этади ҳолос, уларнинг ўз яратгувчиси бўлган. Ҳулоса шуки, динни фанга қарши қўйиш фундаментал ҳато, аксинча илм табиатнинг, яратгувчининг сифатларини очиб беради. Оламни ўрганиш Ҳудони ўрганишдан ўзга нарса эмас.

Бизнинг энг катта ҳатомиз динни Худо деб билишимиздадир. Кўплаб ихтилофлар шундан келиб чиқиши мумкин. Ҳар бир дин Ҳудонинг бир қисми бўлиши мумкин. Барча динлар ва дунёвий илм йўналишлари Яратгувчининг табиатини, сифатини ўрганишдаги шунчаки услублари ҳолос. Дарҳақиқат, Қуръонда майда жонзотлар, самовий жисмлар, иқтисодий масалаларга бекордан эътибор қаратилмаган.

Дойимо кўнгилсиз бўлавермайди

Электр чироғи йўқ бўлса руҳ сокин бўларкан, ақл дам оларкан.



Уйда осоишталик, жонли суҳбатлар, кундузи эса жонли ўқиш ва ёзиш дилга ором баҳш этаркан. На чора, тараққиёт давом этади, яна бир кун келиб электр токини беришади, яна ёқимли ташвишларга тўла ҳаётимизга мутлоқ шўнғиб кетамиз.

Эҳтиёж бўлмаган жойда ҳожат йўқ. Франс Кафка.

Жамиятда яшовчи кўрқоқ одамнинг жоҳил ва шафқатсиз одамдан фарқи йўқ. Бири мард бўлишга иккинчиси меҳрибон бўлишга эҳтиёж сезмайди, ҳожат кераксиз деб қарайди. Хар иккиси "биз шундай жамиятда яшаймиз" деб ўйлашади.. Билишмайдики, улар мардлик ва меҳрибонликка тамон қадам ташлаганлари онидан жамият ўзгара бошлайди... Инсондек яшашнинг бош шарти эҳтиёж йўқ жойда ҳожатни яратишдир. Шунда эҳтиёж ўз ўзидан пайдо бўлади. Фикрим учун Кафка мени кечирар.



Буюк қалб ва санъат соҳиби

Агар мен астронавт болганимда янги сайёранинг номини Ботир Зокиров номи билан атаган бўлардим. Агар бадавлат одам бўлганимда ер шарининг энг баланд тоғи чўққисига унинг улкан ҳайкалини қурдирандим...



Ўҳшаш вақеликлар

Мен кўрқув (ужас) филмларни кўрсам, уйимдагилар бўлмоғур нарсаларни нега кўрасиз дейишади. Улар тушинишмайди. Билишмайдики, шу "ужас" лар атрофимизда бизни тамоман йўқ қилиш учун босиб келишаётгандек— меҳрсиз, муҳаббатсиз, бойликка ружу қўйганлар, тушинчаси битта нондан нарини кўрмайдиганлар, ақилли олим донишмандларимизни тўхмату бўҳтонлари билан тириклайин "еб" юбораётганлар эмасми?

Нақадар ўҳшаш—а дунёлар... Фақат вақеликларни турли ракурслардан кўра олсангиз бўлди, ҳаммаси аён бўлади.



Ташвиқотнинг бир нусҳаси



Синглим ундан кўра кўчага чиқмай қўяқолмайсизми, шу таомни уйда танаввул қилсангиз бўлмайдими. Ҳааа, унда бу кўринишингизни ҳеч ким кўрмайдида, а, узир. Бошқа мантиқ кўрмадим, азбарою ачиниб кетганимдан айтдим.

Ифтиҳоримизни чайнашма



Интернет тармоғида кимсан эркаклар чайналябди. Атлас кўйлак кийса бўлмас эмиш. Кимдир боласининг исмини арабча қўйса бу унинг иши. Кимдир ўзини келиб чиқишини арабга олиб бориб тақаса бу ҳам унинг иши. Маҳалламизда бир она тўққизинчи синфда ўқиётган қизини саксонга кирган кампирдек кийимлантирибди, бу ҳам унинг ўз эркинлиги, аммо бечорага раҳмим келди. Ҳуллас ким нимани хоҳласа шуни қилиб юрибди, ҳеч ким уларни олиб кириб қамаб қўяётгани йўқ, аммо уларни тарғибот ва ташвиқот қилаётган ғрурсизларни йўлини ким тўсади?!

Шаҳсан мен туркийларнинг ўзбек улусидан эканимдан фаҳрланаман. Унинг миллий кийимлари ҳам мен учун азиздир. Унинг тақдири бу менинг ҳам тақдирим.

Буниси нима қилиқ энди



Шайх хазратларининг айтишича Маккага хаж амалини бажаришга борган икки ёш қадах уриштириб сураатга тушишибди. Кўплаб одамларимиз селфига тушишармиш. Келганда кутиб олишни гапирмаса ҳам бўлади. Бу нима, хаж амалини бажариб келиш дегани жамиятда мақом олишми?

Қурбон ҳайити оstonасидаги ўйлар...

Бир дона бодомни ерга экиб қўйсангиз вақти келиб каттакон дархтга айланади. Уни кузатиб кўп нарсаларни англашимиз мумкин:

1. Бодом данасининг ўзи дархт бўлиш имконига эга эмас. Унга ер, сув ва меҳир зарур.
2. Дархтнинг шоҳлари, унда пайдо бўлган навдалар, барглар, ҳатто навда бўлиш имкони болмаган уч–тўрт барг билан қолиб кетганлари бўлади. Ушбу келажакнинг ҳаммаси биз ерга қадаган бодом донасида яширин мавжуд эди. Аксинча бодом дархти бошқа бир бодом дархтидан фарқ қилмаган бўларди.
3. Биз кўриб турган олам, борлиқ азалиятда Олам уригида мавжуд бўлган, ҳатто ҳеч ким сезмай яшаб ўтган бир дона майсанинг ҳам маълумотлар базасида ўрни бўлган
4. Ким ғояни яратган болса У шу ғояга асосланган мавжудликни кашф этган

5. Дунёни диндан ажратиш мумкин эмас, дархт илим фаннинг онаси бўлмиш табиат қонунлари асосида ривож топади.
6. Бизни ўраб турган табиат, борлиқ улкан кутибхонадир.
7. Яратган Эгам қалбларимизда Унинг энг буюк Устоз эканига ҳеч шубҳа қолдирмайди.
8. Олам Устоз—шогирд муносабатларида ривож топади.
9. Устоз ўқитувчи, ўргатувчигина эмас, у ҳам, ота ҳам онадир.

Оламнинг яралиши

Веда ёзувларида Оламнинг бошланич нуқтаси Аёллик мазмунига эга. Чексиз фазодан ажратилган чексиз фазога келгусида бунёд этилгувчи Олам уруғи экилган, Исонинг илоҳий ғоявий мағзи Марина Магдолина хисобланиши ҳам шундан олинган. Уни кейинчалик ПХ—асрда церков сунъи инкор этган, шунинг учун ҳам аёл табиатнинг энг гўзал борлиғи десалар шубҳа қилмайман! Оламнинг бошланғич нуқтаси сирли синоатли бўлганидек, АЁЛ зоти ҳам ҳаё иболи бўлишлиги бу унинг табиатидир. Бу гўзаллик олдида, бу ҳаё—ибо олдида биз эрлар бир эмас минг минг жонни қурбон қилсак арзийди.

Тақиб

Менинг профилимга ким радикал ислом, жамиятда бўлаётган ишларни ёқтирмай сўкиниб, ҳақоратлаб ёзса, блокланади. Танқид қилмоқчи бўлсангиз инсоний маданиятдан четланманг ва иқтидорингиз етгунча асосланг.

Мениг бу соҳада қатъи қарорим шу: ҳақиқат юртим тинчлигига раҳна солгувчи бўлса мен бундай ҳақиқатдан воз кечаман.

Шу дунёга келдикми демак барчамиз мукаммал бўлмаган руҳлармиз. Илтимосим, “кўп нарсага эгаман” дея даво қилаверманглар.



Эслатма: Агар уйдаги қўрамдаги қўйларимни эрта тонг чиқариб – “бу менинг боғчам, картошка, памидор, бодринг... лардан еманглар, ёнларида чиққан ўтлардан еяверинглар, қоринларинг тўйганидан сўнг яна қўраларингга кириб дам олинглар” десам ва улар мен айтганимни қилганида қўра эшигига ҳеч қачон беркитадиган мослама қўймаган бўлардим..

Мазмун

Мустақиллик – тўйиб овқатланасан дегани эмас, бойу–бадавлат бўласан дегани ҳам эмас, у инсонлигини сақлаб қолиш дегани. Олтин қафас қуриб, қушчангизни энг сара таомлар билан озиқлантирсангиз ҳам имкон туғулди дегунча учиб чиқиб кетади – эркинлик инсоннинг табиатидир.

Эркинлик йўли



Ўзбек одамини Эркин ва Озод бўлишига қаршилик қилувчи бешта сабаб бўлиши мумкин: Махалличилик, Таниш билишчилик, Пораҳўрлик, Сараф харажат талаб этувчи урф одатлар, Дунёвий илимсизлик. Қолган сабабларнинг барчаси чўпчак... Тушинмайман, айтайлик, иссиқ–совуқ маракани данғиллатиб ўтказинг деб на диний ва на дунёвий қонунийликда бор...

Католизатор

Моддилиқ, моддий бойликка бўлган муносабатимиз манавийлик даражамизни белгиловчи элементдир, ботиний қарашларимизни, мақсадлариимизни сирлиликдан ошкор этувчи католизатордир, бизларни инсонларга ва хайвонларга ажратувчи қил кўприқдир.

Ғаламусларнинг интернетдаги малайларига

Ичимиз ва ташимиздагилар, ким бўлсангиз ҳам, Ўзбек миллатини ҳақорот қилишни, унга паст назар билан қарашни, ютуқларимизни масҳаралашни, камчиликларимиз устидан кулишни бас қилинг. Сизлар бизлардан ортиқроқ эмассиз

Ўзимизга айтадиган гап: Бизлар диний айирмачиларнинг чўпчагига ишонмай қўйган кунимиздан бошлаб дунёнинг энг сара миллатлари қаторига қўшиламиз.

Энг бой тил

Биргина инсон юз кўринишининг тасвирловчи сўзлар: юз, чехра, башара, афт, турқ, ораз, узор, руҳсор, нусха, кепата (адашган бўлсам узир)....

Ўзбек тила жуда бой тил. Руслар даврида муомиладан чиқариб юборилган сўзларни қайтариш мавриди келмадими. Агар ушбу сўзларни телевидения, матбуот, адабиёт, илим фанда гапириш, ёзиш мажбурий қилиб қўйилса қайтармиди. Бунда албатта, асарларни текширувчи тақризчиларнинг асосий иши ноўрин ишлатилган сўзлар ўрнига мохиятга мос сўзларни таклиф этиш бўлади. Мутахассисларимиз бунга нима дейишар эканлар?

Иттифок давридаги ўзбек–рус лўғатини варақлаб чиқдим, сўзларимизни кескин камайтириб юборилганини кўрдим, жуда кўп сўзлар русча қолдирилган, гарчи унинг ўзбекча сўзлари бўлсада. Ўчоғни олдига олиб бориб, тутантириқ қиласизлар дедим. Умримда биринчи бор китоб ёқишга руҳсат бердим.

Қозоғистон сабоғи

Халқнинг миллий ижтимои тушинчалари бу ҳом ошиё – биз нима иш қилмайлик, жамиятимизнинг номини қандай атамайлик, қандай қарорлар қабул қилмайлик улардан шу ҳом ошиёнинг юзи кўриниб, таъми келиб тураверади.

Тинч йўл билан талаб қилиш халқчил иш, талабларнинг бажарилишига қарамай бузғунчиликни бошладими, демак бу ерда халқ тинчлигига қарши қайндайдир кучларнинг бевосита аралашувидан иборат ноҳалқчил ишлар мавжуд. Масаланинг иккинчи тамони бу ақлу фаросати кам баъзи амалдорларнинг кенг фикрлай олмаслиги, жамият дунё хамжамиятининг бир қисми эканлигини тушинмаслиги, ўз кўрпасига ўранган холи атрофни мутлоқо кўраолмаслигидадир. Интернет тармоғида ўтирган хали нотинчлик нима эканини билмайдиган "ботир шарпалар" бу масаланинг учинчи тамони. Юртдошларимни ишонтириб айтаман – инсон ҳаёти учун тинчликдан завқлироқ, ўлим билан юз келишданда кўрқинчлироқ, яқинларингизнинг ҳаётига тажовуз қилинаётганлигини сезишданда ваҳималироқ вақелик йўқ. Бизларни интернетда валақлашиб ўтиришимизга хам, оиламиз бағрида тинчгина суҳбат куришимиз хам тинчликнинг бизларга берган тухфасидир. Нотинчликда уни ташкил этганлар қатнашмайдилар, улар "таъом" пиширилиб бўлинганида келадилар ва ўлжага эга чиқадилар.

Сиз нима дейсиз..

Минг минг марта Ватанпарварлик хақида вайсагандан кўра маҳаллада тикланган битта адолат, битта эзгу иш, одамлар нигоҳидаги яхши одамни ўз ўрнига қўйиш минг минг чандон афзалдир. Хар бир салбий вақеликнинг ғалабаси одамлар назарида юз берар экан маънавият, марифат хақида ваъаз айтишимиз бизларни масхара қилади халос.



Сунъилик бўлмаган жойда, борини бор, йўғини йўқ деб айтиладиган ва юқоридаги одамнинг пастдаги одамга меҳри барқарор бўлган жамиятда ортиқча гап улашишга унчалик хам хожат қолмайди.

Ҳар каллада ҳар хаёл

Бир ўзбек йигити Украинадаги уришдан хурсаанд. Нимага десам, “роса уйлар вайрон бўпти, уриш тезроқ тугаса бизга роса иш бўлатта” дийди. Ҳа, уни қуриш учун пул керак десам, “ана ўристи 350 миллиард доллар пулини опқўйибтию” дийди. Хамма йўқни билади, зангғар.

Бунини нима деса бўлади?

Мактаб ўқитувчиси ўғлимдан хат бериб юборибди:

—Совға олиб ўғлингиздан бизга бериб юборинг, Қорбобога берамиз, арча байрамда ўғлингизга қорбобо топширади.

Шундай қилдик, арча байрам куни Қорбобо тантанали равишда ўғлимизга биз юборган совғани топширибди.

Шунда ўғлим —“бу ўзимникию, Сени совғанг қани” дебди
Уйга — “Хамидга қорбобо совға бермади”—дея мактаниб келди.

—Нега— десам

—Унинг дадаси қорбобога савға бермаган экан— дейди



Бугунги ижтимоийи онг

Олган олганники, топган топганники,
Қонун камбағалники, бюджет қопканники

Ёвузликка мактуб

Сиз сураатда кўриб турганингиз ой уфуқидан кўринган ер сайёрамиз, агар уни қуёш системасидан кузатсангиз нимадир



кўринар, галактикамиздан кузатангиз эса йўқлик кўринади. Оламда эса бугунги кун фани аниқлаган миллиардлаб галактикалар мавжуд.

Бизлар шу йўқлик қарида қуёш билан бирга биотизим кемасида қаерларгадир учиб бормоқдамиз. Шу йўқликда бизлар гердаямиз, ўзгаларнинг, кўпнинг ҳаққини олиб қўямиз, баланд баланд уйлар қурамиз, уришамиз, озорлашамиз, “мен зўрман” дея хайқирамиз...

Аслимизда эса жирканч жойларда пайдо бўлганмиз, тоза мусоффо нозу неъматларни аҳлатга айлантирамиз ва ўлиб бир муддат туриб қолган одам ёнида туришга ботиниб бўлмас даражада чиримиз.... Йўқ, “биз ўламиз” деган ҳақиқатни қабул қилмаймиз, йигамиз, йиғайверамиз, харом ҳалол деб ўтирмаймиз, тикилиб ўлишдан ҳам қўрқмаймиз, ялтоқланамиз, ёлғонларни келтирамиз, ёнимизда яшаётган муҳтожни кўрмаганликка оламиз, ўзимизни эзгу бир ишга баҳшида қулишни истамаймиз. Оқибат шу йўқлик қарида йўқ болиб кетамиз.

Инсон абсалют моддий қиймат ўлчовида йўқликдан иборатдир – биримиз англаймиз, биримиз англамаймиз.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди

Антисўкиш

Бизда чироқни ўчириб ёқадиган электрик ўзини маҳалладагилари ҳар чироқ ўчганда "ҳа..., ҳа..." деб бўразалаб сўкишларини билиб қолганидан кейин ҳар сафар ўчирираётганда "ўзингниям, ўзингниям..." деб ўчирадиган бўлибди.

Энди чироқ ўчганда сўкинманглар

Эзилганларга

Ёмонам эзилган экана... Эззилиб, эззззилииииб кетганакана бечара... Укам Озодбек шу гапни ҳамма айтсаям сен айтмасанг бўларкан. Ўқитувчилар “эзилиб кетганмиз” деса ярашарди. Лекин улар гапиришмаябди. Оддий халқ эзилдик деса ярашарди. Улар андиша қилишди. Қачон қаерда қандай ирғитилишидан қатъи назар аёғи билан тушадиганларга қоилман, бу маҳорат, юзсизликнинг нима алоқаси бор бунга. Русларда яна бир мақол бор эди, бору... бирнарсаям ҳеч қачон чукмайди деямиди. Майли нима ҳам дердик, ҳар қим ичидан ўтганини ўзи билади.



Кабоб едик

Бир танишимнинг кўшниси кичкинагина ўғли билан бозорга борибти. Ўғли шашлик олиб беринг деган экан уни шашлик сотучи олдида қўлига битта шашлик ушлатиб турлича суратга олибди. Минг сомга қогозга чиқариб ўғилчасининг қўлига берибдида дебди - мана шуни кўчамиздаги

Ўртоқларингга кўрсатиб мақтанайвер - дебди. Кабоб олишмабди. Шунда ўғилчаси сўрабди. - Дада шашлик емадиму - деса, дада жавоб берибди - ейиш шарт эмас, муҳими расим ўғлим, расим.

Криловга нома

Ниначи (Н) учиб кетар экан дон ташиётган чумолини (Ч) кўриб қолибди.

Н: -Дамингни олсангчи.

Ч: -Куз хам ниҳояланиб қолди, қишни яхши ўтказиш учун бу. Ўзингчи қаяққа?

Н:- Айтганингдек куз тугай деб қолди, Италияга, у ер иссиқ, виллаларда қишлайман.

Ч:- Хааа, ҳа айтганча у ерда Криловни кўрасанми?

Н:- Хар йили боради, бу йил хам борса керак, кўрарман.

Ч: Бир икки қадам юрган чумоли ортига қайрилиб –
Кўрсанг номамни етказиб қўйгин

Н: Нима деб қўйай?

Ч: Унга айтиб қўй, у ҳақиқий расво одам экан.

Одамлардан эшитганларни ёзувга туширдим

Асосли танқидлар яхши, аммо яхшиликни қадрлаш унданда яхши

Бугун ойлик маошим пластик картага келиб тушди. Нақт пул қилиш учун шаҳарнинг бир терминалига бордим. Одам деярли йўқ. Терминал ойнасига беш миллионгача пул эчиб олишингиз мумкин деб ёзилган. Уч миллион нақт пул олдим....

Нари борса узоғи етти саккиз йил олдин ҳам ўз пулимизни нақд пул қилиш учун 30 фойизгача банкка пора бериш учун югуриб юрардик, бу иложсизлик эди. Банк ходимларининг одамларга бўлган муносабатини энди гапирмай қоя қоламан. Бугун банк ходимлари ташкилотма ташкилот юришибди, телефондан туриб 50 миллионгача кредит расмийлаштиришим мумкин.

* * * * *



Автобусда кунига қирик километр йўл юраман, бугун йўлнинг икки четида фақат пахта далалари эмас, балки картошка, пиёз плантациялари, олма, гилос боғлари пайдар пай алмашиб келади. Пахтамиз билан ўтмишимизда бизнинг шанимизни булғашга интилдилар, Оролимизни қуритдилар, таълимимизни далаларга кўчирдилар – пайҳон қилдилар. Эшикларимизга қулф осган эдилар. Ўзбек халқи пахта қуллигидан Озод бўлди. Энди ташкилотлар, ўқитувчилар галустук тақиб кўча супурмай қўйдилар, “ягана қил, ғўзани чопиқ қил, пахта тер” – деган буюруқлардан, бригадир, фермерларнинг сўкишларини эшитиб юришликдан озод бўлдилар.

* * * * *

Юртимизда кейинги йилларда амалга оширилган қўшничиликнинг эзгу йўналиши марказий Осиё минтақамизга



тинчлик, ишонч, меҳир устунларини ўрната олди. Ўзбекистон Президенти бу мақсадга эришшмоқ учун локоматив бўлди ва бўлиб келмоқда. Туркистон ҳудуди қувватланди. Туркий халқлар ибораси амалий

ҳаракатга келди. Кўнгилларимизда ошошталик куртаклари ёйила бошлади.

Ўзбекистон дунё билан барча соҳаларда роционал муносабатлар ўрнатишга ҳақли давлатга айланди...

Биз дунёга очик юз билан боқа бошладик. Қадимий ўлка ривож йўлини топмоқда. Тарихимиз асл ҳолида тикланмоқда.



Мен жуда қаттиқ хурсанд бўлган кунларимни бармоқ билан санасам бўлар.

Шулардан бири Туркистон мамлакатларининг Озод бўлиши, яна бири Афғонистондан келган куним ва албатта Марказий Осиё мамлакатларининг бирлашиш йўлини танлагани бўлди.

Бундай ижобий ўзгаришларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Улар бир шахс Ш. Мирзиёевнинг шаҳси билан узвий боғлиқ.

* * * * *

Халқимизнинг тили қайтадан чиқди, фикрлай бошладик, беш юздан ортиқ хизматлар рақамлаштирилишига ўтди, кредит олиш учун одамлар банклар олдида зор бўлмай қўйдилар, пора беришга ҳоҷжат қолмади, инсон қадр асталик билан бўлсада тикланиб бормоқда.....

Ватанни қутлаш

Ўғлимнинг бизга йўллаган табриги: Ассалому алайкум Дада яхшимисизлар биз яхшимиз, табрик учун раҳмат, сизларни ҳам табриклаймиз – Туғилган кунинг билан Ватанбек, умринг узоқ, ризқинг Улуғ бўлсин, олавергин олдирмаган, тўловергин тўкилмагин!

Зўр, а? Оригинал табрик бўлибди.

Шоир эътиборсиз қолганми



Бугун “Маданият ва маърифат” телекана-
лида "Қоқнус" эшиттириши берилди.
Таъзимларим бўлсин!

*Моддий қашоқлик ҳеч эмас болам, Манавий
қашоқликдан Худо сақласин" Ш. Қурбон*

**6 июль – ТАНИҚЛИ ШОИР ШУКУР ҚУРБОН
ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУННИНГ 65 ЙИЛЛИГИ.
ЧИН ЮРАҚДАН ҚУТЛАЙМИЗ!**

Устоз Эркин Воҳидов шоир сайланма китобига ёзган сўзбошисида ҳақли равишда эътироф этиб ёзган эди: «Етмишинчи йилларга келиб янги бир тўлқин, янги бир истеъдодли авлод сафимизга қўшилди. Ўзбек назми ва насрига янги руҳ кириб келди. Бу авлод сафида пешқадамлардан бири Шукур Қурбон эди. Унинг ҳаяжон тўла юраги, айтган сўзи, ёзган шеъри, ҳар бир хатти-ҳаракатида аён бўлиб турарди...»

Шайтанат фильми ҳақида телевиденияда эшиттириш берилди. Деярли барча актёрлар қатнаш-дилар. Биласиз унда тўй саҳнасидаги қўшиқ халқимизнинг ёдида қолган. Шеърнинг муаллифи ҳақида ҳеч ким бир оғиз бўлсада эсламади. Ёдгор акадек инсон ҳам... Тушинмадим.

Бу ҳам бир фикр


Немислар тиш ювса сувни стаканга қуйиб олишади, кишда уйларини 20⁰ дан ортиқ иситиб юборишмайди, биз эса сувни вошшилатиб оқизиб қўямиз, ҳар бир хонада газ ўчоғи бор, бир жойдан иситиш тизими ҳақида ўйламаймиз... Бизларда энергияни сарф этиш маданияти жуда паст.

Агар 17 миллиард доллорга АЕС қургандан Ўзбекистондаги тахминан саккиз миллон қишлоқ хонодонларини қуёш понелларига ўтказсак, улар оилани ойига 300 кВт*соат энергия билан тامينласа ҳам, ҳар йили 3600 кВт*соат ёнверида энергия тежаларди. Ана энди уни тўрт, беш миллион хонодонга кўпайтиринг. Албатта, бу бир йилда бажариладиган иш эмас, аммо бу мустақиллик заминини баққувват қилишликнинг илиқ шабодасидир.

Дунёнинг ишлари

Иккинчи жаҳон уруши йиллари О‘збекистонда 6,5 миллион аҳоли бўлган, улардан салкам 1,5 миллион забардаст оталаримиз урушга сафарбар этилган. Қолган 5 миллион кексалар, аёллар, болалар Россия, Украина, Беларуссия ва бошқа уруш худудларидан сал кам 1,5 миллион аҳолини эвакуация қилинганларни қабул қилганлар. Улардан 650 мингги болалар эди. Уларнинг бирортаси болалар уйига берилмаган, аҳоли тамонидан ўз уйларига олиб кириб кетилган, юмшоқ жойларини бўшатишиб ўзлари эса ерда ётганлар.... Ўйлайманки бу ҳолат Қирғизистон, Тожикистон, Қазоғистон, Туркманистонда ҳам юз берган.

Фашизим устидан қозонилган ғалабада Англия, АҚШ жуда катта кўмакчи бўлган. Аслида бу уруш инсониятнинг



фашизимга қарши мурасасиз уруши эди ва у халқлар ўртасида дўстликнинг рамзи сифатида этироф этиларди ва этилиши ҳам керак эди. Аммо унга кейинги йилларда рус сиёсатчилари тамонидан шавинистик сиёсий урғу берила бошладилар, империялистик қарашлари чўққисига чикди. Бу урушда азоб уқубатга қолган ва рус халқи билан тенгма тенг юк тортишган ўзга халқларнинг номи унигила бошланди...

Не ажабки, ютуқ бўлса ўзларига қўшишмайди, қўшишмоқчи бўлсалар “бизнинг ота боболаримиз ҳам иттифоқни химоя қилган” дегандек мақом беришга мажбурлашадилар. Улар албатта ўз қишлоғи, севиқли ёрлари ҳақида ўйланликларига менда умуман шубҳа йўқ. “Биз ўз ютуғларимизни ўз ҳолимизча мақтаймиз, тарихимизни асил холида тиклаймиз” десак, ўғридек унга ҳам йўл беришмасликка интиладилар.

Дунёни ишларини қарангки фашизимга қарши курашган халқ сиёсатчилари бугун ўзи дунё хамжамияти тамонидан қувғинга учради. Ўзганинг уйига бостириб келиб, шаҳарларни пайҳон қилиб, юз минглаб рус, украин одамларини ўлдириб – “яна нега бизни яхши кўрмайдилар” – дея оламга эътироз билдирмоқдалар. Айтингчи “нега биз сизларни яхши кўришимиз керак?!” Дам Қозоғистон, дам Ўзбекистон, дам Тожикистон юзига пайдар пай аҳлат отасизлару яна биз сизларни яхши кўрайликми?! Ҳаҳ кўнгни кўчасидан ўргилай сенларни.

Суратдаги қотилликка ундовчи рус сиёсатининг ташвиқотчиларини яхшилаб таниб олинглар. Яна бор анча мунчаси.

Карл Маркс

Институтда Карл Маркс асарларини ўқигандик. Уни руслар пролетариятнинг отаси деб билардилар. Шу кунларда интернет тармоғида унинг руслар ҳақидаги фикрини ўқиб қолдим. Уни таржима қилмай рус тилида ҳавола қилдим. Руслар бунга нима дейишаркин? Украинага босқин оқибатида дунё зиёлилари ҳақиқий тарихни ер юзи аҳолисига эълон қилмоқдалар, таажуб, тарихни ёзишда тўқималар эҳтимол бўлар, аммо русларчалик ҳеч ким уни ёлғонларга кўмиб ташламаган бўлсалар керак.

"Россия, не имеющая никакого отношения к Руси, и получившая свое название в лучшем случае в XVIII веке, тем не менее – нагло претендует на историческое наследие Руси, созданной на 800 лет раньше. Однако Московская история пришта к истории Руси белыми нитками и полностью сфальсифицирована.

В кровавом болоте московского рабства, а не в суровой славе нормандской эпохи стоит колыбель России. Сменив имена и даты, увидим, что политика Ивана III и политика современной московской империи являются не просто похожими, а и тождественными... Россия порождена и воспитана в противной и униженной школе монгольского рабства. Сильной она стала лишь потому, что в мастерстве рабства была непревзойденной. Даже и тогда, когда Россия стала независимой, она и далее осталась страной рабов. Петр I соединил политическую хитрость монгольского раба с величием монгольского владетеля, которому Чингисхан

завещал покорить мир... Политика России — неизменна. Русские методы и тактика менялись, и будут меняться, однако главная цель российской политики — покорить мир и править в нем — есть и будет неизменной. Московский панславизм — всего лишь одна из форм захватничества.

Карл Маркс, "Разоблачения дипломатической истории 18-го века", Глава IV (оригинал «Free Press», London, 1856–1857), репринт «Собрание сочинений К. Маркса и Ф. Энгельса на английском языке» под ред. В.А. Смирнова, Б.Г. Тартаковский, т. 15, М., 1986)

Мантиқсиз англаш йўқ

Агар Қуръон Норвегияда пайдо бўлганида оятлар тинмай қуёш ҳақида гапирган бўларди, жаннат ҳам қуёш тимсолида тасвирланган бўларди.

Совуқ ўлкаларга бориб “жаннатга кирганлар соя салқин жойларда бўладилар” десангиз тепа сочи тикка бўлиб кетса керак. Бу билан нима демоқчиман, Пайғамбаримизга ўз даври ва ўз юртига мос ваҳилар келган. Бунда “Келажакдаги ривож даври бошланса бандаларимнинг ўзлари ҳулоса қилиб оладилар” деган бир мантиқ ётса керак. Сал кенгроқ фикр юритсак дейманда.

“Халқ мақоли”нинг болалари

“Бола азиз, одоби ундан азиз” деган гап бор халқимизда. Мен уни бошқа соҳаларга ҳам тадбиқ қилиб кўрдим.

Пул азиз, сарфи ундан азиз, Дин азиз, эътиқод ундан азиз, Илм азиз, амали ундан азиз, ҳаёт азиз, имон эса ундан азиз...


Бу ёғини ўзингиз давом эттиринг. Ўқшади-а?

Табиатга ҳамоҳанг ҳаёт

Бойлик эҳсони билан, илим амали билан бўлса ҳар икки тойифали одам мартабали қарийди, аксинча ҳар экиси мартабасиз бўлади... Негадир тоғлардаги сув захиралари пастликка қараб оқишини, эр ва аёл бири–бири учун яралганини ва ҳ.к. ларни одамларимиз тушунадилару, аммо бойлик қамбағаллик тамон, илим оми одам томон оқиб туриши зарурат эканини дойим ҳам тушинишавермайдилар.

Мана аслида илоҳий илим, илоҳий моҳият қаерда ва унга қандай амал қилиш зарур. Бекорга табиатни "Она табиат" деб аташмайдилар, унда Худонинг, бизлар ўрганишимиз керак бўлган барча илмлари мужассам.

Гендер тенглик



Эр оиланинг боқувчиси ва ҳимоячиси, Аёл шунинг учун унга итоат этади.

Аёл насилнинг давомчиси шунинг учун Эр унинг ҳаққини адо этади. Бу гендер тенглик бўлмай нима?!

Ғарбнинг гендер тенглиги табиат берган Эр–Аёл фарқини йўқотишдан бошқа нарса эмас.

Тилга ўзга ракурсдан

Тонгда "пазик" автобусида кун ботиш таман кетардим. Олисдаги Қамчиқ давони тоғ тизмаларининг оқарган сочи қўлинг этгудек бўлиб кўринади. Қуёш ҳали чикмаган. Аниқроғи биз улкан соя қамраб олган қишнинг музлаб ётган текислигида эдик. Аммо қаршимдаги тоғ чўққилари қуёш нурлари оғушида ястаниб ётардилар, уларнинг келбатида қуёш

нурлари жилоланади... Англайманки, буюкларни фақат буюкларгина англай оладилар. Уларнинг ўз сўзлашув тиллари бор.

Шу ўринда айтиш жоиз: биз дунё кезмоқ учун турли туман тилларни ўрганмиз. Мақсадимиз биз бормоқчи бўлган юртларнинг одамлари билан мулоқат қилмоқ учун, бир бирларимизни тушинмоқ учун. Аммо баъзан ёнимиздаги одам билан келишаолмай қоламиз, сабаби у билан биз бир биримизни тушинмай қоламиз. Мантиқ шу, энг мураккаб тил бу инсон тилидир – бу инсон сифати, табиати, одатлари тилидир. Демак, ёнимиздаги одамга ёқмас сўз ва амалдан чекланмоқ тилидир.

Ижтимои назорат учун савол

"Одамлар нима дейди" га парво қилмай яшаш керак дегувчиларга айтаманки, бу оғмачиликдан бошқа нарса эмас. Бу жумланинг ўрнига "одамлар нимага нима дейди" жумласи муҳимроқ эмасми?

Моҳият

Бизлар дин, диндор деган сўзлар мазмунида асосан одамнинг ташқи кўринишига этибор қаратамиз. Бу қанчалик тўғри билмадим. Назаримда одамнинг ҳақиқий дини (маънонан) бу унинг ички келишу билан қилинган амалидир. У этикод кўринишида юзага чиқади. Айтайлик ўғри, қотил ва бошқа ноинсоний ҳаракатлар унинг ботинида ҳеч қандай қўзғолон қилмаса бу одамнинг асл дини шу – ёмонлик. У бошига салла ўрайдими, ҳижоб киядими бунуси энди аҳамиятиз. Шунинг учун ҳам инсоннинг индивидуал, маҳсус

катъиятлигига қурилган дини унинг қириқ ёшидан кейингина шакилланади, унгача таёргарлик даврини ўтайди – қайси йўлдан бориш кераклигини белгилайди.

Хуллас дин сўзининг моҳияти менинг назаримда бошқачароқ. Бизда эртаю кеч дини ислом тилидан тушмайдирган танишим бор, унинг дини шундай – ҳар қандай гуноҳ ишни қилсанг ҳам ўлар чоғингда “ла илаҳа иллоллоҳ” – десанг бўлди, жаннатисан. Билишимча у ўз "дини"га жуда садоқат билан ҳизмат қилади

Мигрант

У тушида ёзнинг иссиқ тафтида кенг хавлисида ўйноқлаб юрганини, нон ёпаётган онасининг қучоғига чопқилаб



бораётганини, онаси унга жилмайиб кучоқ очиб турган қиёфасини кўрди... Бу мамлакатимиз учун катта муаммо, албатта.

Агар ким юртимизни Озод бўлишини истаса бу ҳолга ўзгачароқ қарайди.

Иккинчи жаҳон уришидан сўнг японлар яхши яшашни эмас, таълимни ривож типини ёқладилар ва мамлакат ғазнасига тилло тишларини ҳам суғуриб бердилар, немислар ўн саотлаб ишласаларда, ўн икки соатгача ишлайверишларини ёқлаб чиқтилар, буни амалга оширишлари учун “аёқларимизга қувват, кўмак бўлади” дейиша шифтга арқон осишиб қўлтиқларидан тортиб олишдилар...

Савол, ким – Озодликка эришиш осон бўлади– деб айтди. Мен ўзим Москвада ўн йилдан ортиқ ишлаганман, яна қийналиб қолган қориндош, маҳалладагиларимдан йилиги

йигирма ўттиз одамни хавфсиз бўлган ишларга олиб бордим. Тахминий ҳисобимда, биргалашиб юртимизга тўрт–беш юз минг доллар маблағ ҳам юбордик. Бу фойизсиз инвестиция эмасми?

Мигрантлар мустақилликка эришишимиздаги таянч бўлгувчи бир устунимиздир. Уларнинг ҳурматини жойига қўйишимиз керак ҳолос. Иншоаллоҳ, кунлар келади, чет элларда юрган барчаларимиз оилаларимиз бағрларига қайтамиз. Япония, Германия тараққиётига ўхшаш жамият ҳам қурамиз, фақат улар ёклаётган демократиянинг бошига аввало дўппи, эгнига чапон кийдирамиз, белига бел боғ ўраймиз.

Ишга жойлаштириш агентлигидан кимларнидир жиноят устида ушланганини ўқиб хайрон қолдим. Иш топиб бериш, кўмаклашиш ўрнига пора оласанми, номард. Вьетнам тажрибасини ўрганиб, уни юртдошларингга тадбиқ этмайсанми?! Бунинг учун Давлат маблағлари сарф этилмайди, ишга боровчи бир фурсат ўтиб сарфингни ўзи тўлаб беради,. “Инвестиция олиб қираман” – дея елиб югураётган Президентдан уялмайсанми?!

Инсон учун танлов

“Баъзан ўқигандан ўқимаган яхши яшайди” деган фикрларни тез тез эшитаман. Бу фикрга албатта қўшиламан. Фақат шу ерда аниқлик киритсам – аввало барча дипломи одамларни ҳам ўқимишли деб бўлмайди. Ўқимаган билимсизларда мушоҳада такомиллашмайди, улар хайвоний инстинкт билан кун кечирадилар, атрофга яхши мослашадилар, шундан улар қаерда моддий наф борлигини яхши сезадилар. Китобсевар, илимга чанқоқ одамлар эса билим кучига таянишга, ҳар ишда обдон мушоҳада қилишга

одатланганлар. Шунга қарамай уларнинг ҳар бири ички мусоффолик даражасига кўра "яхшилар" ва "ёмонлар" оқимига қўшилиб кетадилар. Хайрон бўлишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Инстинкт табиӣ, билим эса инсоний – илоҳиликка Худо кўрсатган йўлдан боришдир. Аммо билингки, билимсиз одамнинг нафи ўзига, билимли одамнинг нафи эса оммога тегади.

Ҳақиқатнинг аччиқ интиҳоси

Ўйлаааб қоламан.... Бизларда ҳам бормикин а? Жиноят кидрув бўлими ходимлари ичида ақилли, фидойи, йирик кучлар ичидаги улкан жиноятлар қилиб юрган баъзи одамларга қарши курашишни биладиганлар... Ё Карадога ўхшаш қаҳрамонлар фақат киноларда бўлармикан а....



Ушбу фикримга бир виртуал дўстимдан жавоб олдим: Бор, кўп, фақат улар тинчликни асос қилиб олганлари учун Карадодек радикал ҳаракатлар қилишмайдилар.

Бу фикрдан жуда хурсанд бўиб кетдим.

Тарих биз сени унитмаймиз

Кенг майдонда оламон йиғилган. Ўтириб олган хотин–халаж, болалар... Фақат аёлларнинг уввуллаши эшитиларди. Шунда бир онанинг ноласи атрофга таралди, ҳудудга сукунат чўкди. Фақат онанинг мунгли товуши бу ёқимсиз увни бузиб турарди:



Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига
Хиди келса маст бўлайлик ҳандалакнинг бўйига
Хандалак бўйликкинам сиз унда зор биз бунда зор
Тўти қушнинг боласидек иккаламиз хам интизор

Бу 1917 йилнинг босқинчилар тамонидан халқимизни қирғин барот қилган мудҳиш кунлардан бири эди.

Ўн минглаб одамларимиз қатил этилиб, уларнинг жасадлари дорларга осилган ва яқинларига берилмаган кунлар эди. Мурдаларнинг сасиган ҳиди атрофга таралиб, уларни ейиш учун қарғалар учиб келаётган кунлар эди. Оналаримиз, опа сингилларимизни кўзлари гирёнларга, вижудлари жаҳаннам азобига, таналари йўқлик қарига йўл олган кунлар эди.



Бундай даражадаги маҳлуқларнинг инсоният тарихида бўлмаган ғайрихудойи ишларига оналаримиз юқоридаги нолалар ила қарши туришган эдилар...

Бу қирғинлар то 1940 йилларга қадар давом этди. Юзлаб халқ зиёлилари отиб ташландилар.

Аллоҳим Озодлигимизни абадий қил...

СУДДАГИ НУТҚ...

"Мен тўғрилиқ оққасида бош кетса "иҳ" дейдиган йигит эмасман... Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмоғон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим танқисроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди, жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир"...

© Абдулла Қодирий
https://t.me/Adabiyot_olami



XX–аср фожеаси

Жабирдида Афғон халқига,
Америка фожеасида бегуноҳ қурбон
бўлганлар хотирасига бағишланади

Кун жуда иссиқ эди. Илон изидек бир қатор бўлиб йўлимизда, давом этардик. Баланд тоғлар қалашиб ётган ушбу ҳудуд Афғонистоннинг Покистонга чегарадош бўлган ўта ҳавфли вилояти эди. Ҳавфлилиги шундаки, уни мамлакат ҳудудидан Лоғар вилоятининг «Дубанда» жарлиги ажратиб турарди. Жарлик кенглиги ва баландлиги йигирма–ўттиз, айрим жойлари ҳатто қириқ метрларгача етарди. Бу ерларга «броня» транспортлари киролмас, верталётларнинг учиши эса анчайин таваккал иш бўларди, тоғлар баландлиги беш, беш ярим минг метрга бориб тақаларди. Бундай жойларда верталётлар қўнса кўтарилиб олиши ўта мушкул, қуёш чиқиши ва ботишида эса радио алоқа деярли узилиб қоларди. Ҳудуд стратегик аҳамият касб этарди. Душман Покистондан келиб, айнан шу ерларга туташувчи иккита тоғли сўқмоқли йўл орқали Афғонистоннинг ўн тўртта вилоятини қурол яроғ билан тامينларди. Йўллар «Сурҳоб» ва «Дубанда» аҳоли пунктлари номи билан аталарди. Икки мамлакат орасидаги жами сўқмоқ йўллар сони, ўша кезларда айтилишича ўн етита эди.

Тоғлар шунчалик келбатли эдики, кўз билан чамалаб масофани аниқ олиш мумкин эмасди. Улар тоғ ўсимликларининг муаттар ҳидларига бурканган арчазорлар билан қопланган, ҳуш манзарали жойлар бўлсада, айнаи дамда одамни ютиб юборгудек беҳосият, ҳилватли жойлар эди, одамни безовта қиладиган, руҳан чарчатадиган сукунатли эди.

Ахён—ахёнда, узоқ—яқинда учраб турувчи, тоғ ён бағирларига қурилган маҳаллий аҳолининг, биздаги йигирманчи—ўттизинчи йилларни эслатувчи ёлғиз уйлари кўнгилга янада безовталиқ олиб киради.

Навбатдаги номаълум тепаликка ён бағри шоли экиладиган майдонлардаги «пол» кўринишидаги «зина»лар бўйлаб кўтарилдик. «Зина пол»ларида одамнинг кўкрагигача келадиган гиёҳванд ўсимликлари барқ уриб ётарди. Тепаликнинг энг чўққисига қишли, баҳорги ёғинларда сув йиғиладиган, кичик тошлардан теришиб қурилган сув иншоати—ҳавузча мавжуд бўлиб, ундан оққизилган сув билан тепа «пол»дан то энг қуйидаги «пол»гача суғориш мумкин эканлиги шундоқ кўриниб турарди.

Саксон олтинчи йилнинг ёзида кўрганим—бу манзарани эслашимдан сабаб, маҳаллий ҳалқ—нинг деҳқончилигини сизларга эслатиш ва у билан боғлиқ фикрларимни баён этмоқлик эди.

Бугунги Афғонистон Собиқ Иттифоқнинг шарққа қараб ўз ҳудудларини кенгайтиришга бўлган уринишлари ва унга қарши америкалик—ларнинг чора тадбирларидан пайдо бўлган икки державанинг пиширган шўрвасидир. Тақдир тақазосини кўрингки ушбу шўрвадан бугун ҳар икки мамлакат татиб кўрди ва унинг нақадар аччиқ эканини англаб олди. Дарҳақиқат, ўтмиш ҳатоларини тушуниш мумкин, ушбу ҳатоларни тузатмасликни эса ҳеч ҳам тушуниб бўлмайди. Афғонистон тарихнинг мана шундай тушуниб бўлмас ҳатосига айланди. Собиқ Иттифоқ бозор иқтисодига асосланган империя олдида, бир авлод қаршисидаёқ увадаси чиқиб кетган матога айланди, қолди. Шу тариқа ҳатоларни тузатиш пайти келди. Аммо унга на Америка ва на Россия эътибор қаратди.

Ўзбекистон томонидан ўтказилган қатор тадбирлар ҳам ушбу муаммонинг ечимини топмади. Унинг овози, афсуски 11–сентябр фожеасига қадар ҳавода муаллақ қолди. Ўша кезларда бу муаммо жамоатчилик учун шунчаки Марказий Осиё муаммосидек туюлди. Афсуски, аслида у XX–асрнинг энг буюк муаммоси эди.

Уруш қонунсизликдир, чунки урушда қонун бўлмайди, у қонуний ҳаёт тарзини ёмон кўради. Кўпчилик «афғон халқи ўзи тиниб тинчимайдиган халқ эканда» дегувчиларни ҳам учратиб, уларнинг бемантиқ фикрларидан кўнглинг беҳузур бўлиб кетади. Одам боласи энг аввало бир зарурий ҳақиқатни такрор ва такрор англаб олмоғи зарур. Ҳар қандай одам учун тинчликдан–да кўра бебаҳо ва ўлим олдидаги кўрқувдан–да даҳшатли нарса йўқ. Ҳар биримиз дунё юмушлари билан чалғир эканмиз худди ўлмайдигандек яшаймиз. Ўлим ҳаёлимизга келсада доимий дунёвий ишлар билан банд бўлган ақлимизда унинг учун жой топилмайди ва у онгимиздан илиқ кутиб олинмаган меҳмондек бир зумда ғойиб бўлади. Лекин ёлғиз қолганимизда, осойишта вақтларимизда у ҳақида ўйласак, ҳаётимизда атрофимиздаги одамларга кўмак беришдан, савоб қилишдан ўзга жўяли мазмун топа олмаймиз.

Худди шундай рухий жараённи менинг ўзим ўша кезларда афғон одамларида кўп учратганман–кўрқув барчамизнинг бирдек йўлдошим из. Тошкентлик Игор Бакликов билан юз берган «вертолёт воқеаси»ни, Ғазалкентлик Шухрат билан юз берган «Началник каравул»даги «плен» ҳақидаги, Андижонлик Исроил Султонов билан юз берган «карвонни тинтув қилиш воқеалари»ни ва яна бошқа кўплаб мисолларни келтиришим мумкин. Пистирмага тушган «карвон» ёки қуролланган гуруҳларнинг жон қутқариш талвасасини эса

тасаввур этиш қийин. Хўш шундай экан нега уруш тўхтамайди? У ердаги одамлар учун ҳам тинчлик керак экан нега урушга барҳам берилмайди? Ушбу саволнинг жавоби жуда оддий. Дунёнинг деярли ҳамма сиёсатчилари уни яхши тушунадилар. Бунинг учун фақат ва фақат одамларга ёрдам бериш истаги бўлса етарли эди. Катта шаҳарларини инобатга олинмаса деярли электр энергиясиз, матбуотсиз, телевидениясиз яшаётган, омовда ер ҳайдаётган, қуръонни оддий икки сурасини ёд айтиб берсангиз сизни чексиз ҳурмат қилиб қоладиган, саводсизларча кун кечириётган одамларга, уруш оқибатларидан одамлари қочиб кетиши эвазига қанча–қанча ҳувиллаб қолган қишлоқлардан бошқа ҳеч нарсаси қолмаган мамлакатга ёрдам бериш истаги бўлса кифоя эди. Афсуски дунё ҳамжамиятига шу одамий ҳислат етишмади, ёки бепарволикка берилишди. Агар энг улуғ минбардан ўзбеклар Президенти ғоясининг нақадар долзарблигини тушунилганида Америка фожеаси юз бермасмиди, Одилжон Шамсуддиновнинг ҳисобларидаги миллиардлаб маблағлар афғон одамларининг ёрқин истиқболи учун сарф этилмай қолсада, беғуноҳлар қони тўкилмай қолармиди. Ҳайрулла Нуриддиновнинг табири билан айтсак, дунё аҳлининг терроргача бўлган кезларда Афғонистон ҳалқи учун арзимас миллионлар талаб этиларди. Манашу миллионлар кимларнингдир томонидан қизғанилди, ўзини *моддий маданият* цивилизациясида яшаётганини дунёга рўқач қилган «олий тоифалар» оддий *манавий маданият*ни тушуна олмадилар. Вазиятга тўғри баҳо беролмадилар.

Эсдан чиқарилган Афғонистон офтобда қолиб айниган гўшт сингари қурт–қумурсқаларга ем бўла бошлади. У ерда уч хил тоифали газандалар қўним топти. Улар гиёҳвандлик

савдоси, ноқонуний қурол–яроғ савдоси ва руҳий касаллардан бошқа ҳеч ким тушунмайдиган «сиёсат»ни амалга ошириш ниятида юрган, юртига сиғмаган ватангадо сиёсий фоҳишалардир. Кўр кўрни қоронғида топади деганларидек, ҳар уч тоифа вакиллари бир–бирлари учун яралгандек ҳаракат қилишади, улар фақат бир нарсадан манфаатдор–урушдан, уруш булса ҳамма ишлар кўнгилдагидек мазмунга эга. Шу тариқа афғон халқи урушни тирикчилик ўтказиш воситаси сифатида қабул қилишга мажбур этилди. *У ерларда одамлар орасида мана шундай мазмундаги гаплар юрарди: Фалончига қўшилсак ойимизга икки юз беради, орадан бир ой ўтиб пистончи уч юз бераркан, ўшанга кеттик!!! ва ҳаказо. Аслида ўша фалончи пистончининг душмани бўлиши мумкин.*

Асосий маблағ гиёҳвандликдан келгани учун кексалар аёллар ва урушни ҳоҳламаганлар уни етиштиришга маҳкум этилган. Бу ердаги барча ишлар тизимини сиёсий фоҳишалар амалга оширади. Улар пулни Европада ўрнашиб олган гиёҳванд моддалар савдоси «отахон»ларидан оладилар. Агар ифлос сиёсат пешволари ушбу ишни амалга оширмаганларида Афғонистонда аллақачон тинчлик ҳукм сурган бўларди, чунки у ерда ғайри дин бўлган миллатлар яшамайди. «Мусулмончилик»ни рўкач қилиб мусулмонлар ўртасида бўлаётган урушни қандай тушуниш мумкин. Бизга тариқат илми доҳолари «Қалб, тил ва амал бирлиги уйғун бўлсагина Худонинг йўлидасан» дея уқтиришган, дунё аҳлига атрофингдагилар учун фидойи бўлиш, кўнглини олиш, уларга ёрдам бериш санати илмини ўргатишган. Арабларнинг ўзи ҳам исломни шундай фалсафага эга эканидан ёқа ушламоқдалар ва мамлакатимизни чуқур эҳтиром билан тилга оладилар. *Қўлига қурол олиб, одам боласи ривожни ҳақида умуман тушунчага эга*

бўлмаган ва кекиртаги йиртилиб кетгунича «Аллоху акбар» деб қичқираётган ўша гуруҳларда, афсуски бу уйғунлик йўқ, уларнинг амали нопок, қалби ифлос, акс ҳолда қўрғошин ёмғирига дучор бўлармидилар.

Дарҳақиқат, Худога ишонсалар нега оҳирот ҳисобини кутмайдилар, ишонмасалар нега Худонинг номини сотадилар?—деган мантиқли савол туғилади. Буюк авлодларимизнинг оддий фалсафаси ушбу саволга жавоб беради, уларнинг асл башарасини намоиш этади. Агар улар Пахлавон Маҳмуднинг муҳтож одам учун нафақат нони, тузи, сувини балки имонини беришга рози эканини билиб қолсалар қандай аҳволга тушардилар?

Бугун яна бир карра маълум бўлдики, улар шунчаки Худонинг номини сотиб, чайқовчилик қиладилар, ҳолос. Акс ҳолда, шунча маблағи бўла туриб ерлик аҳолининг оёққа турушига ёрдам берса бўлмасмиди? Ва умуман, дунё аҳлининг қарғишига учрагандан кўра, улар хавас қилгудек, уларни ортидан эргаштиргудек, уларни ҳавасини келтиргудек яшасалар бўлмасмиди? Бугун дунё аҳлига етишмаётган Шарқ манавиятидан, тариқат олаmidан сабоқ берсалар, шарму—ҳаё дарсини ўтсалар бўлмасмиди? Бўлди—бўлди ҳалққа бўлди, шу тариқа бир бутун халқ уларнинг уволига қолди.

«Қора дорининг»,дори деганига нима дейсиз, баҳоси Европадагина энг қиммат бўлганидан у ўша ерда сотилиши ва ташкилотчилар ўша ерларда қуним топганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Гиёҳвандлик савдоси «отаҳонлари» кўраётган миллиард—миллард маблағнинг бир фоизи ҳам қашшоқ афғонистонда йиллаб уруш бўлиб турушини бемалол

таминлайди, чунки «отахонлар» «бирингни гўштингни биринг е!» қабилида пулни муҳолиф кучларга бўлиб берадилар. Қарабсизки яна уруш, яна гиёхвандлик ва яна ноқонуний қурол–яроғ савдоси авж олаверади: Ўша кезларда қўлга киритилган қурол–яроғларда Чехия, Хитой, Англия, АҚШ ва ҳатто Собиқ иттифоқ давлати тамғаларининг борлигига нима дейсиз.



Албатта, баланд бинолардан одамларнинг тутдай тўкилишини, дод–фарёди аралаш йиғисини кўрган ҳар қандай одам тўлғонмасдан, қарғанмасдан тўраолмайди, лекин одам ўйланиб қолади, наҳотки Америкаликлар, шу фожиа юз бермаганида бу ишга бош қош бўлмас эдилар, наҳотки бу ишни уддасидан чиқаолмас эдилар, ўз халқининг розилигини ола билмас эдилар? Шундай бир қудратли давлат наҳотки бу фожеанинг олдини олабилмади. Ўзига яраша миллий ҳавфсизликка эга бўлган давлатнинг аҳволи шу бўлса, ёқа ушлайсан одам: Президентимизнинг такрор–такрор қайтарган «огоҳ бўлинглар!» жумлаларини яна такрорлагинг келади. Бу гапларни, дунё ҳамжамиятига эслатишнинг энди кераги бўлмаса керак.

Кеч бўлсада, бизга XX–аср туғиб берган балога қарши уруш бошланди. Бунинг учун яна Америкаликларга раҳмат айтгинг келади. Бутун дунё ҳамжамияти кучини ягона эзгу ғояга қарата олган яна ўша Америкаликларга. Аммо дадамнинг бир гапини эсласам кўнглимини шубҳалар қамраб олади: ишни ҳар ким бошлайверади, фақат ҳақиқий эрларгина уни охирига етказадилар.

Кези келганда бир нарсани айтиш керак. Фожеа юз берганидан сўнг дунёнинг барча мамлакатлари Америка халқига ҳамдардлик билдирдилар, жумладан Ўзбекистон ҳам. Бизнинг тилимизда кўпроқ тазия исҳор қилиш унга яқинроқ туради, лекин диндорларимиздан ҳеч ким уларга атаб қурон тиловат қилганликларини эшитмадим. Қурон бегуноҳлар ўлими учун ўқилганда ўзининг энг фойдали қимматига эга бўлади дейишади. Америкаликлар ва унга ёрдамга кўшилган кучлар Афғонистонни бомбардимон қилиш билан биргаликда унга инсонпарварлик ёрдамини ҳам кўрсата бошладилар. Ҳатто Америка болаларининг Афғон болаларига йиққан маблағи миллион доллардан ортиб кетди. Гап унинг қийматида эмас, балки болаларига берилаётган тарбия, одамийлик ҳақида, дуст билан душманнинг фарқига бориш кераклиги ҳақида бормоқда. Диндорларимиз кечирсинлар—у, бизда мана шундай шаклдаги ташқи маданиятга ҳам алоҳида этибор қаратиш вақти келди чоғи. Дунёнинг қай четида юз берган ҳоҳ қайғули, ҳоҳ қувончли воқеа бўлмасин, болаларимизнинг тарбияси йўлида улардан саноаткорона фойдаланмоғимиз зарур, токи нафақат бизнинг осмонимиз, балки болаларимизнинг онги ҳам, жисми ҳам, ақли, заковати ҳам мусаффо бўлсин, умуминсоний маъно касб этсин. Мамлакатимизнинг ижтимои—сиёсий ҳаётида фаол қатнашиши мумкин бўлган кўплаб сара йигитларимизнинг носоғлом ақл гирдобига ютилиб кетилгани кўзимизни очсин.

«Бу уруш кўп йилларни талаб этади»—деганида Буш қандай мазмуний фикрни инобатга олганлигини билмадиму, лекин гиёҳвандликнинг жабрини ҳали кўп тортамыз. Миллионлаб ёшларимизни бу бало ўз домига тортиб кетган. У билан уруш олиб бориш ҳам осон эмас. Миллардларга ўрганиб

қолган баъзи европалик ҳом тамалар бунга қандай чидайдилар. Озгина думи эзилганидан қичқириғи Ўзбекистонга ҳам етиб келмоқда. Буни Россиялик бизга «ичи қайишганлар» исбот қилиб берди. Ер шари аҳолисини соғломлаштириш яқинлашиб келаётган энергия очарчилиги, экологик ҳавф қаторидан ўрин олган энг машаққатли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган йиллар мобайнида бу бало қанча–қанча одамларни, ҳали ҳаёт нима эканини тушуниб етмаган болаларни захарлаб улгурди, ақлан мажруҳ қилиб қўйди ва қўймоқда. Ўз ватанини сотувчилар, онасини, қизини, хотинини ўлдириб шундоққина Ҳовлисига кўмиб қўйгувчи валатилар шу тариқа пайдо бўлди. Ақлини инсон номуси, эркига қарши қаратиш ғояси билан тўлдирган ва улар устидан ҳукмлар ўқишни ёқтириб қолган падариланатилар уйими шу тариқа бунёд бўлди. Бойлик учун ору–номусини сотувчи «кўча қизларидан» ҳам баттарроқ ва пасткаштроқ пул баччалари шу йўсинда туғилди. Уларнинг ва уларга боғлиқ бўлган жиноятларни, тўғилажак носоғлом болаларнинг сонини ортиб боришини куруш нақадар аянчли. Афғонистонда ва у сабаб дунё миқёсида носоғлом ақл эгалари уйимининг пайдо бўлиши, ўн минглаб навқирон йигитларнинг қурбон берилиши, юз минглаб қалбларнинг жароҳатланиши, миллионлаб аҳолининг қирилиши, ҳам маънан, ҳам руҳан гадойларга айланган одамларнинг ҳаётига гувоҳ бўлиш янада аянчли. Шу маноларда «Афғонистон ХХІ–асрга қутқу солиши мумкин бўлган ХХ–асрнинг энг улкан фожиасидир» деган ҳақиқатни англаш унданда аянчлидир.

Етмиш–саксон фоизи тоғликлардан иборат бўлган Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши, одамларнинг тинч тотув ҳаёт кечириши тобора реалликка айланиб қолмоқда. Тинчлик нақадар тотли тушунча. Ўша қишлоқ ва шаҳарлар одамларини

Ўзининг иссиқ тафтига олаётган тинчликни, кўчаларда оиласини эркин етаклаб кетаётган, ҳеч кимдан ҳадиксирамай ишига шошилаётган афғон одамларини тасаввур этиш нақадар тотли. Уйига ваҳимали кийимларда қурол яроғ истаб бостириб кирган дақиқалари—мизда атрофида болалари билан нонушта қилиб ўтирган, жойида энсаси қотган ва бошини силаган кўлларимга ваҳимадан таёқдек урилган, берган оққантимни ҳам олишга ботина олмаган мунгли кўзли қизчани, унинг учун эҳтиром кўрсатиб бир пиёла чойни зўрба—зўр узатаолган нажот истаган кўзли аёлни паҳса деворлар билан ўралган уйида, тупроқли кўчаларда бўлсада қувноқ кўзларини тасаввур этиш нақадар ёқимли.

Тинчлик сенинг кенгликларингга кириб келаётгани рост бўлсин. Уни ўз ҳудудингда сақлаб қолиш сенга насиб этсин. Ўн йиллаб кўрган ситам, аламларинг тугаётгани чин бўлсин ва пўлат ўт ила саваланаётган қўрғонингда энди кимларга ҳурмат бажо келтириш кераклиги ва кимларни меҳмон қилиш фаросатини англаб етиш сенга насиб бўлсин. Энг аввало сенинг дардингни тушунган ва такрор—такрор дунё аҳлини сенга ёрдам беришга чақирган ёнгинангда меҳрли Ўзбекистондек мамлакат борлиги ёдингдан чиқмасин.

Мен учун қадрли бўлган, бағри жабирга тўлиб ётган Афғонистон, қабрларингда ором топган аждодаларим ҳаққи, олган нафасим—ҳавоинг ҳаққи, мени қучган тупроғинг ҳаққи, кенгликларингда йўқотилган бебаҳо ёшлигим ҳаққи осмонинг мусаффо, йўлинг нурафшон бўлсин!

2001 йил.

Фаргона ҳақиқати

Илтижо

Эй бор Худоё Аллохим, Ўзинг меҳрибонсан, чексизликка вақтга Хокимсан, чаксизликданда чексизсан. Жамики сирлардан огоҳсан, абадул абад сиру синоатсан. Бизнинг борлигимиз Сенинг борлигингдандир, бизнинг тириклигимиз Сенинг тириклигингдандир. Борлиғу йўқлигимиз Сендандир, қалбларимиздан кечаётган жамики ўй ҳаёлларимиздан, орзу, истақ, ниятларимиздан Огоҳсан, ўзимизга ўзимизданда яқинроқсан. "Бўл" сўзининг Хожаси Ўзингсан. Бизлар Сенсиз оламнинг бу тубсиз чексизлигида мантқсизликдан ўзга нарсалар эмасмиз – Сенинг рангинг ила рангинмиз. Бизларни Ўзинг ёрлақол. Гуноҳларимизни авф эт. Сендан сўранаман,



дўсту душманимга, шоҳу гадоингга, гуноҳли гуноҳсизингга раҳм қил, икки дунёсини нурафшон эт, бажаражак савобларимизнинг ажрини кўпдан кўп айла! Сенгагина суянаман, Сендангина сўранаман

эй моддийю руҳи оламларнинг Ҳукмдори.

Сен бизларга фақат ва фақат биргина йўл, камолат йўлини тухфа этган Меҳру–Муҳаббат, Ақлу–Таффақкур, Қонуну–Адолат чексизлигисан. Ушбу йўлда бизларга маёқ бўлмиш борлиқ–табиат дея аталмиш улкан кутубхона инъом этган чексиз хикмат соҳибисан. Бизлар Сенинг тафтинггагина интилгувчилармиз.

Сенинг хукмингдан ташқарида фазо йўқ, ҳаракат йўқ, вақт йўқ, йўқликнинг ўзи ҳам йўқ.



Улуғбек Эркин (Дехқонов Улуғбек Гофурович) 1966 йилнинг 19 августида Андижон вилоятининг Чинобод қишлоғида туғилган. Иш фаолиятини 1983 йилда Андижон ипгазлама бирлашмасида слесарь вазифасидан бошлаган.

Ҳозирда Намаган муҳандислик–қурилиш институти доценти, техника фанлари номзоди.

1983 йилда Чинобод қишлоғидаги 36–ўрта мактабни, сўнг 1991 йилда Фарғона Политехника институти имтиёзли томонлаган. 2004 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозирда “Шамол йўналишига боғлиқ бўлмаган, унинг тезлиги ўзгарувчанлигида фойдали иш коэффициенти қийматини оптимал сақловчи агрегат конструкциясини лойиҳалаш” мавзусида илмий – тадқиқот лабораториясининг раҳбари. 70 дан ортиқ илмий мақолалари халқаро, республиканинг турли даражадаги журналлари ва анжуманларида эъдон қилинган, монография, ихтиро патентлари муаллифи. Қатор сертификатлар билан тақдирланган.

Москва шаҳрида “ВНИИСтройМ–НВ” илмий тадқиқот лабораториясида инженер–тадқиқодчи лавозимида ишлаган. “Ваш репититор” ўқув бирлашмасида талабаларга индивидуал дарс берган. Бир қатор ижобий тақризларга эга.

Ўз даврида Олий Кенгаш қарори билан Жасорати учун (За отвагу), Афғонистон Президенти томонидан “Миннаддор Афғон халқидан” (От благодарного афганского народа) медаллари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Аъло ўқишлари учун” (За отличную учёбу) кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Оилали. Тўрт фарзанднинг отаси.